

# SOHIBQIRON YULDUZI



*Sohibqiron yulduzi*

№ 4 (34) 2018 йил.

**“Bizkim-mulki Turon, amiri Turkistonimiz, bizkim - millatlarning eng qadimi va eng ulug‘i Turkning bosh bo‘g‘inimiz!”**

**Sohibqiron Amir Temur**



**Sohibqiron Amir Temur haykali Qarshi shahrida yangi barpo etilgan “Vatanparvarlar bog‘i” da bosh kompozitsiya bo‘lib, yoshlarni vatanparvarlikka chorlab turibdi.**



*...буюк Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг: «Адолат ҳар бир ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!» деган чуқур маъноли сўзлари ҳар биримиз учун ҳаётий эътиқодга айланиши зарур.*

Шавкат МИРЗИЁЕВ



# SOHIBQIRON

Адабий-бадiiий, илмий, ижтимоий-маърифий журнал

## ТАХРИР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ:

академик Акмал Саидов  
академик Анатолий Сагдуллаев  
проф. Убайдулла Уватов  
Сирожиддин Саидид  
проф. Поён Рашиданов  
проф. Абдурахим Эркаев  
проф. Қаҳрамон Ражабов  
проф. Юлдуз Эргашева  
проф. Баҳодир Эшон  
ф.ф.д. Нафас Шодмонов  
Тулқин Ҳайит

## Бош муҳаррир:

Очил Бўриев

## Масъул котиб:

Шерали Пашиев

## Нашр учун масъуллар:

Рашид Тухтаминшев

Илҳом Тоғасев

Саҳифаловчи:

Баҳодир Мусасев

## МУАССИС:

SOHIBQIRON SHULASI M.CH.I.

Қашқадарё вилоят маъбуот ва ахборот

бошқармасида 2012 йил 12 мартда

14-076 рақами билан рўйхатга олинган.

Журнал уч ойда бир марта чоп этилади.

Журналдан кўчирма олинганда маънавий қайд этилиши шарт.

Мавзелимиз: Қарин шаҳри

Мустақиллик шох кўчаси 2-уй.

Телефон: 221-13-78. 91-466-80-32

Теринга 10.10.2018 йилда берилди.

Босишга 15.12.2018 йилда рухсат

этилди. 22.12.2018 йилда босилди.

Бичими 70x100 1/16. 8.0 босма табақ.

Адаби 800 нусха. Буюртма № 530

Журнал «Photo Express» ишлаб чиқариш

корхонаси босмахонасида чоп этилди.

Босмахона мавзили: Қарин шаҳри

Мустақиллик шох кўчаси. 22 -уй.

Электрон мавзелимиз:

sohibqiron\_jurnali@mali.ru

## УШБУ СОНДА:

### Экспром

Зафар РЎЗИЕВ, Президент уйғотган тарих...4

### Ифтихор

Акмал САИДОВ, Самарқанд руҳи.....8

### Тарих

Убайдулла УВАТОВ, Абу-л-Муин Насафий баракоти.....14

Поён РАШИДАНОВ, Темурийлар силсиласи..17

Эргаш ДАМИНОВ, Абу-л-Муин Насафийнинг "Баҳру-л-Қалом" асари - мотуридий таълимоти тарғиботи бўйича муҳим манба.....45

Қаҳрамон РАЖАБОВ, Жиззах қўзғоломи...49

### Рухий сурат

Усмои Азим, Шеърлар.....26

Назар Эшонқул, Баҳовуддиннинг ити

(ҳикоя).....28

Муҳиддин Омон, Шеърлар.....43

### Мозийга сафар

А.НИЗОМОВ,Ф.РАҲМОНОВ, Хожа

Баҳовуддин Нақшбанд даражоти.....69

### Олий мерос

Соҳиба ОЧИЛОВА, Сағана тошлардаги сеҳрли битиклар.....84

### Замонадонимиз

Очил БЎРИЕВ, Она Ватанимиз миллий манфаатлари йўлидаги фидокорлик.....74


### Қашқадарё қаҳқаҳаси

Шер АЛИ, Сен менни сенидирдинг!.....115

# YULDUZI

2018 йил № 4 (34)

2018 йил - Фаол тадбиркорлик,  
инновацион гоаялар ва  
технологияларни қўллаб-  
қувватлаш йили



Журнал таниқли  
шоир, маънавият  
жонкуяри (марҳум)  
Исмоил Тухтамишев  
ташаббуси билан  
ташкил этилган.  
2010 йилдан буён  
чоп этилади.

## Тадқиқот

- Норбой ҚАҲҲОРОВ, Темурийлар давлат бошқарувида адолат мезонлари.....53  
Азиз РАВШАНОВ, Ўзбекистонда маҳаллий бошқарув тизими ва  
маъмурий - ҳудудий ислоҳотлар: тарих ва сабоқлар.....58  
Х.ЖАББОРОВ, Э.ЖАББОРОВ, Ўзбек опомастикасининг тўраси эди.....63  
Р.ОМОНОВ, А.ХЎЖАЁРОВ, Соҳибқирон Амир Темур салтанатида ҳарбий  
қўшинларнинг тузилиши ва таркиби.....87  
Гузал РАМАЗОНОВА, Франц Кафка.....93

## Жаҳоний жавоҳир

- Франц Кафка, Хитой деворининг қурилиши (Немис тилидан Шаҳноза Қувонова  
таржимаси).....96  
Жорж Сименон, Уч рембрандт (Рус тилидан Азизбек НОРОВ таржимаси)...103

## Бағишлов

- Қилич АБДИНАБИЕВ, Жайхун қўшиғи (роман-драма).....108

## Баркамоллик зийёси

- «Умид билан суқилган таёқ, бир кун берар мева-ю япроқ» Шеърлар.....118

# PREZIDENT

## UYG'OTGAN TARIX

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев буюк ишларга бош бўлдилар. Улардан бири ва шубҳасиз, Қашқадарё вилоятининг тарихи, маънавий ҳаёти билан боғлиқ улуг аждодимиз, теолог аллома, қолаверса, қадим воҳа фахри Абу-л-Муин Насафий шахси ва илмий меросига қаратилган эътибор бўлди.

Тарихда Нахшаб, Насаф номлари билан танилган Қарши шаҳри азалдан обод, серҳосил ерлари ҳамда беҳисоб бойликлари, битмас-туганмас табиий ер ости қазилмалари, қолаверса, илм-фан ва маданият маркази бўлгани билан шуҳрат қозонган. У илм-фаннинг ҳар бир соҳасидан кўплаб илм аҳллари етишиб чиққан шаҳардир.

Қашқадарё Ўзбекистон жанубий сарҳадларидаги қадимги ва йирик дарёлардан бири ҳисобланиб, унинг ҳавзаси атрофида одамлар умргузаронлик қилиб келишган. Уларнинг ҳаёт тарзи мазкур дарё билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Бу ҳатто уларнинг урф-одатларига ҳам маълум даражада таъсир кўрсатган. Табиийки, даврлар ўтиши билан Қарши воҳасига қарашли ҳудудлардаги айрим жойлар номлари унутилган, баъзан эса ўзгаришлар билан ҳозиргача сақланиб келган. Қашқадарёнинг Касби, Насаф ва Кеш, Косон, Фудина, Гузор, Субах, Кожар, Базда, Офурон каби шаҳар ва қишлоқлари ўтмишда ўзига хос илм-фан ва маданият марказлари бўлган. Булар орасида Насаф алоҳида ўринга эга.

Насаф шаҳри Урта Осиёдаги тўртта асосий ҳадисшунослик марказларидан бири ҳисобланган. Мана шундай шаҳарда туғилиб, вояга етган буюк сиймолардан бири аллома Абу-л-Муин Насафий "Мотуридия калом мактабининг ҳимоя қилиб турувчи буюк шахс" деб таърифланган. Бу зотни Нажмиддин ибн Умар Муҳаммад Насафий "Ал-Қанд фи зикри уламои Самарқанд" ("Самарқанд олимлари зикрида қанддек (ширин) китоб") асарида шундай таърифлаган: "Шарқу Ғарбнинг олиму улаمولари Абу-л-Муин Насафий илмининг денгизидан баҳра топиб, ул таратган зиё


нурларини кўзларига тўтиё қилиб суртганлар". Ушбу таъриф ўз-ўзидан берилган бўлмасдан, балки бу ўз даври ва кейинги асрлар афкор оммаси, яъни илм аҳлининг Насафий ижоди ва шахсиятига ўта ижобий ҳурмати намунаси. Бу каби сиймолар олиб борган илмий-тадқиқотлар натижалари юртимиз сарҳадларидан чиқиб, дунё халқлари дурдоналарига айланган.



Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу ҳақда: "Имом Бухорий, Бурҳониддин Марғиноний, Исо ва Ҳаким Термизийлар, Маҳмуд Замахшарий, Муҳаммад Қаффол Шоший, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва бошқа кўплаб даҳолар номи нафақат ислом, айтилиши вақтда жаҳон цивилизацияси тарихида ҳақли равишда олтин ҳарфлар билан битилган", - деб алоҳида таъкидлади. Бундан мазкур буюк сиймоларнинг илмий мерослари чуқур тадқиқ этилишга лойиқ экани англолади", - деди. Бинобарин, айнан шу орқали вайронкор гоёларга асосли раддиялар бериш имкони ортади.

Бинобарин Абу-л-Муин Насафий калом илмининг мустақил фан сифатида ривожланиши, ислом дунёсида мотуридия таълимотининг кенг тарқалиши йўлида олиб борган улкан ишлари билан ажралиб туради. Аллома қолдирган илмий-маънавий мерос нафақат ўз замонаси, балки турли хил оқимлар, фирқалар ўз бузғунчи гоё ва мақсадларини давом эттираётган ҳозирги давр учун ҳам долзарб ҳисобланади. Бундан ташқари, Абу-л-Муин Насафийнинг калом илмига оид мероси манбашунослик, исломшунослик, ўрта асрларда шакланган оқимлар тарихи бўйича муҳим аҳамиятта эга. Шунингдек, мамлакатимиз ҳудудида ҳаракати кузатилган замонавий кўринишдаги диний ақидапарастликнинг турли шакллари ва уларнинг гоёвий-назарий ҳамда тарихий илмларини Абу-л-Муин Насафий каби юртимиздан етишиб чиққан олимларнинг асарлари асосида тадқиқ этиш ҳозирги давр талабидир. Абу-л-Муин Насафий мероси диний мутаассибликка қарши курашнинг маърифий асосларини илмий-назарий жиҳатдан асослашда ҳам муҳим методологик асос сифатида хизмат қилади.

Кези келганда айтиш керакки, буюк аждодларимиз қолдирган бой маънавий мероснинг нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини ҳис қилган ҳолда уларни тўғри йўналтириш бугунги кун талабидир.



Абу-л-Муин Насафийнинг калом илми таълимотига оид фикрларига асосланган ҳолда жамият аъзолари орасида ақидавий масалаларда пайдо бўлган турли тушунмовчиликларга барҳам бериш, ҳар хил адашган гуруҳларнинг нотўғри, ботил ақидаларини аниқлаш, уларга қарши курашиш йўллари ишлаб чиқиш мумкин. Шу билан бирга, унинг асосли мулоҳазалари қонуний – конституцион тузумга қарши гуруҳларга нисбатан ғоявий қурол сифатида хизмат қилади. Зеро, Абу-л-Муин Насафий мотуридия таълимоти давомчиси эди. Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг ушбу фикрлари ҳам мазкур қарашни исботлайди: "Х асрда самарқандлик мутафаккир, "Имому-л-ҳуда" (Ҳидоят йўлининг имоми) деб шуҳрат қозонган Абу Мансур Мотуридий томонидан асос солинган Мотуридия таълимоти бугун ислом оламида кенг тарқалган.

Мотуридия таълимоти илм эгаллаш жараёнида бағрикенглик ғояси асосида инсон ақл-заковатининг ўрни ва аҳамиятига юксак эътибор қаратади. Бу ўз навбатида ушбу таълимотнинг кенг оммалашувида муҳим ўрин тутган. Бундай ғояларга бугунги кунда ҳам инсоният катта эҳтиёж сезмоқда".

Абу-л-Муин Насафий мотуридия ақидавий таълимотини дунёга танитиш, унинг қарашларини ривожлантириш билан бир қаторда ўзининг Қуръон ва суннага асосланган мустақил қарашларига ҳам эга эди. У кези келганда Ироқда аҳли сунна доирасида мотуридия билан бир вақтда вужудга келиб, у билан айрим қарашларида жузъий ихтилофларга борган ашаъарийларга ҳам асосли раддиялар берган. Шу орқали юртимиз илмлар ватани, аждодларимиз ҳақгўй алломалар бўлгани исботланади.

Насафий, шунингдек, асарлари орқали асосан ўрта асрларда ёлгон, вайронкор қарашлари билан кенг ёйилган қадария, хорижия, жаҳмия, қирмития, шиа, мушаббиха, муътазилия ва карромия каби

адашган оқимларга қарши курашган. Шу орқали буюк аждодимиз бу тоифалардан таъсирланган, гоёларини ўзлаштирган ИШИД, сохта салафийлик, ҳизбу-т-таҳрир сингари деструктив тўдаларга қарши курашиш йўлларини кўрсатиб бергани аён бўлаётир. Зеро, бу оқимлар фаолияти янгилик бўлмасдан, аввалдан бўлгани, уларнинг нотўғри ақидаси турли замонларда ўзгача кўриниш касб этиб, бизгача етиб келгани илмий исботланган.

Абу-л-Муин Насафий аксар ақидавий ихтилофлар натижасида вужудга келган ҳар хил хунрезликлар барҳам топиб, барча ишлар аҳли сунна ақидасига биноан қарор топган, турли-туман нотинчликлар, фитналар ва курашлардан холи бўлган бир даврда яшаган. Бу ижобий ҳолат эса, шубҳасиз, имом Насафийнинг ҳаёти ва ижодига ўзининг ижобий таъсирини ўтказган. Чунончи, олим "Тамҳид" асари муқаддимасида ушбу китобини Самарқанд султони илтимосига биноан ёзганини, эътироф этади. Бу эса ўша давр ҳокимларининг аҳлу-с-суннани қўллаб-қувватлаганини кўрсатади.

Абу-л-Муин Насафий мотуридия таълимотини ривожлантириш, Имом Мотуридий фикрларини тарғибу ташвиқ қилиш билан бир қаторда калом илмининг муҳим масалалари бўйича ўз нуқтаи назарига ҳам эга эдики, бу унинг бизгача етиб келган асарларида ўз аксини топган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда "буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир". Демак, буюк аждодларимиз илмий мероси биз учун маёқ-минордир. Уларнинг маънавий жасорати асло унутилмайди.



✓ "Шу йил ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида ўтказилган Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форумида дунёдаги таниқли сиёсатчилар, кўзга кўринган олим ва экспертлар томонидан бу борада ўтган қисқа даврда амалга оширган ишларимизга муносиб баҳо берилди. Таъкидлаш керакки, ушбу анжуман Ўзбекистоннинг жаҳондаги обрўси ва нуфузини янада оширди. Энг муҳими, Осиё форуми инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро амалиётга "Самарқанд руҳи" деган тушунча ва тамойилни олиб кирди"<sup>1</sup>.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

## «САМАРҚАНД РУҲИ»

Осиё форуми халқаро амалиётга ана шу муҳим тушунчани олиб кирди

2018 йил 22-23 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми бўлиб ўтди. У Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллигига бағишланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми иштирокчиларига табрик йўллади. Унда таъкидланганидек, «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллиги яқунлари: замонавий таҳдидлар ва реал воқелик» мавзусида ўтказилган мазкур анжуманнинг долзарблиги ана шу асосий ҳужжатнинг ўрни ва аҳамиятини мустақамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш зарурати билан белгиланади.

Давлатимиз раҳбари табригида инсон ҳуқуқлари соҳасига таалуқли учта муҳим гоя илгари сурилди.

Биринчи гоя - инсон ҳуқуқлари фақат ГАРБ цивилизациясининг маҳсули эмас, балки дунёдаги барча цивилизациялар улушларининг мужассамидир. Тарих шундан далолат берадики, дунёдаги барча цивилизациялар, маданият ва динлар инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги таянч тушунчаларнинг шаклланишига асос бўлган инсонпарварлик гоялари таъсирида вужудга келган, дейди Ўзбекистон Президенти.

<sup>1</sup> Ш.М.Мирзиёев. Билмисиз янги авлод - буюк келажакнинг тadbirkor халқ - фаровон ҳаётнинг ҳастона ҳақдорлик эса - тараққиётнинг кафолатидир // Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган таътананиш маросимидаги маърузаси / Халқ сўзи, 2018 йил 8 декабрь.

Агар бевосита бизнинг аждодларимиз томонидан бу борада қўшилган амалий ҳиссалар ҳақида сўз борса, хусусан, бундан 2700 йил муқаддам Осиё ҳудудида яратилган энг кўхна ёзма ёдгорлик - «Авесто» китобида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, миллатлараро муносабатларни ўзаро ҳурмат ва ишонч тамойиллари негизда барпо этиш гоялари муҳим ўрин тутишини қайд этиш лозим. Бинобарин, ота-боболаримиз азалдан инсон ҳуқуқларини улуғлаган ҳолда, аксинча, зўравонлик ва адолатсизликни рад этганлар.



Ўз навбатида, Шарқнинг буюк ҳуқуқшуносларидан бири Бурҳониддин Марғиноний XII асрдаёқ ўзининг «Ҳидоя» асарида ҳар бир инсоннинг ҳақ-ҳуқуқини сақлаш зарурлиги тўғрисида муҳим гояни илгари сурган. Президентимиз таъбири билан айтганда, «ана шу муқаддас қадриятлар бугун ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган ва мазкур форум кун тартибига ҳамоҳангдир»<sup>2</sup>.

Осиё форуми минбарига: "Ушбу нуфузли анжуманни ўтказиш учун Рим ва Нанкин каби қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳри танлангани бежиз эмас", деган мазмундаги самимий эътирофлар кўп бор янгради. Қолаверса, бу анжуманнинг Ўзбекистонда, афсонавий шаҳар - Самарқандда ташкил этилгани бизга катта фахр ва гурур бағишлайди.

Одатда, қаерда бағрикенглик бўлса, ўша ерда инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилинган, деб қаралади. Самарқанд турли миллатлар, динлар, тиллар, маданиятлар ўзаро бирлашган, бағрикенг ва бахтиёр инсонлар яшайдиган тинч-осуда шаҳардир.

Иккинчи гоя - Декларация қабул қилинганидан буён ўтган 70 йил ичида инсон ҳуқуқларига бағишланган бундай юксак нуфузга эга халқаро анжуман илк бор Осиё қитъасида - Ўзбекистонда ташкил этилди. Бинобарин, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 1-моддасида: «Ҳамма одамлар ўз қадр-қиммати ҳамда ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғилдилар», деган қоида мустақамлаб қўйилган.

Яъни, ушбу қоидада инсон ҳуқуқларининг универсаллиги принципи - Ер юзидаги барча инсонлар бир хил ҳуқуқларга эга эканини кафолатлайдиган тамойил акс этган. Аммо, сайёрамизнинг Европа, Америка, Африка каби бошқа қитъаларидан фарқли равишда, Осиёда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича муайян минтақавий тизим ҳалигача яратилмаган.

Шунинг учун давлатимиз раҳбари Бирлашган Миллатлар

<sup>1</sup> Ш.М.Мирзиёев. Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми шартноҳчаларига/ president.uz / 2018 йил 22 ноябрь.

Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерришга бизнинг минтақамизда биринчи марта ташкил этилган ушбу форумни ўтказиш ҳақидаги ташаббусни қўллаб-қувватлагани учун самимий ташаккур билдирди. БМТ Бош котиби ҳам ушбу халқаро анжуман иштирокчиларига ўзининг видеомурожаатини йўллади.

Президентимиз табригида: «жами 4,5 миллиарддан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган Осиё минтақасининг келажаги кўп жиҳатдан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 2030 йилга қадар барқарор тараққиёт соҳасида белгиланган вазифаларни амалга оширишга тайёр бўлишга, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича самарали минтақавий механизмни шакллантиришга боғлиқ»<sup>3</sup>, дея қатъий ишонч билдирилди.

Самарқанд шаҳрида ўтказилган халқаро анжуман иштирокчилари ушбу ғояни ҳам қизгин қўллаб-қувватладилар. БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссарининг махсус вакили Адам Абделмула баёнот берганидек, «Ҳақиқатдан ҳам Осиё минтақаси дунёнинг бошқа минтақаларидан фарқли ўлароқ, Инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида ягона тизимга эга эмас. Бундай тизим ҳақида фикр алмашиш ва уни ташкил этишнинг айна вақти келган».

Адам Абделмуланинг таъкидлашича, БМТнинг у раҳбарлик қилаётган Департаменти Осиё мамлакатлари, шу жумладан Ўзбекистонга ҳам шундай тизимни ташкил этишда кўмаклашишга шайдир. «Ўзбекистон сўнгги бир йилда бу борада илғор тажрибага эга бўлди. Хусусан, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Ўзбекистонга ташриф буюрди, бу соҳага доир қатор тавсиялар берилди, бир неча ҳисоботлар эълон қилинди», деб қайд этди БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссарининг махсус вакили.

Осиё минтақасида ҳозирги кунда инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ воқелик қай ҳолатда ва у келажақда қандай ривожланади, деган савол туғилиши табиий. Зеро, бугун инсон ҳуқуқлари - умуминсоний қадриятларнинг узвий бўлагидир. Инсон ҳуқуқлари муайян давлатнинг ички иши эмас, балки халқаро хавфсизликнинг таркибий қисми ҳисобланади. Демакки, маълум бир мамлакатдаги инсон ҳуқуқлари қўшни давлатлар ва жаҳон ҳамжамияти учун ҳам бирдек муҳимдир.

Шу нуқтаи назардан, Осиё форумининг асосий иш фаолияти инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қитъамиздаги мавжуд механизмларни янада такомиллаштириш ва янгиларини таъсис этиш, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ўртасида ўзаро ҳамкорликни таъминлаш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқишга қаратилгани айна муддао бўлди.

<sup>3</sup> Ш.М.Мираббев. Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми иштирокчиларига / president.uz / 2018 йил 22 ноябрь.

Учинчи гоя - Ўзбекистонда кейинги икки йилда инсон ҳуқуқлари соҳасида амалга оширилаётган изчил, шиддатли ва самарадор ислоҳотлари тажрибаси бу борадаги энг яхши амалиёт сифатида халқаро доирада ўрганиш ҳамда кенг тарғиб этишга муносибдир.

Мамлакатимиз раҳбари қайд этганидек, «Бугун биз Ўзбекистон миллий тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйган бир даврда «Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак» деган бош тамойилга амал қилмоқдамиз. Айнан ана шу тамойил 2021 йилгача Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш стратегиясини амалга оширишнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда»<sup>4</sup>.

Самарқанд анжуманида бу борада кўплаб халқаро эътирофлар билдирилди. Хусусан, БМТ Бош котиби ўринбосари Майкл Мёллер Ўзбекистонда инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳот ва янгиланишларга юксак баҳо берди. Мартабали меҳмон БМТ Ўзбекистон билан кўп қиррали ҳамкорликни, жумладан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллиги муносабати билан мамлакатимизда ўтказилган Инсон ҳуқуқлари бўйича биринчи Осиё форуми натижалари доирасида янада мустақамлашга тайёр эканини қайд этди.

«Ушбу форум Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларини таъминлаш, уларни лозим даражада рўёбга чиқариш учун шарт-шароит яратиш нақадар муҳим эканини теран тушунишни яққол ифодалайди. Форум нафақат мамлакат, балки минтақавий ва халқаро аҳамиятга эга», - деди БМТ Бош котиби ўринбосари. - «Жаҳонда ҳукм сураётган бугунги таҳликали шароитда ушбу юқори даражадаги форумнинг ўтказилиши нафақат Ўзбекистон, балки халқаро ҳамжамият учун ҳам муҳим аҳамият касб этади».

Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форумида халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари, дунё давлатлари, миллий парламентлар, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар вакиллари тимсолида 120 нафар хорижий меҳмон иштирок этиши кутилганди. Самарқанд анжумани қатнашчиларининг жами сони салкам 400 нафарга етди.

Айниқса, Осиё форумида БМТ Бош котиби ўринбосари, БМТнинг Женева шаҳридаги бўлинмаси бош директори Майкл Мёллер, ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси директори Ингибёрг Солрун Гисладоттир, БМТ Бош котибининг махсус вакили, Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий марказ раҳбари Наталя Герман, ЕХХТ парламент ассамблеяси раиси Георгий Серетели, МДХ Ижроия қўмитаси раиси

<sup>4</sup> Ш.М.Мирзиёев. Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми иштирокчиларига / president.uz / 2018 йил 22 ноябрь.

- ижрочи котиби Сергей Лебедев, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссарининг махсус вакили Адам Абделмула ва бошқа муътабар меҳмонлар фаол иштирок этдилар.

Анжуман қатнашчилари томонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида бутунги кунда халқаро миқёсда олиб борилаётган ишлар ва келгусидаги вазифалар теран муҳокама қилинди. Шунингдек, Парламентлараро иттифоқ Бош котиби Мартин Чунгонгнинг форум иштирокчиларига мурожаати тингланди.

Тўртта ялпи сессияда - 20 нафар маърузачи, мавзулар бўйича 3 та шўъбада - 18 нафар маърузачи, муҳокамаларда 50 дан ортиқ иштирокчи сўзга чиқди. Буларнинг барчаси Самарқанд анжумани нечоғлик долзарблигидан далолатдир.

Осиё форуми якунида қабул қилинган Самарқанд Декларацияси - Осиё форуми давомида инсон ҳуқуқларига доир ялпи стратегия ва Барқарор ривожланиш мақсадларида кўзда тутилган муҳим вазифалар, инсон ҳуқуқлари бўйича таълим, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг ўрни ва аҳамияти каби бир қатор масалалар юзасидан икки кун давомида олиб борилган қизгин баҳс-мунозара, мушоҳада ва муҳокамаларнинг якуний хулосасидир. Таъбир жоиз бўлса, Самарқанд Декларацияси билдирилган барча амалий фикрларнинг қаймоғи, мантиқий хулосаси ҳисобланади.

«Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллиги якунлари: замонавий таҳдидлар ва реал воқелик» мавзусида ўтказилган инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форумининг Самарқанд Декларацияси - муқаддима ва 21 та банддан иборат. Ушбу салмоқли ҳужжатда асосан давлат органлари, яъни парламент, ҳукумат, суд ҳокимияти, шунингдек, фуқаролик жамияти институтларининг инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимни ривожлантиришдаги ролини мустаҳкамлашга доир муҳим назарий қоидаларни ишлаб чиқишга эътибор қаратилган.

Бундан ташқари, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий механизмларнинг ўрни ва аҳамиятини кучайтиришга ургу берилган. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг минтақавий механизмларини ишлаб чиқиш учун келгусида ўзаро ҳамкорликни янада чуқурлаштириш зарурлиги таъкидланган.

Самарқанд Декларацияси янада муҳим қоидалар билан бойитилишида халқаро анжуман иштирокчиларининг қандай таклиф ва тавсиялари амалий аҳамият касб этди, деган савол туғилиши табиий.

Биринчидан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича минтақавий механизмларни ишлаб чиқиш йўлларини аниқ белгилаб олишга қаратилган бир қатор таклифлар ўртага ташланди. Бунинг учун, хусусан, шундай Форумларни мунтазам, айтайлик, ҳар икки йилда



ўтказиб туриш мақсадга мувофиқ экани қайд этилди.

Иккинчидан, Барқарор ривожланиш мақсадларида кўзда тутилган муҳим вазифалар ижроси доирасида "ҳеч ким эътибордан

четда қолмаслиги керак" деган адолатли тамойилга амал қилиш лозимлиги эътироф этилди. Шу мақсадда «Минтақа мамлакатларининг инсон ҳуқуқлари бўйича таълим муассасалари консорциуми» ташкил этиш масаласини кўриб чиқиш асносида, Тошкент шаҳрида «БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳаси бўйича таълимга доир Декларацияларини амалга ошириш бўйича минтақавий хаб (марказ)» тузиш билан боғлиқ таклиф маъқулланди.

Учинчидан, болаларимизда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш, ёш авлоднинг ушбу соҳа бўйича билим ва кўникмаларини ошириш муҳимлиги қайд этилди. Бу борада, хусусан, ЮНИСЕФ, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари, ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси кўмагида БМТ Бола ҳуқуқлари конвенцияси қабул қилинганининг 30 йиллиги муносабати билан 2019 йилда ўқувчи-ёшлар ўртасида халқаро олимпиада ўтказиш таклиф этилди.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Мишель Бачелет таъкидлаганидек, «биз юксак адолат ва тенглик сари ҳаракат қилган тақдирдагина янада барқарор тинчлик, хавфсизлик ва тараққиётга эришмоғимиз мумкин». Ўзбекистон бу муҳим принципни тўлиқ қўллаб-қувватлашини Самарқанд халқаро анжумани тимсолида қатъий тасдиқлади.

Хулоса қилиб айтганда, инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми туфайли «Куч - адолатда» шиорининг соҳиби бўлмиш Амир Темур бобомиз салтанати пойтахти яна дунё ҳамжимиятининг назарига тушди. Бу анжуман Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини оширди. Энг муҳими, Осиё форуми жаҳоннинг инсон ҳуқуқлари амалиётига «Самарқанд руҳи»ни олиб кириш йўлида улкан қадам бўлди.

# ABU-L-MUIN NASAFIY BARAKOTI

Қарши (Насаф) азал-азалдан дунё илм-фани ва маданияти равнақига салмоқли ҳисса қўшган шаҳарлардан бири сифатида жумлаи жаҳонга яхши маълум. Қадимий кўлэзма ва библиографик қомусий асарлар варақлаб кўрилса, бу баракотли кентдан кўплаб олиму уламолар, фозилу фузалолар етишиб чиқиб, Насафий нисбаси билан самарали ижод қилганининг гувоҳи бўламиз. Замонавий тадқиқотчи ва олимларнинг ҳозирги тахминларига кўра, бу кўҳна ва хосиятли шаҳардан чиққан илму ирфон аҳлларининг сони бир неча юзни ташкил этади.



Мана шу кўп сонли улуг насафийлар жумласидан IX асрнинг иккинчи ярми ва X асрнинг биринчи чорагида самарали фаолият кўрсатган йирик олим Абу Мутиъ Макхул ибн Фазл Насафий (вафоти 930 йил) асос солган насафийлар сулоласи намоядалари айниқса, алоҳида ўрин эгаллайди. Ушбу сулоланинг бир нечта вакиллари диёримизда қатор илмларнинг, хусусан, исломий билимларнинг равнақига салмоқли ҳисса қўшганлар. Мисол тариқасида уч авлод оша мазкур сулоладан етишиб чиққан улуг олим Абу-л-Муин Насафий (1027-1114) ўзининг маънавий устози, буюк мутакаллим имом Абу Мансур Мотуридий таълимотини янада ривожлантириб, унинг бутун Шарқ мамлакатларига тарқалишида беқиёс хизмат кўрсатган олим ҳисобланади.

Ўрни келганда айтиш керакки, ақида масалалари ҳар қандай даврда ҳам, ҳар қандай жамиятда ҳам алоҳида аҳамият касб этган. Шу боисдан бу ҳаётий муҳим масала ҳар доим ҳам илм аҳлининг диққат-эътиборида бўлиб келган.

Абу-л-Муин Насафий ҳам шу йўналишда бир нечта асарлар яратган. Муаллифнинг айниқса "Табсират-ул-адилла", "Бахр-ул-калом", "Ат-Тамҳид ли қавоиди-т-тавҳид" каби асарлари дунё олимлари томонидан юқори баҳоланган. Афсуски, Абу-л-Муин Насафийнинг ҳаёти ва асарлари собиқ тузум даврида умуман ўрганилмаган.

Истиқлолимиз шарофати билан кўплаб алломаларимиз каби Абу-л-Муин Насафийнинг ҳам ҳаёти ва асарларини илмий асосда ўрганиш ишлари

йўлга қўйилди. Шу ўринда Республикамизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 1999 йил 21 декабрь куни Қашқадарё вилояти сайловчилари билан учрашувда сўзлаган нутқида: "Ҳар қандай юрт ўзининг буюк фарзандлари, шу заминда яшаб ўтган азиз-авлиёлари билан табаррук ва муҳаддасдир. Қашқадарё заминиди бундай инсонлар жуда кўп ўтган. Ана шундай мумтоз шахслардан бири ўн аср муқаддам таваллуд топган Абу-л-Муин Насафийдир. Ислом қонуншунослигида, калом илмида Ҳазрати Мотуридийдан кейин турадиган бу аллома ўзининг калом илмига оид асарлари билан бутун мусулмон оламида маълум ва машҳурдир. Афсуски, бу улуғ зотларнинг номларини, уларнинг бебаҳо меросини ҳали кўпчилик билмайди. Қашқадарё воҳасида камол топган мана шундай улуғ аждодларимизнинг тарихини, фаолиятини, маънавийтимиз хазинасига қўшган ҳиссасини ҳар томонлама ўрганиш, тарғибу ташвиқ қилиш олимларимиз, биринчи гада қашқадарёликларнинг бурчидир", - деган таъкидини келтириш жоиз.

Айниқса, муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг аллома илмий меросига алоҳида эътибор қаратгани, уни: "Бундан минг йил олдин жаҳолатга қарши маърифат билан курашган аллома", - дея таърифлагани ҳар бир зиё аҳлини, хусусан, қашқадарёликлар қалбини гурурга тўлдирди. Бу муҳим кўрсатмаларни ҳаётга татбиқ қилиш йўлида Қашқадарё олимлари томонидан талай эътиборга молик ишлар амалга оширилди.

Абу-л-Муин Насафийнинг илмий-маънавий меъросида салмоқли ўрин эгаллаган "Табсира" номли шоҳ асарининг, "Ат-Тамҳид ли қавоиди-т-тавҳид" дастурий асарининг, арабчадан ўзбек тилига таржима қилиниши, "Баҳру-л-калом" китобининг "Калом илмида сўзлар денгизи" номи остида шарҳ ва изоҳлари билан нашр этилиши ҳам шулар жумласидандир. Ушбу хайрли ва савоб ишни рўёбга чиқарган олижаноб, том маънода маърифатпарвар, фозил инсон, Аллоҳ раҳмат қилгур, Элмурод ҳожи Холмурод ҳожи ўғлига, минг афсуски, ўз меҳнатининг самарасини кўриш насиб этмади. Атиги қирқ тўрт йил умр кўрган бу ажойиб инсон ўзининг қисқа ҳаёти давомида юртимиз тараққиёти учун ўта зарур бўлган маънавий комил инсонларни тайёрлашда кўп жонбозлик ва фидоийлик кўрсатганини уни таниган ҳар бир киши яхши билади.



Истиқлолимиз яратган имкониятлардан фойдаланган ҳолда, Элмурод ҳожининг саъй-ҳаракатлари натижасида 1992 йилда Қашқадарё вилоятининг Китоб тумани марказида "Хожа Бухорий" номидаги диний вилоятининг Китоб тумани марказида "Хожа Бухорий" номидаги диний мадраса ташкил этилди. У ушбу мадраса ўз фаолиятини бошлаган дастлабки кунлардан то умрининг охиригача унда директор лавозимида фаолият кўрсатди. Элмурод ҳожи ўз ҳаётини халқимизнинг диний-маърифий, маънавий саводхонлигини оширишга сарфлади, десак, асло муболага бўлмайди.

Абу-л-Муин Насафийнинг "Ат-тамҳид ли қавоиди-т-тавҳид" асари 1986 йилда амисрлик таниқли олим Жийбуллоҳ Ҳасан Аҳмад томонидан



илмий асосда тадқиқ этилиб, Қоҳирада "Дору-т-тибоати-л-аҳмадийа" нашриётида чоп этилган. Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейига муносиб совға сифатида, марҳум домла Элмурод ҳожи Холмурод ҳожи ўғли томонидан қилинган ушбу ўзбекчага таржима мазкур Қоҳира нашрига таянган ҳолда бажарилган.

Ўрта аср манбаларига хос мураккаб тил ва услубда ёзилган ушбу ва аллома мероси ҳисобланган бошқа асарлари бағрикент китобхонларимизда ижобий таассурот уйғотишига умид қиламиз. Бинобарин, Абу-л-Муин Насафий бизнинг ватандошимиз - аждодимиз. У ўз даврида тўғри йўлдан адашган ботил қарашли гуруҳларга қарши курашар экан бугунги кун учун ҳам беқиёс фойдали мерос қолдиргани кўп бора исботланган. Чунки унинг "Табсира", "Баҳру-л-калом", "Тамҳид ли қавоиди-т-тавҳид" сингари бизнинг давримизга қадар етиб келган асарларини илмий асосда чуқур ўрганиш ёт таъсирларга қарши самарали кураш кафолатидир.



Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодават, нотижорат ташкилотларнинг ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди гранти асосида «Ёшларга ўзбек халқининг маънавий бойликларига ҳурмат билан қарашни, халқимиз анъаналари ҳамда урф-одатларини, бебаҳо тарихий меросини сақлаш ва ривожлантириш туйғусини сингдириш» лойиҳаси доирасида тайёрланди.

# Temuriylar silsilasi

(Давоми. Боши утган сонларда)

Зиёфатхонага апил-тапил кирган тўрт навкар Алоуддавла Мирзони судраб, танасидаги огир занжирларни тарақлатиб, олиб чиқиб кетдилар. Сихни қиздиришга анча вақт кетди, чоғи, эшик тарафдан инграган ёки додлаган овоз эшитилмади. Ҳамма ҳозир бўлганларнинг қулоғи динг, Мирзонинг икки кўзига қачон мил тортилар экан, деб қизиқсиниб кутиб турардилар. Бир вақт бўкирик саройни ларзага солди, қиздирилган учи тўмтоқ сих бири ловуллаб турган оловда, бири эса, Алоуддавла Мирзо кўзига босилаётган эди. Мирзонинг талвасали бақирғи жазокорларни шошириб қўйдими, бу ишга тажрибаси йўқ эдими ёинки уларнинг ҳам кайфи баланд эканлиги-ми, бир тасодиф сабаб бўлиб, иккинчи сих кўзга тортилиши унутилиб, бириси билан ҳар иккала кўзни ҳам жароҳатладилар. Шу боисдан ўнг кўз гавҳари хира тортиб, чапи айтарли зарар кўрмади.

Абулқосим Бобур Мирзо акасини батамом кўр қилганликларига амин бўлиб, кишандан бўшатиб, тўрт тарафинг қибла, деб рухсат берди. Кўзлари атрофи куйиб, айниқса, ўнгдагиси қизариб, илвираб кетган, ҳушини йўқотган Алоуддавла Мирзони хачирга ўнгаришиб, сарой худудидан олиб кетдилар. Ҳафта-ўн кун Боғи Зоғоннинг четроқдаги кўримсиз, хизматкорларга атаб қурилган ҳужраларидан бирида даволаниб, ўзига келган Алоуддавла Мирзо у билан ҳеч кимнинг иши йўқлигидан Машҳадга, авлиёлар зиёратига кетишга аҳдланди. Зўравон укаси, ҳайриятки, ёнида эҳтиёт сақлаб келган лаъл-у тилло тангаларига тегмаган, ўзида қолдирган экан. Ўнг кўзи юмилиб қолган, чапи эса йиринги ариб, шишлари қайтган бўлса-да, ўн беш қадам нарини кўрмасди. Унинг Машҳадга, Имом Ризо қадамжосига ҳокисоргина жўнаб кетиши саройни на ташвишга солди, на чўчитди. Энди, уни ўйиндан чиққан, йўлини ҳам топиб юролмайдиган нотавон ҳисоблардилар. Маниҳадга келиб, бор ихлоси билан авлиёга дил боғлади, зиёрат шарт-шароитларини ками кўстсиз адо этди. Бир неча вақт шу ерда бўлиб, кўзларига шифо топди, нуринди. Изидан айгоқчилар қўйилганлигидан гумондор бўлиб, атайлаб кўзларини қора мато билан қалин қилиб боғлаб юрди. Ёлғиз қолганида боғични ечиб қўяр, кўзларининг яхши кўраётганлигига дамба-дам ишонч ҳосил қиларди.

Анчайин ўзига келиб, соғлигини яхшилаган Алоуддавла Мирзо, "ўрганган кўнгил ўртанса қўймас", деганларидек, ҳамон тахт қули бўлиб, унинг фиригида ҳеч нимани кўрмас, устига-устак, ўч ва адоват қўшилиб, укасини

яксон қилиб, Ҳиротни қайта қўлга киритиш иштиёқида ёнарди. Эҳтимол, кўзларига босилган мил иссиғи ҳам унинг вужудини бу қадар куйдирмагандир. Кунларнинг бирида Майманга йўл олди. Маймана ва Форёб вилоятларида арлотлар қавми умргузаронлик қилиб келарди. Шу улуснинг марҳум амири Ёдгоршоҳ унинг қайнотаси бўларди. Поччасининг бошидан ўтганларни тинглаб, қайноғаси Жалолуддин Султон Маҳмуд ёрдам беришни пайсалга солиб ўтирмади. Арлот амири ихтиёрида лашкар етарли эди.



Алоуддавла Мирзо саройига биноан сипоҳлар Балх томон юриш қилиб, Ҳиротни қўлга киритишга бел боғладилар. Жанг жуда қаттиқ кечди, галаба тури дам у тарафга, дам бу тарафга ўтиб турди. Алоуддавла Мирзонинг қайноғаси Султон Маҳмуд арлот кўп жон куйдирди, шундай чапдастлик билан қилич чопдики, яшин унинг тезлиги олдида чақнашдан ожиз эди. Бир ўзи ўнлаб навкарларни ер тишлатар, отлар шамшири зарбидан мункиб ўларди. Қиличи дастасига қадар қон билан бўялган Султон Маҳмуднинг ўзи ҳам омон қолмади. Абулқосим Мирзо тарафдорларини айланиб ўтган Алоуддавла Мирзонинг бир қисм лашкари Ҳирот йўлига, унинг забтини кўзлаб, йўлга тушдилар.

Ҳирот чинакамига хавф остида қолган эди. Абулқосим Бобур Мирзо кучларни жам қилишга, вилоятлардаги амирлари Увайс Тархон, Пир Али Хазораспий, амир Халилларни тезлик билан етиб келиб, биргалиқда пойтахтни муҳофаза этишга чопарларни устма-уст жўнатди. Лашкарлар жам бўлишини кутмаган, лозим бўлса, укасига тобеъ вилоятларни алоҳида-алоҳида босиб олишни ўйлаган Алоуддавла Мирзо жанг-у жадалга тоб беролмаслигини билиб, саломат қутулиш йўлини тутди, тунда йўлни Ироқ томонга солди. Бу воқеа Шоҳрух Мирзо вафотидан беш йил ўтиб юз бермоқда эди. 1452 йилнинг илк кузида Абулқосим Бобур Мирзо музаффар бўлиб, Язд шаҳрига қадам босди.

Шаъбон ойининг ўн иккинчи куни (1452 йил 28 август) Абулқосим Бобур Мирзо Ҳиротта, муаррих айтганидек, "улуғворона келиб тушди". Акаси кўзига мил тортиришда у, барибир, бир ҳақ гапни айтган эди. Алоуддавла Мирзонинг кўзларига қайтиб тахт йўли кўринмади. Ҳирот ёнидаги мағлубиятдан - майдонни жангсиз ташлаб қочишидан Ироққа етиб, Рай мулкида туркман қавмлари сардори Мирзо Жаҳоншоҳ ўрдусига бош эгиб, паноҳ истаб боришдан ўзга чораси қолмаганди.

\*\*\*

Алоуддавла Мирзо қирқ тўрт йил умр кўрди. Бобоси Шоҳрух Мирзо тахтида икки йилга яқин ҳукм сурди. Шоҳлиқдан мосуво бўлгач, ўн-ўн икки йиллик умри Боғи Зогонда ястаниб турган, чекланмаган ҳукуқ берадиган муҳташам тахтни қайта олиш ташвишларида кечди. Бу ташвишлар

уни не кўйларга солмади, не хўрликлар бошига тушмади. Соғлиғидан, бойлиғидан, обрўсидан айрилди. Ўнг кўзига етган заҳм асорати қолди, фақат хира кўрибгина қолмай, шундан бўлса керак, бошида ҳам вақти-вақти билан чидаб бўлмас оғриқ пайдо бўлди. Айрилиш мундарижасини санаса, бармоқлари камлик қилади. 860 йил жумад ул-аввал ойининг охирларида (1456 йил 6 май - муал.) ўгли Бойсунғур Мирзо новасида ёшида вафот этди. Тахтнинг тўфони уни гоҳ у соҳилга, гоҳ бу қирғоққа суриб ташлаган йилларида фарзандини кўролмаган эди. Бойсунғур Мирзо Гавҳаршод Бегим ёнида, бувиси хизматида эди. Бу фарзанд арлотлар қавмининг амири Ёдгоршоҳнинг қизидан туғилган бўлиб, 21 ёшга қираётган навниҳол шаҳзода эди. Бир айби унинг гунг туғилганида эди. Ёдгоршоҳ билан боғланган ришталар шаҳзода ўлиmidан кейин янада салқи тортиб, борди-келди тўхтаб қолди. Алоуддавла Мирзо Мовароуннаҳр лашкаридан шикаст топгани ҳамон, Жайхуннинг ўнг ва сўл ҳудудларида қолишга имкон топа олмай, муаррих далолат этганидек, "Мирзо Алоуддавла Мирзо Улугбек билан жангда шикаст топгач, ташқари чиқиб кетган ва ўша вақтлардан то бу дамларгача (1448-1458 йиллар - муал.) даврон чавгонининг илмоғидаги тўп сингари саргашта-ю саргардон бўлиб юриб, жинг турли меҳнат-у алам билан ўзбек мамлакатининг (Дашти Қипчоқ - Абулхайрхон мулклари - муал.) ниҳояси бўлмиш Ибир ва Сибир ваами атрофида маскан тутган эди".

Укаси Абулқосим Бобур Мирзо вафоти қулоғига етгач, "бир неча йилдан сўнг Дашти Қипчоқ ва ўзбек вилояти томонидан келиб, Обивард вилояти атрофида мақом қилган" эди. Абулқосим Бобур Мирзо томонидан кўпдан ҳибсда сақлаб келинган, эндигина ўн етти ёшга кирган ўгли Султон Иброҳим Мирзо ҳам банддан қутулиб, ўз атрофига тарафдорлар жам қила бошлаганди. Алоуддавла Мирзо бу дарақларни тинглаб, ушалмаган орзуларига йўл очилаётгандек севинди.


Абулқосим Мирзо ўлиmidан сўнг мамлакатда Шоҳрух Мирзо ўлимида юз берганидек, бошбошдоқлик, талон-торож, раиятдан устма-уст олиқ-солиқлар ундириш, хуллас, зулм ва ситам, бош эгасизлик яна томир отиб, урчий бошлаган эди. Тахтнинг икки даъвогари - Абулқосим Мирзонинг ўгли, ўн бир ёшли Шоҳ Маҳмуд Мирзо ва Алоуддавла Мирзонинг ўгли, ўн етти ёшининг етти-саккиз йилини қамоқда ўтказган Султон Иброҳим Мирзо эдилар. Шоҳ Маҳмуд Мирзо кичик бўлгани учун амир Шер Ҳожи унинг муқаввийси, маслаҳатдоши, балки унинг номидан ҳамма ишни қилгувчи эди. Ҳиротнинг гапга етарманлари бу икки шаҳзоданинг қайси бирини маъқуллаш борасида маслаҳат тузиб, бир қарорга келолмадилар. Улар бу ҳақда Маҳди ул-Гавҳаршод Бегим машваратини манзур билдилар, шаҳзодаларни танлашда ихтиёрни маликага берадиган бўлдилар. Аммо Шер Ҳожининг кўнгли, табиийки, Шоҳ Маҳмудда бўлиб, тахтда унинг шоҳона жулусини истарди. Муаррих шу ўринда бир далил келтирадики, уни эътиборга ҳавола этиш тарих равишини англашда қўл келади. "Шу аснода баъзи бадфеъл, шайтон сифат кишилар, - дейди Абдураззоқ Самарқандий,

- фитна ва фасод бошлаб, амир Шер Ҳожининг хотирига: "Маҳди улё Гавҳаршод Огонинг меҳр-муҳаббати Мирзо Алоуддава ва унинг фарзанди Мирзо Султон Иброҳимга нисбатан кучли эканлиги худди офтоб ёруғлигидек бутун оламга равшандир, Тархон амирларининг иттифоқи эса у меҳр-муҳаббат шуъласининг ошиб боришига асосдир; Тархон амирларининг аъвони ансорлари (кўмаклари - муал.) ва ҳайл-у ҳашамлари (хизматкор ва яқинлари) шу қадар кўпки, бирор ҳийла ё тадбир билан уларни чеклаш мумкинлигини хаёлга келтириб бўлмади", деган мазмунни ўрнатдилар".

Мирзо Шоҳ Маҳмуднинг тахтга чиқиш йўлидаги асосий тўсиқ, шу тариқа, Гавҳаршод Бегим ва унинг укалари, жианлари - Тархонлар эканлиги, малика, барибир, Алоуддава ва унинг ўғли Султон Иброҳим Мирзони сипориш қилади, деган қутқу оталиқ бек амир Шер Ҳожининг қулогига қуйилади. Ҳиротнинг ўзида ҳам Гавҳаршод Бегимга қарши, тархонларни йўқ қилишга қаратилган жамият шаклланиб улгурган эди. Олдинги мавқеидан асар ҳам қолмаган, йиққан дунёси ҳам сарфлаб бўлинган Маҳди улёни тахтга кимни ўтқизиш масаласида четлаб ўтиб, тархонларни қириб ташлаш кун тартибига чиқади. Амир Шер Ҳожи бунга қодир эди. Давлат ногорани чалишда у, ифодали қилиб айтиладиган бўлса, дирижёр ҳам, ижрочи ҳам ўзи эди.

Амир Шер Ҳожи тархонлардан олдин отни қамчилаб, уларни кенгашига чақириб, зиёфат уюштирди. Навкарларни қўшни хонада ҳорлаб, имо бўлган вақтда қириб, тархонларни саранжом қилишга келишиб қўйди. Гавҳаршод Бегимнинг таянчи бўлган укаларининг фарзандлари - Увайс Тархон, унинг ўғли Юсуф Тархон, амир Хусрав Тархонлар шўрвани еб, гўшт тановул қилаётганларида шароб идишини кўтарган уч-тўрт барзанги навкар шундай чаққонлик билан Юсуф ва Хусрав Тархонларга пичоқ урдиларки, тўрда пичоқ билан гўштни тўграб турган амир Увайс Тархон навбат ўзига етганлигини сезмай ҳам қолди. Ўнг биқинига санчилган пичоқ заҳмидан сўнг шу ҳолатда яқинида турган, ҳамла қилишга тайёр амир Шер Ҳожининг қорнига пичоқ санчди. Амир Шер Ҳожи қорнини чангаллаганича юзтубан йиқилди. Навкарлар уни ўлди деб ўйлаб, бирдан эшикка отилдилар. Тархонлардан биргина Алига урилган пичоқ оғир жароҳат етказмаганди. Қонли зиёфатдан бир амаллаб қутулган Али Тархон Султон Иброҳим Мирзо ёнига етиб олди.

Улмай қолган амир Шер Ҳожи эса, тархонларни сўйиб, муродига етгач, Мирзо Шоҳ Маҳмудни Ҳиротга келтириб, Ихтиёриддин ҳисорини мустаҳкамлади. Гўё Гавҳаршод Бегимга мурувват кўрсатаётган бўлиб, маликани марҳум подшоҳ эри Шоҳрух Мирзонинг мадрасаси ҳужраларидан бирига жойлаштирди. Бу сиёсатни нозик тушунадиган, кечагина бу бобда оби ҳаво қилган малика учун гаровга олинишдек бир гап эди. Амир Шер Ҳожи Абулқосим Мирзонинг она сути оғзидан кетмаган ўглини номига тахтга чиқариб, мамлакатни ўзи бошқармоқчи эканлиги, бу йўлда тархонларни, зарурат бўлиб қолса, маликанинг ўзини ҳам қурбон қилиш эҳтимол эди.



Эҳтимол, Маҳди улёнинг бахтига, амалга ошмади. Амир Увайс Тархон томонидан қорни чавоқланган амир Шер Ҳожининг аҳволи ширлашган, ўзи билан ўзи бўлиб қолган эди. Мирзо Султон Иброҳим тарафдан эса, Ҳиротни чопқун қилиш хабари узлуксиз келиб, диққат

унинг муҳофазасига қаратилганлиги иш берган, Мирзо Султон Иброҳимнинг омади юришган эди. Тархонларнинг ўлдирилиши раиятда ва акобирларда ёмон тасаввур уйғотган, амир Шер Ҳожининг қилмиши бошига бало олиб келган, уни қўлайдиган қолмаган эди. Мирзо Султон Иброҳим Мурроб саридан қўшин жамлаб, Ҳиротнинг Мухтор боғига келиб, қўналга қилди. Мирзо Шоҳ Махмуд амир Шер Ҳожидан умидини узиб, Машҳад томон қочишга тушди. Амир Шер Ҳожининг ўзи Нирату қалъасига кетиб, жонини қутқазди.

Отаси ва ўзига меҳр қўйган, огир чоғларда ҳам Алоуддавла Мирзо оиласидан қўл узмаган, мудом уларга ён босадиган малика Гавҳаршод Бегим бу зафардан, тўқнашув, жанг бўлмай туриб тўкилган қонлар эвазига келган омаддан ўзида йўқ хурсанд эди. Султон Иброҳим Мирзо шаҳарга кириб, биринчи йўқлатган кишиси малика бувиси бўлди. Уни иззат-икром билан Боғи Зоронга, Шоҳрух Мирзо билан олтиш йилга яқин истиқомат қилган муҳташам қасрга олиб келди. Собиқ маликанинг яна сўзларига, насихатларига амал қила бошладилар. Амир Шер Ҳожининг ишончли одамлари, тархонларни қийратган Малик Қосим, Давлат Келди Таюйи, Қаромон туркман, Ҳожи Халил, унинг укаси Ҳожи Абдуллолар тутиб келинганда, улар тақдирини Гавҳаршод Бегим ҳал қилди. Малик Қосим ва Қаромонлар ҳаёти сақлаб қолинди, бошқаларининг жони адамга кетди. Бу икки туркман амири Гавҳаршод Бегимнинг мусофирлик кунига яраган, хизматидан бўйин товламаган эди. Бегим Ироқда кечган йилларида яхшилиқнинг, яхши кишиларнинг қадрига етадиган бўлиб қолган эди.

Мирзо Султон Иброҳим бувисининг қувватлаши билан шаъбон ойининг ўрталарида (7 июль, 1457) амакиваччаси ва асосий рақиби Мирзо Шоҳ

Маҳмудга қарши отланди. Мирзо Шоҳ Маҳмуд ҳам иссиқ жойини совитганидан, Ҳиротнинг Мухтор боғидан Машҳадга қочиб қолганидан пушаймонда эди. Машҳадда шаҳзодани қора қилиб, отасининг собиқ амирлари бирин-кетин унинг хизматига йигилиб кела бошлади. Жамланиб, салмоқли куч пайдо бўлгач, амирлар далдаси билан Ҳиротга қайтишга, Мирзо Султон Иброҳим таъзирини бериб қўйишга жазм қилди.

Икки Темурий Мирзо қирпичоқ бўлиш олдидан яна бир нохуш хабар Ҳирот бўйлаб тарқади - Мовароуннаҳр тарафдан Абу Саъид Мирзонинг Шохрух Мирзонинг талосда қолган пойтахти томон катта қўшин билан келаётганлиги дараги келди. Иккала Мирзо ҳам бу гап-сўзларни писандга олмай, Кусуя қасабаси ҳудудидаги амир Шоҳмалик работига етгунларича, бир-бирига қасдланишдан қайтмадилар. Иккала шаҳзоданинг сипоҳийлари жангни бошлаб юборди. Муаррих, жони ачиб, "икки қонхўр дарё бир-бирига етишди", деган маъзунда бир ташбеҳни битади. Амир Низомуддин Аҳмад Тархон (Гавҳаршод Бегим жиянларидан - муал.) жўмардлиги бўлмаганда, Иброҳим Мирзонинг ошиғи олчи бўлмасди - зафар арафасида турган Мирзо Шоҳ Маҳмуд лашкари қочишга юз тутмасди. Жанг-у жадалларда муборизларнинг ўқтамлиги, ботирлиги кураш тақдирини ҳал қилган пайтлар кўп кузатилган. Низомуддин Аҳмад Тархон Мирзо Шоҳ Маҳмуд номидан кенгаш - зиёфат чоғи чавоқлаб ташланган ака-укаларининг хуни деб ёнган, қиличлашувда фидойилик кўрсатганди. Мирзо Шоҳ Маҳмуд бошлаб келган қўшиннинг аксар қисми лошлари муҳораба майдонида қолиб, неча бир гуруҳлар зўрга жон асраб, қочиб қутулди.

Мирзо Шоҳ Маҳмуд учун бу, иккинчи мағлубият ўнганмас тўқнашув бўлиб қолди. Жангда устунлик Султон Иброҳим Мирзо учун ҳам хайрли кечмади. Бундан бир қанча вақт аввал Ҳирот осмонида тудуъ қилган қуйруқли юлдуз гўё курраи заминдан бетиним тўлқин ураётган ҳарб-у зарблар денгизидан сачраган қонлар томчисидан вужудга келган нишона бўлиб, хайрли келажакдан дарак бермаганди. Мунажжимлар ваҳм солгувчи, хосиятсиз қуйруқли юлдузнинг ерга даҳл қилмаслигини башорат қилган бўлсаларда, кейинги ойлар ва йилларда Хуросон ва Эрон, Мовароуннаҳр мамлакатларининг тинчимаётганлиги, илдизи, қоми бир, дини бир ҳукмдорлар аҳлининг ёвлашишда яжуж-маъжуждан ўтиб, оламга қиргин солаётганини кўкнинг норизолиги ифодати, деб талқин қилувчилар кўп эди.

\*\*\*

Султон Иброҳим Мирзо фаҳм-у фаросатда, эртанинг келиши оёқ олишини ўйлашда отаси Алоуддавла Мирзодан ажралиб турарди. Ихтиёридин қалъасининг маҳбуси бўлган йилларида у кўп нарсани, шу жумладан, эҳтиёткорликни ҳам ўзлаштирган эди. Шоҳ Маҳмуд Мирзога қарши лашкар тортаётган чоғида, "Ҳиротга келаётир", деган овозаси етган Самарқанд тахтининг соҳиби Абу Саъид Мирзо истиқболига элчилик тариқида уламолар пешрави мавлоно Қутбиддин Яҳё ат-Тафтозонийни юборган эди. Шайхулислом Тафтозоний ҳазратлари Абу Саъид Мирзо

билан мулоқот қилганида, Ҳиротга дахл ҳилмаслик ваҳҳида ётиги билан сўзлади. Хуросон мулкларини жўжаҳўроз шаҳзодалар эплай олмай, бири бири билан чўқишиб, ҳарбий кучлар бўлиниб, заифлашиб қолганидан огоҳ бўлиб юрган Абу Саъид Мирзо босқиндан қайтмоқчи эмасди. Шу боисдан Тафтозоний ҳазратлари гап-сўзларига эътибор бермади. Дедики, "Ҳиротга борганимизда вақт маслаҳати нимани тақозо этса, ўшандай бўлади".

Мовароуннаҳр лашкарининг илгор қисми Ҳиротга етиб, шаҳарга ёпирилиб кирди. Ҳирот фатҳ этилди ва Абу Саъид Мирзо болалиги кечган доруссалтанатга суқланиб назар солди. Унинг Ҳиротда яқинлари ва шаҳзодалардан норози аъёнлар билан алоқаси бор эди. Амир Шер Ҳожининг Тархонларни бўғизлаш воқеаси рўй бергандан сўнг Хуросон ўпқони чуқурлашишидан истиҳола қилган амир Шайх Ҳожи Самарқандга хабарчи йўллаб, Абу Саъид Мирзога, "Хуросон мамлакати эгасиздир, агар у ҳазратнинг сипоҳийлари юриш жilовини бу вилоятта бурсалар, ҳукмдорлик сизга муайяндир", деб ёзиб юборди. Мактуб Абулқосим Мирзо вафотидан буён кўнгилда гимирлаб ётган ният - Ҳиротни тасарруфга киритиш дарвозасини ланг очиб юборди. Мана, ҳеч қанча муддат ўтмадики, Абу Саъид Мирзога Ҳирот ҳам дарвозаларини беркитмади. Қалъани таслимга таяса, марра уники, Хуросон мулклари қўл остига ўтади.

Хиёнаткор ҳамма замонларда ҳам бўлган. Манфаат бор экан, унга эришишнинг энг тубан, манфур йўли сотқинлик, нифоқ солиш кўринишларида воқе бўлиб келган. Амир Шайх ҳожи вақтида Иброҳим Мирзодан ҳам яхшилиқлар кўрган амирлар силсиласида эди. У Самарқанддан босқин уюштирилишини ташкил этиб, унинг самарасини тезроқ кўриш умидида, Султон Иброҳим Мирзога ҳам Жузжонга хабарчи юбориб, «мен бу даргоҳнинг қадимий қулиман, агар эл-у улус кўп бўлган ўрта вилоят йўли билан Балх вилояти томон юзлансалар, муддао ҳосил бўлур», деган гапни етказди. Кечаги хизматларини пеша қилиб турган амирга ишонмай бўлармиди; Султон Иброҳим Мирзо, нега, деган саволни ўртага қўймай, мулоҳаза юритмай, чаманда, «Балхда менга баят қилувчилар кўп экан», деган хом ҳаёлда йўл танобини тортганини ўзи билмай қолди.

Амир Шайх ҳожи эса, тарихчи айтганидек, «у гаддор, маккор эса, Самарқанд сипоҳи билан келишиб қўйган бўлиб, истак қалами билан бир фириб суратини ҳаёл лавҳасини чизар эди». Султон Иброҳим Мирзонинг лашкарлари кам сонли бўлиб, Балхга яқинлаб келганларида, пойлаб ётган Абу Саид Мирзо қўшинлари уч тарафдан ўраб кела бошлади. Туйқусда, жанг тадоригини кўрмаган Султон Иброҳим Мирзо аскарлари саросимага тушиб қолди. Чап қанот аскарлари эса, вақтни ганимат билиб, от жутагини орқага силтадилар-қочиб қолдилар. Аҳмад Тархон шу куни қўлдек қисқа, аммо яксон этувчи жангда шердек олишди. Бу сафар қиличларни хоинлик қайради ва ўткир қилди, хом меваларни тўнғизлар қийраттандек, пайҳон қилиб ташлади. Султон Иброҳим Мирзо Журзавон тоғларига бошпана излаб, қочиб қутулди. Абу Саид Мирзонинг Ҳиротни қўлга киритиши шабон ойида, йигирма бешинчи кунда 16 июнда 1457 юз бердики, унинг тафсилоти

китобнинг кейинги саҳифаларидан ҳикоя қилинади деган умиддаман. Бу ўринда Маҳди улё Гавҳаршод Бегимнинг фожиа билан хотима топган қисмати хусусида тўхталиб ўтиш жоиздир.

Ҳиротни эгаллаган, Боги Зоғонда Шоҳрух Мирзо зеб берган тахтда ўтириб, оламга сизмай кўриниш бераётган Абу Саид Мирзони таниш қийин эди. Самарқанд амирлари, фозил-у акобирлар ёнида парвона, хушомадда, тортиғ-у пешкашлар, мулозаматда Ҳирот аёнлари, уламолар, бою давлатмандлар гиргитгон, пойи патак, олқишлашда, улуглашда бири бирига навбат бермасди.

Мовароуннаҳр тахтида маҳкам ўрнашган, талабгор ёғийларини бақо оламига жўнатишга улгурган, ҳарбий салоҳияти Хуросонда излаб юрган шаҳзодалардан неча карра устун бўлган Абу Саид Мирзога мақбул бўлишга тиришиш беҳуда ҳунар эмасди. Фақат биргина баҳодир, Алоуддавла ва ўғли Султон Иброҳим Мирзога, улардан ҳам кўра, малика Гавҳаршод Бегимга ҳаққоният юзасидан содиқ бўлган Аҳмад ясовулгина Абу Саид Мирзо ва унинг фатҳини тан олмади. Унга Ихтиёриддин қалъаси, унинг бор бисоти ишониб топширилган эди. Тахтни эгаллаган ҳукмдор унга қуролбардорларини юбориб, обрўли кишиларни ўртага солиб, қутволликдан кўра, юқорироқ мансаб беришини писанда қилиб, қалъа ихтиёрини топширишни талаб қилди.

Аҳмад ясовул шунда, «менинг валинеъматим ўз уйини менга топширган, агар унинг жойини бошқа бировга берсам, ҳаромнамаклик ва кофирнеъматлик бўлади. Мен ўз бошимни унинг йўлига тикканман ва дилим хонасини ундан бошқага берк тутганман, токи унинг ҳумоюн зоти жаҳонда боқий экан, мен бу қалъани бирор кишига бермайман ва бу давлатхона эшигини бошқа бировга очмайман. Агар осмондан ўқ-у найзалар ёғиб, ердан зупин ҳам шамширлар униб чиққанда ҳам бирор кишидан ҳадиг-у қўрқинчим йўқ, деган жавобни берди. Бу Саид Мирзонинг шавкатдан чақнаган кўзларидаги учқунларни сўндириб, ёруғ оламни қоронғулаштириб қўйди.

Бунинг устига, Журзавон тоғларидан қочқин Султон Иброҳим Мирзо атрофида яна лашкар йиғила бошлагани, Шоҳ Маҳмуд Мирзонинг ҳам ройи Ҳиротга қаратилгани, икки шаҳзоданинг фикри бир жойдан чиқиши эҳтимоли ҳақида дараклар олина бошлади. Шу кунларда Ҳиротдан чиқолмай, азалий ўрдусида мунга ботиб ўтирган Гавҳаршод Бегим ҳаёли паришон, нечун уни набиралари бирга олиб кетмаганидек койиниб ўтирарди. Абу Саъид Мирзонинг Ҳиротни забт етганига икки кун бўлаётган эди. Учинчи кун деганда у Боги шаҳрдаги қўналгасидан Гавҳаршод Бегим боргоҳида кириб келди. Кексайиб қолган, аммо қадди тик, кўзлари равшан собиқ малика янги ҳукмдорни ўрнидан туриб иззатлади. Абу Саъид Мирзо ҳам унга илтифотли муомала қилди, кўп совға-ашёлар, тортиқлар топширди, Кўнглини кўтарди, ҳожат ва заруриятларини сўради. Бегимнинг хонасидан ҳашамат ва файз кетган, бор ашёлар эски тортган, устидаги либослари, бошидаги рўмоллари оҳорлик эмасди.

Абу Саид Мирзо имоси билан сандиқ тўла хилма-хил матолар, қаболар, деболар, рўмоллар муҳайё этилди. Гавҳаршод Бегимнинг чиройи очилди, рангига қизиллик югурди. Самимий, юзакими, билиб бўлмайдиган оҳангда Абу Саъид Мирзони оқлади. Мирзо ҳам Мадрҳи улё ва марҳум Шохрух Мирзо шаънига мақтовлар айтиб, хайрлашди. Ташриф ўринли ва хайрли бўлган, Мирзонинг обрўсини оширибгина қолмай, Гавҳаршод Бегимнинг мавқеини ҳам мустаҳкамлаган эди. Бу кейинги имконият кимларгадир ёқмади. Мадрҳи улёга қарши жамият пайдо бўлган, унинг укалари, жиянларини бўғизлатган, дегандик. Маликанинг яна муҳтарам тутилиши, аниқроқ айтганда, кучайиши, фикримча, шу жамиятга ёқмади. Абу Саъид Мирзо Ҳиротта қадам қўйганида, муаррих айтганча, саййидлар, қозилар, маволий кутиб олиш расми бўйича шошилдилар ва ҳиёз-у нисор ҳам ҳада ва пешкам тортиш шартларини адо этишга киришиб, саъй-ҳаракат кўрсатдилар». Улар орасида Гавҳаршод Бегимга, унинг яна жонланишига, бир иложини қилиб, тахтга Алоуддавла Мирзо ўглини сипориш қилишига гумон қилувчилар йўқ эмасди.

Султон Иброҳим Мирзонинг кейинги ҳаракатлари Гавҳаршод Бегим тақдирини остин-устун қилишда, шу тариқа, бир баҳона бўлди. Тахт мақоми учун муқаддас нарсанинг ўзи йўқ. Ёши 78 га бориб, кейинги йилларда тож-у тахт бобида орзу-армондан ортигига ҳадди етмай қолган, сандиқ-сандиқ олтин-кумуш жавоҳирлардан жудо бўлган собиқ малика, жуда нари борса Султон Иброҳимга ён босишга насиҳат-у йўл кўрсатишга ярар, моддий жиҳатдан эса, имкондан ҳоли эди. Абу Саид атрофини ўраган «бир гуруҳ фасодчи кишилар» Гавҳаршод Бегимдан узил-кесил қутулиш қасдини бошладилар. Фасод мазмун ва моҳияти, муаррих қавлича, шундай: «Мирзо Султон Иброҳим томонидан Мадрҳи улё Гавҳаршод Оғо ҳузурига доимо хабарчилар келиб турардилар, лашкар аҳволи ва бошқа ахборотларни аниқлаб, Султон Иброҳимга етказадилар, ногоҳ бирор воқеа юз бериб, унинг тадоригини кўриш имкони ҳеч бир яратилган банда қўлидан келмай қолиши мумкин. Яхшиси шулки, у Мадрҳи улёнинг хоинлик ва макр-хийласидан хотиржам бўлиб олиш керак ва бу ишни кечиктириш ҳам галга солиш ярамайди». Абу Саъид Мирзо қулогига қуйилган бу гаплар оқибати вазмин мулоҳаза, ўрин қолдирмай, енгилтаклик ҳукмига тамал вазифасини ўтади. Кечагина Гавҳаршод Бегим ундаши билан Боғи шаҳрдан Боғи Зогонга жойлашиб, Шохрух Мирзонинг масканида савлат тўккан Абу Саъид Мирзо бор ҳайбатини кекса, ожиза маликага қаратди.

Гавҳаршод Бегим давлат сирларини ошкор этишда - хоинликда айбланиб, Абу Саъид Мирзо томонидан саккиз юз олтмиш йил рамазон ойининг тўққизинчи куни (31 июл 1457) ўлимга ҳукм қилинди.

(Давоми кейинги сонда)

## To'ng titraydi kech kuzakning quchoq'ida



Usmon Azim 1950 йил  
13 августда Сурхондарё  
вилояти, Бойсуи туманида  
таваллуд топган.

Ўзбекистон халқ шофи.

\* \* \*

Тош титрайди кеч кузакнинг қучоғида,  
Юлдузларни учирмоқда гулгун шафақ.  
Жоним, қалбим шеъриятнинг пичоғида...  
Замин - тилсим, осмон - тилсим... шеър-бешафқат!

Мен қийналдим. Хаёлимнинг қанотида  
Денгизларни кутарганча толиб учдим.  
Юлдузларни кўп курганман ҳаётимда,  
Денгиздаги юлдузларни келди қучгим.

Кукка боқдим, ут туташди жоним аро...  
Қат-қат булут қатларида не сир-асрор!  
Ҳайрат ичра улдиргуси мени само,  
Она замин, уча қолай, қўйиб юбор!



Мен ёр дедим.. Лайлими ё, Ширинми ё!  
Ёки энди туғилажак бирор малак?  
Мана, мен, деб куз олдимда бўлди пайдо,  
Мана, мен, деб шеърдан боқди якто юрак.

Юлдузларни учирмоқда гулгун шафақ,  
Тош титрайди кеч кузакнинг қучоғида,  
Шеър ёзилар... Қийноқ, сенга бўлсин шараф,  
Жоним, қалбим шеъриятнинг пичоғида...

Ҳали бутун рўйи жаҳон-шеър булажак,  
Фақат бекор билиб ором қучоғини -  
Бу дунёни сирга кўмиб яшаш керак,  
Қалбга санчиб шеъриятнинг пичоғини!

\* \* \*

Кўнглим қолгани йўқ ёруғ оламдан,  
Хайлимда йўқдир на виқор, на кин.  
Барибир бир кунин сиздан кетаман -  
Қайга кетганимни билмайди ҳеч ким.

Мен ишга бораман, ишдан қайтаман,  
Кўксимда юрагим урар - тинмайди.  
Ўғлимга энг ширин сўзлар айтаман,  
Менинг йўқлигимни ҳеч ким билмайди.

Дўстлар даврасида гоҳ шароб ичиб,  
Гоҳо оғу ичиб ўлтираман жим.  
Кўчада кезаман одамлар кечиб -  
Менинг йўқлигимни билмайди ҳеч ким.

Табассум қиламан таниш-билишга,  
Дўконда навбатга тураман ҳорғин.  
Ҳеч кимни қуймайди ортиқ ташвишга  
Халақит бермайди менинг йўқлигим.

Менинг кўкрагимда ёниб оқибат,  
Кул булар, соврилар майда савдолар,  
Унда қуёш каби ловуллаб фақат  
Она Ўзбекистон сурати қолар.

Саволлар бермагин - азобдадир жон,  
Яхшилаб яшасанг, умр бу - қийноқ.  
Қайдан қайтишимни биламан аён,  
Қайга боришимни билмайман бироқ.

\* \* \*

Осмонга ҳам отгум тош,  
Гуноҳкор бўлса қуёш.  
Гуноҳкор бўлса қуёш,  
Қайтиб тушмагайдир тош.

Осмон ҳам бўлиб ганим,  
Қайтиб тушса - не ганим!  
Бир тош тушса тушибди  
Тоғдай бошимга маним.

\* \* \*

Оҳиста-оҳиста ёғади ёмғир,  
Оҳиста-оҳиста қўзғалар шамол.  
Оҳиста-оҳиста тўқар юмшоқ нур  
Булутлар бағридан кўринган ҳилол.

Оҳиста-оҳиста йиғлайди бир қиз,  
Каптар патидан ҳам майин дардлари...  
Тун тирик... Яхшилаб тинглаб  
кўрсангиз,  
Эшитилар унинг юрак зарблари...

Не нафис туғёнлар ичида қолдик!  
Севгилим, гапирма, ўлтирган тиниб -  
Гўё дунё гўдак қалбидан нозик,  
Гўё энтиксанг ҳам кетади синиб...

\* \* \*

Майсалар, товоним, сизни соғинар,  
Тоғлар, виқорингиз қалбимда мангу.  
Қайдадир қўзичоқ бузлар, оҳ урар,  
Қирларда адашган соғинчимми у?

Қорлар эриб оқди бу гамли фурсат.  
Бу фурсат эриди тоғларнинг тоши.  
Юрак, раҳминг келсин, тўғри йўл кўрсат,  
Мен қандай Бойсунга кетай қоришиб?

Ака, сочингизга оралабди оқ.  
Опа, сарғайибсиз - фарзанднинг доғи.  
Она, қучоқлайсиз бунчалар узоқ...  
Йиғлайман - сабримнинг бор-ку адоғи.

Юрган йўлим туфон бу гамли фурсат...  
Қатъият кўз ёшдай оққан маҳали,  
Юрак, раҳминг келсин, тўғри йўл кўрсат,  
Мен қандай Бойсундан кетай ажралиб?

# Vahoviddinning iti

(Hikoya)



«...Шайх у гўзалнинг жамолини кўриш умидида ёр кўчасидаги итлар орасига қўшилди,»  
«Мантиқ ут-тайр»

Ҳаммасига муҳаррирнинг инжиқлиги сабаб бўлди. Аслида ташқи овозлар-у шовирларсиз ҳам радиопьеса тузуккина чиққанди. Унга актёрлар билан ойлаб сайқал берган, бастакор атайлаб пьеса учун мусиқа ёзган, мен ва ёрдамчим олти ой кеча-ю кундуз фақат шу асар устида бош қотирган, тушимиз ҳам, ҳушимиз ҳам шу пьеса бўлган, мана энди машаққатдан қутулдик деганда, муҳаррирда бирдан янги фикр тугилиб қолганди. Аслида бу фикр янги ҳам эмасди. Мен пьесага ишлов бераётганда ёки монтажда ўтирганда, агар табиий шовқинларни ҳам қўшсак, асар мукамал чиқади деб ўйлаган, аммо иш кўплигидан ва яна вақт кетишини билганим учун бу режадан воз кечиб қўя қолгандим. Энди эса бирдан муҳаррир биздан талаб қилиб қолди.

- Асар жуда яхши. Лекин биз танловда ютиб чиқишимиз учун бу ерга табиий шовқинларни қўшишимиз керак. Қушлар сайрогими, дарахтлар шовқиними, шамол, қўй-қўзиларми, умуман, асарнинг саҳналарига қараб табиий шўх-шодон оҳанглар қўшиш керак. Пьесадаги қувноқ, хушнуд оҳангларга уйғунлашиб кетиши, бахтиёрлик ва хушаналиқлик нафақат қаҳрамонларга, балки бутун табиатга хос эканини, табиат ҳам биз билан бирга ва у ҳам қаҳрамонларимизнинг иқболидан қувониб, шўх садолар таратаётганини кўрсатиб беролсак, мукофот чўнтақда деб ҳисоблайверинглар.

Бош муҳаррир танловга оз муддат қолганини билдириш учун оғиз жуфтлади-ю, аммо муҳаррирнинг "чўнтагингизда деб ҳисоблайверинг" деган аниқ ишончидан сўнг бирдан бош ирғади.

- Албатта, қилиш керак. Шунча маблағ сарфлангандан сўнг яна бироз қийналсаларинг ҳеч нарса қилмайди. Харажат ошса, мукофотдан чиқариб оларсизлар. Аммо шошилиш керак. Вақт оз қолган.

Норозилик билдиришга ўрин қолмади. Шусиз ҳам бош муҳаррир радиопьесага сарфланган маблағ ошиб кетгани учун биздан норози бўлиб турганди. Унинг бу мукофотни қўлга киритишимизни астойдил истаётганидан фақат биз эмас, унинг ўзи ҳам манфатдор эди. У пьесага бадиий раҳбар, табиийки, мукофотда унинг ҳам улуши бор эди.

Гарчи ёрдамчим билан мен энди ишни тугатдик деб турганда яна бошоғриқ бошлангани ёқмаётган бўлса ҳам эртасигаёқ ишга киришдик. Биз олдин ўзимиздаги – радифонддаги шовқинлар жамғармасини кўриб чиқдик. Шунда бу шовқинларнинг биронтаси ҳам ярамаслигига, биттаси ёзилавериб, хиралашган бўлса, бошқасида қандайдир сунъийлик борлигига амин бўлдик. Буларнинг биронтаси биз кутган хушанашиликни табиий тарзда акс эттиролмасди. Демак, шовқинни табиат қўйнидан ёзиб олишга тўғри келади.

Бунинг учун биз турли жойларни кўз олдимизга келтириб кўрдик. Масалан, шаҳарга тугаш қишлоғу далалар. Аммо бу қишлоқларнинг ҳаммасида ҳозир дала ишлари қизгин, тракторларнинг шовқини тушиб қолади. Микрофонларимиз шунчалик сезувчанки, агар бошқа товушлар тушса, кейин тозалаб олиш амримаҳол. Бизга қушлар ё ҳашаротларми, бири қўйиб, бири сайрайдиган, айна уйғониш фаслига хос бахтиёр ва кўтаринки шовурлар керак: у қушники ё дарахт-ўсимликникими, ҳашароту-ариникими, фарқи йўқ, саодат сасларини ўзида мужассам этган макон керак эди. Шу сабабли қушлар шовқинини шаҳар четидаги эски хиёбонда ёзадиган бўлдик. Шаҳарда уларнинг ихтиёрисиз бирорта гулнинг ҳам кўкаришга ҳаққи йўқ ободончилик корхонасидагилар негадир уни тартибга солишни унутиб қўйишганди. Шу сабабли хиёбонда дарахтлар шунчалик зич ва тарвақайлаб кетган, устига устак, шаҳарнинг барча қушлари анча йиллардан бери арра товушини эшитмаган дарахтларга уя қуришганди. Ёрдамчим телефон орқали ободончилик маъмурияти билан олдиндан келишиб қўйди. Маъмурият эрталаб ўнгача хиёбонга ҳеч кимни киритмайди. Саҳардан соат ўнгача бир олам шовқинларни, дарахтми, қушлар чуғурими ёки ҳаётдан миннатдор бўлиб, уни ўзгартиришга астойдил бел боғлаган, ўз ўрни ва бахтини топганларидан ичларига сигмай ҳаммани бахтиёр қилгиси келаётган бизнинг пьеса қаҳрамонларимиз каби шўх-шодон эсаётган шамолми, ҳашарот овозими, ёзиб олишимиз мумкин. Бу таклиф бизга маъқул тушди.

Эртасига қуёш энди бош кўтараётганда ёрдамчим ва овоз режиссёри билан бирга бориб, микрофонларни хиёбонга ўрнатдик. Яқин-атрофда катта машина ва темир йўллари бўлмагани учун бу ер худди биз истагандек осуда эди. Дарахтлар секин шовуллаб турар, боғни қушлар чуғури қоплаган, гўё парранда аҳли одамлар бу ерга йиғилмасдан бурун бир яйраб қолмоқчидек, бор овозлари билан чуғурлашар, дарахтдан дарахтга учиб, ўзига хос саодатманд сайроқилар хорини ташкил қилганди. Баъзи-баъзида гулларга келиб қўнаётган ариларнинг ёки ниначилар ва сўналарнинг гўнгилаган овозлари бу шовқинни бир пас босиб кетгандек туюлар, лекин бу ҳашаротлар овозида ҳам бизнинг пьесамизга мос уйғунлик ва кўтаринчилик бор, шу сабабли ҳаммаси табиий ва гўзал эди. Мен режиссёр сифатида ҳаммиша ишлатилавериб, қолаверса, атайин техник жило берилган, бироз сунъийлашган "Шовқинлар жамғармаси"даги овозлардан фойдаланганим учун бу ердаги овозларнинг табиийлигидан ҳайратланиб турардим. Шу пайтгача ортиқча иш кўпайганидан норози бўлиб юрган ёрдамчимнинг юзида ҳам табассум пайдо бўлди. У қушлар чуғури-ю, ҳашаротлар навоси, ўсимликлар

шитирлаши, дарахтларнинг майин шовуллаши уйғунлашиб кетган, гўё биз яратган пьеса билан бахтиёрлик бобида бас бойлашгандек таралаётган табиатнинг мусиқий "пьеса"сини берилиб эшитаркан, менга қараб қўяр, овоз режиссёрининг эса юзида мамнуният зуҳурланган, қушлар чуғури, дарахтлар шовқинидан илҳом олгандек, берилиб ишлар, ҳар-ҳар дамда магнитофонга қулоқ тутиб, овоз қандай ёзилаётганини эшитиб кўрар, ишидан қониқиб, бизга қараб қўярди. Осмонда оқ булутлар сузиб юрар, лекин бу булутлар ҳам кўм-кўк осмонга энди гард бўлолмаслигини билиб, секин тоғ тараф силжирди. Баҳор охирлаб қолган бўлса ҳам ҳали майсалар ям-яшил, дарахтлар гуллаб, хиёбонни гулу-чаманга айлантириб юборганди. Ёрдамчим бекорга бу хиёбонни танламаганини энди сезиб турардим. Бу ерда бошқа хиёбонларда учрамайдиган мевали дарахтлар билан бирга ҳали тарошланмаган, тартибга солинмаган, ўн йиллардан бери ўз ҳолича шохлаб, гуллаб, эмин-эркин тарвақайлаб кетган дарахтлар ҳам бор эди. Эҳтимол, айнан шунинг учун қушлар бу ерни макон тутгандир? Бутун вужудимни қулоққа айлантириб овозларнинг қайси бири ариники, қайси бири қалдирғочники, қайси бири оддий чумчуқники дея ўзимча ажратиб олишга тиришиб, кўзларимни юмиб ётардим. Қушлар чуғури билан бирга яна қандайдир тушуниқсиз сас ҳам элас-элас чалинарди. Лекин мен бу сас нималигини ажрата олмадим, у итнинг ҳам, бўрининг ҳам ёки бирон яқинидан айрилган жониворнинг изтиробли ноласига ўхшарди. Эҳтимол, бу шаҳарнинг хиёбонга ўрмалаб кирган ер ости йўллари шовиридир? Нима бўлганда ҳам бу сас қушлар шовқинига халал беролмаётган, қолаверса, бу менинг қулогимнинг шанғиллаши бўлиши ҳам мумкин эди.

- Бўлди, етади, - деган овоз эшитилди ёнимда.

Кўзларимни очиб, тепамда менга қараб турган овоз режиссёрини кўрдим. У алақачон асбобларини ва магнитофонни йиғиштириб бўлган, энди кетишга тайёр турарди.

- Етади. Бу ерда сизга зарур овозларни икки марта қайта ёздим. Яна ўн та пьесага ишлатсангиз ҳам бу овозлар тугамайди.

Худди гайришуурий лаззатдан бемаврид бебахра қилгандек, унга соатимни кўрсатиб, норозилик билдирмоқчи бўлдим. Аммо соат ўн беш дақиқаси кам ўрни кўрсатиб турарди. Яна ўн беш дақиқадан сўнг бу ерга қуёшдан қочган бекорчиларнинг ҳаммаси бостириб келади. Кетишдан бошқа иложимиз қолмаганини тушундим.

Биз хиёбон ўртасига келганимизда дарвозадан бир тўда қувноқ ёшлар кириб келди. Улар хиёбонга киришлари билан турли томонларга тарқаб кетишди ва бирдан боғда ўзига хос шодонлик бошланди. Радиокарнайлардан қувноқ ва шўх қўшиқлар, мусиқа, сотувчиларнинг чорловлари, чархпалак, ҳалинчақларнинг гийқиллаши бир пасда хиёбонни тутиб кетди. Гўё хиёбоннинг биз боягина ҳис этган ва гувоҳ бўлган манзаралари, ҳар бир ўтиргичигача ўрнашиб қолган қушларнинг саодатманда чуғурлари, дарахтларнинг маҳобатли ва голибона шовуллашлари, бизга ненидир англамоқчидек ҳашоратларнинг хиёбон узра шодон таралаётган наволари

радиокарнайлар шовқинлари олдида бирдан гойиб бўлганди. Бу нарса таъбимизни бироз тирриқ қилса ҳам, ночора, биз ишимиз битганидан хурсанд бўлиб, ишхонага йўл олдик.

- Сиз бу шовқинларни келишган саҳналаримизга қўйиб чиқинг, - дедим мен трамвайга чиққач овоз режиссёрига. - Ёрдамчим ёнингизда бўлади. Мен бошлиқларни топиб, уларни тушдан кейин эшитишга таклиф қиламан.

Овоз режиссёри ва ёрдамчим бош иргашди. Улар бу ишдан тезроқ қутулиб, бир-икки кун таътил олишни сўрашгани учун ҳам мен уларни шошилтираётгандим.

Тушдан кейин одатдагидек менинг хонамга йиғилдик. Бош муҳаррир оромкурсига яхшилаб жойлашиб олди. Кенгаш аъзолари бўлмиш қулоқлари оғирлаша бошлаган иккита кекса режиссёр эса магнитофонга яқинроқ ўтиришди. Муҳаррир одатдагидек бош муҳаррирнинг ёнидан жой олди. У ўзининг таклифи билан шунча ишлар қилингани ва ҳаммасига ўзи бош-қош бўлиб турганидан мамнун бўлиб, бироз гердайиб қўярди. Овоз режиссёри худди ишни дўндириб қўйгандек, эшик ортидаги курсида чой ҳўплаб ўтирар, рўмолча билан юзини елпиб, бизга "ҳозир мен яратган мўъжизани кўрасизлар" деётгандай писанда билан қараб турарди. Ёрдамчим биз эрталаб боғда ёзиб олган шовқинлар билан бойитилган саҳналарни қўйиб бера бошлади. Олдинига мен ҳеч нарса тушунмадим. Балки менга шундай эшитилаяптими деб ўйладим ва секин кўз остим билан бош муҳаррирга қарадим. Йўқ. Қулоқларим алдамаётган эди. Бош муҳаррир ҳам негадир ҳеч нарса тушунмай, муҳаррирга ва менга савол назари билан қарай бошлади. Иккита кекса режиссёр эса қулоқларига қўлларини қўйиб, оғизларини ланг очиб туришарди. Ёрдамчимнинг эса дами ичига тушиб кетганди. У магнитофон тутмасини босишни ҳам, босмасликни ҳам билмай менга қараб, доврираб турарди. Биз кўтаринки кайфият акс этиши керак бўлган ва табиатнинг шодон наволарига уйғунлашган саҳнада қандайдир мунгли, мустар ва юракни эзадиган бир дардли, эрталаб хиёбонда қулогимга элас-элас эшитилган сас-увиллаш эшитиларди. Мен ҳеч нарсага тушунмай ёрдамчимга қарадим.

- Бу нима?! - ниҳоят бош муҳаррирнинг қаҳрли овози янгради. - Бизни масхара қиляпсизларми?

Ёрдамчим овоз режиссёрига қаради. Овоз режиссёрининг юзи гезариб кетганди. У ирғиб туриб, ёрдамчимга жаҳл билан тикилиб, у қўйиб бераётган тасманинг рақамига яқин бориб қаради. Кейин ажаблангандек, чўнтагидаги дафтарчани олиб, у ердан ниманидир, афтидан, тасманинг рақамини излади. Кейин топди, шекилли, яна тасмага қаради. Бирпас ҳеч нарсага тушунмагандек, безрайиб туриб қолди.

- Шу тасмага ёзгандик, чоғи. Аниқ шу тасма эди. Қизиқ, - деди у доврираб.

- Бизнинг бекорчи вақтимиз борми, - зарда қилди муҳаррир. - Аниқ шу тасмамиди?

- Ҳа, - деди ўзига ишонмай овоз режиссёри. - Шу эди, яна ким билади.. Балки адашиб.

У бизга узрхоҳлик билан қаради-да, шошиб хонадан чиқиб кетди. Унинг даҳлизда югуриб кетаётганини ҳаммамиз эшитиб турардик.

- Буларнинг хаёли жойида эмас, - деди бош муҳаррир норози бўлиб. - Мана шундан ҳам ишга бўлган муносабатни билса бўлади. Тасманинг рақамини ҳам адаштирадими эси жойида одам?

Ҳамиша ўзим билан ишлайдиган гуруҳнинг ёнини олганим учун у менга илдоо қилиб гапирарди. Бу марта унга қарши ҳеч нарса демадим: у ҳақ эди. Энг муҳим пайтда ёрдамчим билан овоз режиссёри мени уялтириб қўйганди. Салдан кейин бир кучоқ тасма кўтарган овоз режиссёри кириб келди.

- Мана, бутунги овоз ёзган ва монтаж қилган тасмаларим. Балким чарчаб, рақамни адаштиргандирмиз,

Шундай деб у бирин-кетин тасмаларни қўйиб кўра бошлади. Аммо у қўйган биронта ҳам тасмада биз кутган шовқинлар йўқ эди. Овоз режиссёри бундан бағтар ажабланиб ва доводирарди.

- Менга қаранг, - деди охири муҳаррир. - Сизлар эрталаб ёзиб келган тасмани қўйиб беринг. Бизнинг ўзимиз қайси шовқинларни қўйишни айтамыз. Қайтадан қўйиб чиқасизлар. Бу кетишда бизга бутун жамғармадаги тасмани қўйиб берасиз, чоғи.

Бу гап менга ҳам маъқул бўлди. Мулзам бўлиб ўтиргандан кўра эрталаб ёзиб олган шовқинларни қўйиб, қайси шовқинни қайси саҳнага қўйишни келишиш осонроқ эди. Овоз режиссёри маъқул дегандек, бир тасманинг устига қаради-да, ўша тасмани магнитофонга қўйди. Энди буниси устимиздан бир челақ сув қуйиб юборгандай таъсир қилди. Тасмадан биз боягина пьеса саҳналарида эшитган нола тўла увиллаш аниқ-тиниқ келиб турарди. Овоз режиссёри беҳол ўтириб қолди. Унинг юзлари оқариб, рангида ранг қолмаганди.

- Ахир эрталаб шу тасмага ёзгандик, бу шовқин қаердан пайдо бўлди?

- Балки охиrhoгига ёзгандирмиз. Айлантириб кўрингчи, - деди ёрдамчим умид билан.

Овоз режиссёри тасмани олдин бошита, кейин охирига қараб айлантирди. Аммо бутун тасмага ўша нола ёзилган, худди устимиздан кулгандек, қаерида тўхтатиб, тугмачани босса, ўша ердан эшилиб-буралиб, гайритабиий нола чиқиб келарди. Бу шунчаки нола эмасди. Қандайдир табиатдаги жами ғамгин ва музгар товушлар, сайрашлар ва шовуллашлар уйғунлашган ўта ғамгин, дилни ўртайдиган, одамни ғамгин ва дилгир қилиб қўядиган, бизнинг пьесамизга мутлақо зид андуҳ тўла нола - эгасидан айрилган итнинг увиллашидай нола эди.

- Бу нима?! - энди ўрnidан туриб тутоқиб кетди бош муҳаррир. - Сизлар бизни майна қилишга чақирдиларингми?

У кўпроқ менга кўзларини лўқ қилиб, важоҳат билан қараб турарди. Мен елкамни қисдим.

- Бутун эрталаб биз энг зарур шовқинларни ёзиб келгандик. Билмадим, нима бўлаяпти?

Шундай деб, овоз режиссёрига ва ёрдамчимга қарадим. Улар шошиб қолишган, бир тасмани олиб, иккинчисини магнитофонга тикишар, эшитиб,

кутилган овоз келмагач, яна бошқасини тиқишарди. Ниҳоят овоз режиссёри чарчади. У бизга қарамай курсига ўтириб, ниманидир эсламоқчидек ўйга толди.

- Сиздан сўраяпман, нима бўлди? Яна тасмани ўчириб юборибсизларми? - бош муҳаррир студияда тез-тез бўлиб турадиган вазият бўлган, булар тасмани билмасдан ўчириб юборган деб ўйлаётган эди.

Овоз режиссёри унга жаҳл аралаш лаблари титраб билан қаради. У энди бошлиқдан ҳайиқмаётган, тўғрироғи, унга нимадир жуда қаттиқ таъсир қилганидан ўзига келолмаётган, энди йўқотадиган нарсаси йўқ одам каби терс ва қўпол бўлиб қолганди.

- Йўқ. Биз адашиб, ўчириб юбормадик. Агар ўчирсак, ёзиб келган иккала тасма турарди. Боғдан ёзиб олинган тасмага ҳам шу шовқин ёзилиб турибди.

- Тушунмадим, - дедим мен энди баттар ажабланиб. - Ярим соат олдин, бўлди, шовқинларни саҳналарга қўйдик, энди эшитсак бўлади деган сиз эмасми?

Овоз режиссёри кўзларини юмиб-қайта очди.

- Ҳа, шундай дегандик. Лекин кўраяписиз-ку,

- Эрталабки тасма-чи?

- Эрталаб ҳар эҳтимолга қарши иккитадан тасмага нусхаси билан ёзиб олганман. Аммо иккаласи ҳам ўша увиллаш билан тўлиб турибди. Ахир бу увиллаш ҳам, яқин атрофимизда ит ҳам йўқ эди, Шунга ҳайрон қолаяпман. Боя саҳналарга қўяётганимизда ҳам ҳаммаси ўз жойида эди. Буни ким қилиши мумкин, билолмаяпман.

Бош муҳаррир гапимиздан ҳеч нарсани тушунмаган бўлса ҳам аммо муроса қилгандек, уфлади.

- Мабодо эрталабдан ҳалқумни ҳўллаб олмаганмидиларинг? Балки бу шовқинни кайф аралаш ёзиб келгандирсизлар?

Унга "туҳмат қилманг!" дегандек зарда билан қарадим. У менинг ичкиликка ўч эмаслигимни, айниқса, эрталабдан ичиб олмаслигимни биларди. Шунинг учун меңдан кўзини олиб қочиб, овоз режиссёрига таҳдид қилди.

- Етар. Тасмаларни топсангиз, топинг, бўлмаса, эртага қайтадан ёзиб келинг. Бу марта ёнингизга бошқа овоз режиссёрини ҳам олволинг. Эҳтиёт шарт. Шусиз ҳам ишни чўзиб юбордиларинг,

Шу гапни айтиб, норози ва асабий қиёфада чиқиб кетди. Унинг изидан муҳаррир ва иккита кекса режиссёр ҳам чиқиб кетди. Биз энди тасмаларни олиб, шошимай бирма-бир эшита бошладик. Аммо ёзиб келган шовқинлардан асар ҳам йўқ эди. Эрталаб шу иш учун атайин рақамланган тасмаларда ҳам ўша мунгли, мустар нола-соҳибини йўқотган ит увиллаши эшитилиб турарди. Ким биз билан ҳазиллашаган бўлса ҳам қўпол ҳазиллашган эди.

- Балким биз тушликка чиққанда кимдир ўчакишиб, устига ёзиб юборгандир? - деди ёрдамчим.

- Кўролмайдиганлар қанча?

Овоз режиссёри бошини ирғади.

- Йўқ. Бўлиши мумкин эмас. Мен бу тасмаларни ўзимнинг сейфимга

солиб, тушликка чиққандим. Биров қилиши мумкин эмас.

- Нима, сейфингизнинг калити бошқада йўқ деяпсизми? Одамларнинг сейфи очилмасдан пули йўқолаяпти-ю.

Мен уларнинг баҳсига қўшилмадим. Эртага эрталаб яна боққа боришимизни, қайта овоз ёзиб олишимизни ва ўзлари билан яна битта овоз режиссёри ва қўшимча магнитофон олиб олишини тайинлаб, уйга жўнадим. Трамвайда кетарканман биз эшитган мунг қулогим остида жаранглагандай бўлди. Қизиқ, мен шунча йил радиога ишлаб, овозлар ва мусиқа жамғармасини беш қўлдай била туриб, бундай увиллашни ҳеч эшитмаган эдим. Бу кимнинг ҳазили ёки ўчакишиши оқибати экан? Ҳаёлимдан мукофотга номзод бўлган бошқа студиядаги ҳамкасбларим бирма-бир келди. Аммо уларнинг бу даражада пасткашлик қилишларига ишонгим келмасди.

Эртасига биз яна ўша хиёбонда овоз ёзиб ўтирардик. Бу сафар овоз режиссёри иккита, ёзиш ускуналаримиз эса учта эди. Овоз режиссёри ўзи билан иккинчи магнитофонни ҳам олиб келганди. Биз яна ўша тонгги наботот, ҳашарот ва парранда овозларини - табиатнинг улугворлигини мадҳ этаётган, борлиқ билан уйғунлашиб кетган тириклик ва яратувчилик оҳангларини ёзиб ола бошладик. Мен кўзларимни юмиб ётарканман, бирдан қушлар ва ҳашаротларнинг қувноқ овозлари остида кечаги тасмадаги увиллаш келаётгандек бўлди. Чўчиб, бошқаларга қарадим. Улар индамай ишини давом эттиришарди. Демак, кеча асабийлашганим учун қулогимга эшитилаяпти деб ўйладим. Аммо бу сас энди менга аниқ эшитилаётган эди. Қушлар чуғури остида у бирдан қулоққа чалинмас, аммо бутун вужудингизни шу шовқинларга берсангиз, унда ана шу шодонликлар остида маҳзун увиллаш келиб турар, у бир йўқолиб, бир пайдо бўлар, гўё бахтиёрлик ва шодонлик билан баҳс бойлашиб, ютқизаётгандек эди. Мен ҳар эҳтимолга қарши чакалакзорга қарадим: у ерда биронта ит йўқмикин? Шунча меҳнатимиз яна зое кетса деган фикрдан кўз олдим бижирлаб кетди-назаримда, чакалакзор ичида қандайдир катта бир ит менга қараб, масхара қилиб, тилини чиқариб тургандек туюлди. Кўзимни юмиб очдим - итга ўхшаб ҳурпайиб турган шохга кўзим тушди-да, кулгим келди. Лекин мен ит увиллашини аниқ эшитдим. Бу итнинг увиллаши экани кундай аён-ку. У қанақа ит экан, бунчалик бағри хун бўлган?! Овоз режиссёрлари шовқинларнинг тиниқ ва аниқ ёзиб олинаётганига гувоҳ бўлиш учун қулоқларини ускуналарга тегизиб туришар, кейин мамнун бош иргашарди. Демак, ҳеч қандай гайритабиий нарсанинг ўзи йўқ. Менинг қулогимга шундай эшитилаяпти, бунинг ҳаммаси кечаги мижаронинг таъсири. Биз энди бу марта ишимиз юришишга заррача шубҳа қилмасдик. Шунинг учун мен саҳналарга қўйилган шовқинларни эртага эшитамиз деб, хиёбондан чиқишда хайрлашиб, уйга кетдим.

Кечқурун ёрдамчим телефон қилди. У жудаям ҳаяжонда эди.

- Айтсам, ишонмайсиз. Барча тасмалар яна ўша увиллашни ёзиб олибди. - У, афтидан, йиғламоқдан бери ҳолатда, у телефон қилаётган хонада овоз режиссёрлари бўлса керак, асабий овозлар келарди. - Келмасангиз бўлмайди.

Мен тезда кийиниб жўнадим. Овоз ёзиш студиясида энди бошқа режиссёрлар ҳам йирилган, муҳаррир ҳам шу ерда эди.

- Сира ақлим етмаяпти. Бу қаердан келди? Ахир биз бошқа шовқинни ёзиб олгандик? - Овоз режиссёри асабий гапирарди.

- Балки бошқа каналга ёзгандирсизлар? - кимдир, менимча, муҳандислардан бири сўради.

- Ҳамма канални текширдик. Шу увиллашдан бошқа овоз йўқ.

Ростданам тасмалардан яна ўша-мунгли ва маҳзун нола - энг қизиги, хиёбонда менга шундай туюлаяпти деган увиллаш келарди. Мен энди тонг қотдим. Ва гап тасмада ҳам, ёзиш ускунасида ҳам эмаслигини сезиб турардим. Хиёбонда менинг кўзимга кўринган ит аслида бўлган ва у ўша дарахтлар орасида туриб увиллаяпти, биз гарчи қанча уринмайлик, фақат унинг овозини ёзиб олаяпмиз. Бу ерда қандай сир бор? У қандай ит бўлди? Унинг увиллашида бизни нимаданир огоҳ қилмоқчи бўлаётгандек, сирли нола бор эди. Ускуналаримиз гарчи қушлар овозини ёзаётгандек туюлса-да, аслида қулоққа элас-элас чалинадиган ўша сирли увиллашни ёзиб олаяпти. Нега? У қандай нола бўлдики, ўзига замонавий ускуналарни ҳам бўйсундириб, бизни масту-музтар қилган саодатманд оҳанглар ўрнига асрий ғам-андуҳ акс этган итнинг увиллашини тақдим этапти? У қандай ит? У қандай увиллаш, нола?

Муҳаррирнинг фиғони фалакка чиқди. У бир пайтлардаги келишмовчилигимизни эслади, чоғи, мени атайлаб шундай қилапти деб ўйлади. Менга бақрайиб тикилганча кўрсаткич бармоғини бигиз қилиб кўрсатди:

- Сиз, сиз бу ишингиз билан жавоб берасиз. Бу билан нима демоқчисиз? Бу масхарабозликнинг тагида нима ётибди ўзи?! Ҳали тингловчига ит увиллашини қўйиб берасизми? Ит нега увиллаяпти? А?

- Мен ҳам шуни билмоқчиман, - дедим фавқулодда ўзимни босиқ тутиб.

- Бу ўзи нима? Табиат бу увиллаш орқали бизга нима демоқчи? Менинг ҳам ақлим етмаяпти. Лекин бу жудаям гаройиб нола. Буни атайлаб яратиб бўлмайди. Бу тайёр куйнинг ўзи.

Муҳаррир менга нимадир демоқчи бўлиб, яна кўрсаткич бармоғини бигиз қилди. Унинг мусиқадан умуман саводи йўқлигини эслаб, гапларим беҳуда кетганини сездим. У аксар ҳолларда эшиттириш матнини бериб, кейин режиссёрларга "Ўқилгач, бир тингин-тинғир қўйиб юборинглар" дерди. Режиссёрлар "Аслида эшиттиришда ана шу тинғир-тинғирдан бошқа нарса ҳам йўқ, тингловчи фақат ўша тинғир-тинғирни эшитади", деб изидан майна қилишарди. У режиссёрларнинг ўзига муносабатини билар, лекин улар билан гап талашиб, обрўсини кеткизмасди. Ҳозир ҳам ҳушёр ақли бирдан ишлаб кетди. Заҳрини ичига ютди.

- Беш дақиқадан кейин бош муҳаррирнинг олдида учрашамиз.

У эшикни зарб билан ёпиб чиқиб кетди. Мен овоз режиссёрига қарадим. У елка қисди. Биз яна бир марта ёзиб келган тасмаларни эшитиб кўрдик. Барча тасмаларни ўша увиллаш босиб кетганди. Ёрданчимга бу оҳангларни аудио тасмага кўчириб, ўзимга беришини тайинлаб, бош муҳаррирнинг

олдига йўл олдим.

Эртасига бизни асарга безак беришдан четлатишди. Итнинг увиллашини ёзиб келганимиз учун бошимизга ит кунини солишмоқчи эди, аммо танлов яқин қолгани сабабли истисно қилишди: бошқа гуруҳ пьесага шовқинлар ишловини берадиган бўлди. Бизга ҳам айнан шу керак эди. Энди гирт бекорчи эдим. Ёрдамчим ёзиб берган тасмадаги итнинг увиллашини яна бир неча кун эшитиб юрдим. Эшитганим сайин бу ит нега увиллаяпти, у кимни чорлаяпти, кимга нола қилаяпти деган ўй бутун фикру хаёлимни эгаллаб олди. Энди фақат нола қилаётган ит ҳақида ўйлар ва эрта-ю-кеч қулогим тагида фақат ўша итнинг фигони жарангларди. У қандай ит? Эгаси бормикин? Нега у бунчалик нола чекаяпти? Бир неча кунлик саволларимга худди ташландиқ боғ жавоб берадигандек, ўша итга ўхшаб ҳурпайиб олган шохлар орасида мени жавоб кутиб тургандек, хиёбонга йўл олдим. Қуёш энди шаҳарнинг тоққа туташ қисмидан бош кўтариб келарди. Боғ қушлар ва паррандалар, умуман, тирикликнинг гўзал кўшигига тўлганди. Мен яна ўша овоз ёзган жойга бориб ўтирдим. Майса ҳиди келарди боғдан. Шудринг ҳовурида димоққа урилиб, кейин қушлар чуғурига қўшилиб кетарди. Бу ерда ҳамма нарса бахтиёрлик, яшнаш ва уйғонишдан дарак берарди. Гайритабий нарсанинг ўзи, айниқса, бу атрофда итдан дарак йўқ эди. Унда увиллаш қаердан келаяпти? Қандай қилиб тасмаларга жойлашиб олди? Мен дарахтлар орасини, орқадаги, дала билан туташ, шаббалаб кетганидан чакалакзорга айланган дафназор ва тутзорни бирма-бирма кўздан кечирдим. Боғда шохлар орасини титиб юрганимни кўрган танишларим эсан оғибди деб ўйлашлари мумкин эди. Қаердаки хилват ва ит бекиниб олиши, қаердаки ётиши, пушиши ёки уя қилиши мумкин бўлса, ҳамма жойни излаб чиқдим. Ҳеч қанақа ит йўқ эди. Унда увиллаш қаердан келаяпти? Ҳолдан тойиб, синиб ётган дарахтга ўтирдим. Худди телбалардай хиёбонни ахтарганим ўзимга нашъа қиларди. Шу билан бирга мен ўша сирли увиллашнинг тагига етишни истардим. Тин олмоқчидай кўзларимни юмдим. Атрофимни қурчаган хушанашин чуғурлардан куч олиш учун бирпас уларнинг сеҳрига берилдим, кейин ҳар қандай товушлардан ўзимни узиб, яна ўша увиллашни эшитиш учун элас-элас келаётган шовурларга қулоқ солдим. Шу ҳолатда узоқ ўтирдим. Хаёлим орқали боғнинг мен ҳали етиб бормаган ичкарисига кириб кетдим. У ерларда анвойи гуллар гуркирар, ҳамма нарса ўз ҳолича ва ўз эркича ўсиб ётарди. Дарахтлар чиркинликни инкор этиб, янги барглар чиқарар, кейин тўкилган гуллар ўрнига янги гунчалар очилар, минглаб ранглар боққа зеб бериш учун шайланиб турарди. Бу ерда гўзаллик билан хунуклик, завол кўзим илиндими, ё менга шундай туюлдими, бирдан тасмаларда эшитган нола олдин секин, кейин баралла эшитила бошлади. Салдан кейин мен увиллашни аниқ эшитдим. Увиллаш бир олисдан, бир ёнимдан эшитилар, кўзимни очиб қарагим, увиллаётган итни кўзим билан кўргим келар, аммо бирдан ит ҳам, нола ҳам йўқолиб қолса-чи деган хавотирда кўзларимни очгим келмасди. Увиллашда мунис андуҳ бор эди. Ундан дард, мусибат,

изтироб, гам-уқубат тараларди. Бу дардга ва бу гамга чидаб бўлмасди. Уни эшитган сайин шунчалик дард кўпаяр, мусибат улуғлашар, гам юракни тўлдирар, йиғлагим келарди, аммо увиллашдан таралаётган хўрлик олдида йиғи нима бўлибди деб ўзимни оутардим. Одам қандай чидайди бу нолага деб ўкириб юборгинг келарди. У ўзининг андуҳи билан сеҳрлар, андуҳи билан мафтун қилар, мусибати билан жодулаб қўярди. Бу увиллашни эшитган одам бошқа оҳангни қайта эшита олармикин? Бу нола, бу маҳзунлик бошқа барча оҳанглари фош қилиб, сохталаштириб қўярди. Нега мен шу пайтгача бу андуҳни эшитмаганман, нега шу пайтгача бу мусибатдан узоқ бўлганман? Нега бу нола ўзларини хушанишин оҳанглари тагига яширди экан? Нега увиллаётган ит одамлардан ўзини пинҳон тутаяпти экан? Увиллашдаги андуҳ таъсирида кўзларимдан юм-юм ёш оқаётганини билардим. Йиғлаган сайин энгил тортар, янаям ўкириб йиғлагим келарди. Йиғига фарқ қилувчи бу нола қайдан келаяпти, қайга кетаяпти? Нега у мени мунгга ва мусибатга ошно зтаяпти?

Эртасига ҳам, кейинги кунлар ҳам мен боғнинг бир четида ўтириб, кўзларимни юмганча кунимни шу ҳолатда, мусибат ва андуҳдан титраб ўтказдим. Мен увиллаётган итни кўргим, унинг гамига шерик бўлгим, мусибат эзган бошини силагим келарди. Энди бир умр бу ноладан ҳам, итдан ҳам айрилмайдиғандай эдим. Кўзларимни очганимда увиллаш йўқолар, юмиб олишим билан қулогим тагида пайдо бўлар, мени ўз оҳангига олиб кириб кетарди. Увиллашда хўрлик ва ҳақорат тўла эди. Маҳкумлик ва мутелик, ожизлик ва зулм қоришиқ эди. Бу хўрлик билан одам яшаши мумкин эмасди. Мен кўзларимни очиб, "Қаердасан, нега мени бунчалик эзасан, кел, сени кўрай, мақсадинг нима?!" деб пичирлардим. Пичирлашим қулогим тагида худди ҳайқирикдай садо берарди. Ушандай лаҳзаларда мен бир нарсани билиб қолдим: кўзимни юмишим билан менинг ичимдан нимадир ташқарига сакраб чиқиб кетар, менга ўша сакраб чиқиб кетган нарса итдай бўлиб туюлар, аммо менинг ичимда ит нима қилади дея бу шубҳани инкор қилардим. Аста-секин боққа келишим билан ичимдан сакраб чиқиб кетган шарпаннинг итга ўхшашлигига ишона бошладим. Ичимдан чиқиб кетаркан, кўкрагим ит панжалари билан тирналгандек оғриқни ҳис қилардим. Бир куни кўзимни юмганча, итнинг ноласи бошланишини кутиб турарканман, увиллаш шундай ёнгинамдан келаётгандай туюлди. Беихтиёр, ўзим кутмаган шиддат билан кўзимни очдим. Сезгиларим алдамаган эди. Ёнимда қопқора ит турарди. Унинг жуссаси мен ўйлагандан кўра катта эди. Аммо кўринишининг ўзиданоқ бу итни гам адо қилган деган фикр келарди. Унинг кўзларида мунг ва ҳасрат қотиб қолган, ўзи афтода, озгин, қовурғалари кўриниб ётар, оёқда зўрга тургандай туюлганди менга. Гўё бир неча кун эмас, бир ойдан бери туз тотмаганга ўхшарди. Урнимдан қимирлашга қўрқиб, уни кузатиб турардим. Ит ҳар доимгидай боққа одамлар кириб келгунча, шовқин бошлангунча увиллади, кейин секин чакалакзор орасига кириб кетди. Мен унинг изидан югурдим. У чакалакзордан чиқиб, деворнинг тирқишидан ўтди-да, шаҳарга қараб кетди. Девор ошиб тушганимда, у алақачон одамлар

ичига кириб, гойиб бўлганди. Мен енгил тортдим. Тирикчилик шовқини-ю ҳамиша думни ликиллатишга ва кетни қимиллатишга ундайдиган куй ҳамда шунга мос оломон билан тўлаётган боғда итни кўрганымдан ва уни топганимдан хурсанд эдим. Эртасига ит мендан ўзини олиб қочмади. У энди мени ҳар куни шу ерда кўриб кўникиб қолгандек эди. Ёнимга келиб, орқа оёқларига ўтирарди-да, осмон-у фалакка қараганча яна ўша ноласини бошларди. У нега айнан шу ерга келиб увиллапти, сира ақлим етмасди. Аммо у ҳар доим бир пайтда бир жойга келиб увларди. Итнинг менга қараб туришининг ўзидаёқ мунг ва ҳасрат бор эди. Эҳтимол, у ўзининг қанчалар афтода эканини билмас ҳам? Эҳтимол, ана шу ғариблиги билан боққа келиб, эрта-ю кеч ўйиндан бошқасини билмайдиган такасалтанглар-у олифталарга нимадир ишора қилмоқчидир? Билмадим, аммо бир қарашдаёқ унинг нақадар ожиз ва мушфиқ эканини билиб олса бўларди. У ўзига ҳеч четдан қараб кўрганмикин? Ўзини бир марта бўлсин кузатганмикин? Бунча ғариб ва фақир бўлмаса вужуд дегани? Унга қараб бу афтода танани эзгилагинг, эзгилаган сайин таҳқирлагинг, таҳқирлаган сайин унинг оёқлари остида ўзинг таҳқирлангинг келарди. Унинг қўтир босган вужудида қандайдир сеҳрли бир куч бордай эди. Биз тезда бир-биримизга ўрганиб қолдик. Энди мен ҳам ит билан бирга девор туйнутидан эмаклаб, кўчага чиқар, кейин унинг изидан санқиб юрардим. Биргаликда шаҳарнинг шунча йиллардан бери бирон марта кўрмаган ғарибгина кулбалар, тўкилай деб турган масжиду мадрасалар жойлашган эски тор кўчаларини, қадимий қалъалару қасрлар харобалари қолган тепаликларни айланиб чиқардик. Анча кундан кейин мен итнинг ҳар куни бир хил йўналиш бўйлаб бир хил кўчаларни айланишини, фақат шаҳар четида қолган тор кўчаларнинг биридаги ўйма нақшларини йиллар ёмғири сидириб юбораёзган иккита дарвоза тагига чиқариб қўйилган егуликдан ейишини, яна ўша йўл билан изига - боққа қайтиб киришини ўрганиб чиқдим. Ит шаҳарнинг гуллаб-яшнаб ётган қисмига деярли бурилмас, бошқа бирон жойдан егулик ахтариб умидвор ҳам бўлмас, йўлидаги дайди мушуклар ва санғи лайчалар ўраллашиб юрган ошхона-ю базмхоналар олдидан индамай, бошини эгиб ўтиб кетарди. Суяк талашаётган лайчаларга бир кўз ташларди-да, йўлидан давом этарди. Агар ўша эски дарвоза олдида егулик бўлмаса, индамай изига қайтар, кун бўйи оч юрса ҳам, ўзини хўрак таллашиб ириллашаётган лайчалар ичига урмасди. Шунинг учун унга егулик олиб кела бошладим. У мен кутгандай егулик деб думини ликиллатиб, суйкалмас, минг бир мулозамат билан берган пишлоқ ёки бўтқани олдин роса ҳидлаб, кейин бир бўлак ер, қолганига эътибор ҳам бермасди. Менга у касалдай туюлди. Эҳтимол, шунинг учун у мана шу овлоққа маскан қургандир, эҳтимол танасидаги оғриқни енгил учун нола қилар?! Ахир соғ ит хўракдан ўзини тиёлмайди-ку. Шундай бўлса-да, уни ўзимга ўргатиш учун егулик олиб келар, увиллаш маросими тугагач, биз биргаликда шаҳар айланардик. У менинг тасавуридаги итга ўхшамасди-камсуқум, ғариб, ва устига устак ўта кўрқоқ эди. Худди фил олдини тўсган қоплонлардек, дайди лайчалар олдини ҳуриб тўсса, улар билан таллашиб ўтирмасди - улар нимани талаб қилса, ўша ёққа

индамай бурилиб, бепарво кетаверарди. Унинг бирон марта типини кўрсатиб, ириллаганини, феълени кўрсатиб, бировга ёт қараш қилганини кўрмадим. Ундаги камсуқумлик ва озурдалик менга ҳам аста-секин юқа бошлади. Бир куни уни уйимга олиб кетдим. У мен билан кетишни истамади. Аммо унга қараб, ўзимнинг бор муҳаббатимни изҳор қилиб, нималардир дедим. Аслида ҳам итга меҳрим тушиб қолганди. Уни энди ўзимдан айро тасаввур қилолмасдим. Сал кўрмасам соғинар ва унга мафтун бўлиб қолгандим. У ҳис-ҳаяжонга тўлган гапимни тушунгандай бир пас мулоҳаза қилиб, кўзларимга тикилиб турди, кейин изимдан индамай эргашди. Ўша кеча биз, тўтғироғи мен унга ўзим ҳақимда ҳикоя қилиб бердим. Хаёлчан болалигим, изтиробда ўтган ўсмирлик, баалоғатнинг алдов ва хиёнатлари, тирикчиликнинг мазахомуз қуллиги, дўстликнинг жуда осон сотилгани, ҳаётнинг аёвсиз синовлари ва табиийки, эришилмаган муҳаббат ҳам бу ҳикоядан четда қолмади. У менинг гапимни оёқлари устига тумшугини қўйиб эшитиб ётарди. Кўп марта дўстлар билан бўлгандек ва кейин нега шуларга дардимни ёздим деб ўзимдан нафратланиб юрган пайтимдагидек, ҳикоя давомида у ухлаб қолмади. Аксинча, ақалли бирон марта ҳам мендан кўзини узмади, юммади ҳам. Унга гапларим ва ўтмишим таъсир қилди. Орада бир-икки менга ҳамдардек ҳуриб қўйди. Сўққабошлигим иккаламизга ҳам қўл келди. Ит меникида қолди. Биз энди худди тугишгандай ёки ошиқ-маъшугқдай бир-биримизсиз туролмайдиган ҳолатта етгандик. Иккаламиз жимгина шаҳар кўчаларини кезардик. Иккаламиз ҳам тилсиз, забонсиз бир-биримизни тушунардик. Ишдан чиқиб, кечгача кўчаларни айланар, юзлари ўзини фош қилиб қўяётган бахтиёрликдан синиққан ва ташвишлардан гезарган издиҳом ичида бир-биримиздан кўзимизни узмай, одамларнинг бизга ажабланиб қарашларига парво ҳам қилмай, ёнма-ён кетганча тилсиз-товушсиз сўзлашиб кетардик.

Бир куни мен бошқа томонимга ағдарилиб ётиш учун ўтириларканман, тўшагимнинг ярмида ётган жунли танага қўлим тегди. Чўчиб уйғониб кетдим. Қаддимни кўтариб қараганимда ёнимда, ёстигимнинг ярмига тумшугини қўйганча ухлаб ётган итни кўрдим. Шундагина ит энди менга тўла ишонганини ва ит ҳақида нимани ўйласам, ит ҳам мен ҳақимда шуни ўйлашини сездим. Беихтиёр қўлларим билан унинг жунларини силадим. Кафтларим энди дағаллашиб қурий бошлаган, сабаби менга номаъудум бўлган ит кунларидан дарак бериб турган яраларга тегди. Этим жимирашди. Назаримда бу яралар ўзимнинг танамда ва ўз танамни силаётгандай туюлди. Бу туйғу кейинчалик ҳам тарк этмади. Ҳар кеча унинг яраларини силарканман, худди ўз баданимни силаётгандай бўлар, кимдир ҳаётнинг адолатсиз сўқмоқларида орттирган жароҳатларимни силаб менга ором бераётгандай эди. Бу итга ҳам хуш келди, чоғи, у мен билан бир тўшақда ётишга ўрганди. Унга ҳар кеча итга ошно бўлмаган ва ит бўлмаган пайтларимнинг азоб-ўқубатлари, чеккан андуҳларим, ҳасратларим ҳақида ҳикоя қилиб берардим. У энг оғриқли кечинмаларимни гапираётганимда гингшиб қўяр, хотирам билан бирга унинг ҳам жони азобланаётганини

сезиб қолар, кўзларидан оқаётган ёшлар ёстигимни ҳўл қилар, баъзан эса мен у билан боғга бориб, унга қўшилиб увиллар ва увлаган сайин вужудимдан оғриқ ва уқубатлар ариб, руҳим янаям енгиллашиб бораётганини сезар ва беихтиёр кўнглимда нега мен бу лаззатдан шунча йиллар бебаҳра юрдим экан деган надомат пайдо бўларди. Мен шу увлаш орқали ўзимни ва атрофимни кашф қилаётгандай эдим. Ит кўнингча мени ишгача кузатиб борар, кейин қаёққадир, менимча, ўша овлоқ боққа кетар, ишдан чиқар пайтим кўча юзида кутиб турарди. Танишларим менинг ит асраётганимни кўриб ажабланишарди. Атиги бир неча ой олдин итни кўрса ижирганадиган мендай келажаги порлоқ, ҳарқалай, бир силтов кам таниқли бўлиб қолган йигитнинг қандайдир кўринишиёқ одамда ёқимсиз ҳис ва ирганиш уйғотадиган касалманд ва қўтир ит билан яшадини тасаввур қилишолмасди. Буни менга ошкора айтганлар ҳам бўлди. Аммо менинг парвойимга ҳам келмади. Мен уларга сиз агар унинг увиллашини бир эшитсангиз эди, дегим келар, лекин бу гапимдан уялардим. Ахир итнинг увиллаши ҳам одамни сеҳрлаб қўйиши ёки одам ит ноласига ҳам ошғуфта бўлиши мумкинми? Бу улар учун ғирт бемаънилик бўлиб туюларди. Шунинг учун уларга жавобан индамай қўяқолардим. Менга уларнинг кулишидан кўра мана шу касалманд итнинг меҳрини қозониш афзалдай туюларди.

Бир куни тушлиқдан қайтишда даҳлизда менинг хонам олдида йиғилиб турган ҳамкасбларимни кўрдим - у ерда худди тўполон бўлаётгандек эди. Қадамимни тезлатдим. Мени кўриб ёрдамчим қаршимга югурди. Унинг ранглари оқариб кетган, анчадан бери мени излаб юрган экан.

- Сизни бош муҳаррир хонангизда кутаяпти, - деди хавотир ва ҳамдардлик билан.

- Нима гап? Мукофотни бўлишаяптими, - дедим хонам олдида бутун бошли жамоа йиғилиб олганига ишора қилиб.

- Йўқ. Кимдир сизнинг хонангизда ит ётганини кўрибди, - деди. - Бошқалар ҳам итни кўрган экан. Ҳаммаси гувоҳлик беришга йиғилишган.

Унинг гапи менинг кулгимни қистатди. Ҳамкасбларим ақддан озганга ўхшайди деб ўйладим. Хонамга шошиб кирарканман, у ерда бош муҳаррирдан ташқари муҳаррир, яна хўжалик бўлиמידан ҳам икки киши борлигини кўрдим. Улар ниманидир шивирлашиб гаплашишарди. Бош муҳаррир қўлидаги рўмолча билан бурнини ушлаб турарди. Мени кўришлари билан жим бўлишди. Нима гап дегандай бош муҳаррирга ва муҳаррирга қарадим.

- Сиз ишхонага ит олиб келиш мумкин эмаслигини биласизми? - деди бош муҳаррир ўсмоқчилаб, худди мени айб устида қўлга туширгандай.

- Биламан, - дедим. - Бу ерга ит олиб келганим йўқ.

- Бекор гап, - деди хўжалик бўлимидаги калта киши. - Фаррошлар бир ойдан бери сизнинг хонангиздан ит ҳиди келаётганини айтишаяпти. Қолаверса, - у бош муҳаррирга айтаверайми дегандай қаради. Бош муҳаррир бош иргагач, гапида давом этди. - , бу хонадан ҳар куни ит тезаги чиқаяпти.

- Бўлиши мумкин эмас, - дедим мен. - Мен ҳеч қачон бу ерга ит олиб кирадим. Бу тухмат.

Муҳаррир бош муҳаррирнинг қулогига бир нима деб шивирлади.

- Уйингизда ит асраётганингиз ростми? - деди бош муҳаррир салдан кейин.

- Рост, асраяпман, - дедим муҳаррирнинг яқинда уйимга борганда итни кўриб, остонамдан ҳам кирмай қайтиб кетганини эслаб, бор можарони шу олифта уюштирдимикан деган шубҳада.

- Унда сиз бизга тўхмат қиляяпсиз, - деди бош муҳаррир. - Хуллас, гап шу. Сиз ё итни, ё ишни танлайсиз. Шу бутун ҳал қилинг. Шусиз ҳам ходимлар ишхонани ит ҳиди босиб кетгани ҳақида гап-сўз қилиб юришибди. Мен бу гап юқоридагиларнинг қулогига етиб боришини истамайман.

У гап тамом дегандай ўрнidan турди. У ҳамон қўлидаги рўмолча билан бурнини ушлаб турар, хонадаги ҳиддан ўзига келолмаётганди. Муҳаррирнинг ҳам бурни жийрилиб турарди. Фақат мен бу ерда ҳеч қандай гайритабиий ҳид сезмасдим.

- Хонангизни ит ҳиди босиб кетибди. Шамоллатиш керак, - деди хўжалик бўлимидаги калта киши. Унга қараб заҳарханда қилиб кулдим. Бошлиқ биронтани тепса, булар бориб янчиб ўтадиганлар тоифасидан эди.

- Менга қаранг, бу тасмадаги ит увиллаши билан сизнинг ит асрашингиз - у мана бу ҳид ўртасида боғлиқлик йўқми? - сўради муҳаррир катта бир сирни очгандай. - Сиз бизни ит увиллаши билан мазах қилганингиз етмагандай энди итни хонангизга ҳам киритиб олиб, ишхонани итхонага айлантираяпсизми?

Мен индамадим. Уларга гапириш бефойдалигини билардим. Йўлакда можаронинг қандай якун топишини кузатиб турган томошаталаб ҳамкасбларимнинг юзида ҳам муҳаррирнинг гапини тасдиқлашаётгани билиниб турарди. Эртасига мен кимни танлаганимни айтиб, итим билан боққа йўл олдик.

У ерга бориб, итим увиллар, кўзларимни юшиб, мен ҳам увиллар, увиллаш билан танамни боғда қолдирганча, увиллашдаги мусибатга қўшилиб, олис-олисларга, ўзим ҳам англамаган, гўё ҳамма нарсанинг ибтидоси бўлиб туюлаётган олисларга кетиб қолардим. Нола мени энди ҳали яхлит бўлган руҳнинг жилваларга қараб бошлаб кетарди. Ҳали ҳеч нарсага исм ҳам, ном ҳам берилмаган ўша ерда мен итим билан яна юзма-юз келардик ва шундагина биз битта вужуд эканимизни сезиб қолардим. Энди боққа келган пайтларим ичимдан чиққан ва қайтиб кирган нарса итлигига сира шубҳа қилмасдим. Ўша дақиқаларда бўлакларга бўлиниб, бир қисмим итга айланиб кетганини билардим. Увиллаш мени бўлаклаб, боғнинг турли бурчакларига сочиб ташлар, кейин яна ит қиёфасига киритиб, секин бир жойга йигар ва яна сочиб юборарди. Шунда бутун ҳаётим ана шу сочилиш ва йигилиш орасидаги бир лаҳза эканини ҳис қилардим. Ит мени сочиб юборар экан, мен машаққатлар билан турли томонга адашиб - улоқиб кетган ўзимни йигиб келардим, у эса худди мен билан ўйнашаётгандай яна сочиб юборарди. Тарқоқ ва таравақайлаган ҳолатда вужудимни тарикдай сочиб юбораётган кучни кўрмоқчидек, итга қараб "Кимсан, мендан нима истайсан, сен ит, нега ичимга кириб олдинг?!" деб шивирлардим, Эҳтимол, у ҳам менга шундай деб

тикилаётган ва сўраётгандир? Биз юзма-юз турганча бир-биримизнинг кимлигимизни аниқлашга уринардик. У менга қанча боғланиб қолса, мен ҳам унга шунча боғланиб борардим. Биз энди бир-бирига тикилиб турган бир вужуддай эдик. Бир вужуд бўла туриб айро-айро эдик. Менга ундан таралаётган айрилиқ азоб берарди. Биз қачон бирга бўлсак, айрилиқ мусибати босилар, салгина айрилсак, вужудимни андуҳ тўлдирарди. Мен итга айланишни, унинг ёнида бўлишни, унинг қўтир босган танасини узун, ўзиникидай, худди муҳаббат яловидай осилиб турадиган тилим билан ялашни, унинг ҳам гафлат яраси босган танамни ялаб ҳаловат бағишлашни истардим. Унинг ёнида хаёл лаззатига фарқ бўлиб, шу лаззатга чўкиб кетишни орзу қилиб ўтирардим,

"Бош муҳаррирга,  
Режиссёр ёрдамчисидан  
Билдирги

Эълон қилинган танлов бўйича бизнинг "Баҳовиддиннинг ити" радиопьесамиз "Энг яхши адабий режиссёр" мукофотига сазовор бўлгани сабабли менга режиссёрни зудлик билан топишни тайинлаганингиз учун уни қаердан бўлса ҳам излаб топишга қарор қилдим. Дастлаб уйига бордим. Уйни ҳеч ким очмади. Қўшниларининг хабар беришича, у бир неча ҳафтадан бери уйга келмаётган экан. Шунинг учун нима қилишни билмай қолдим. Шунда ёдимга унинг ишдан ҳайдалгач, кунини биз уч ой муқаддам овоз ёзган овлоқ боққа бориб ўтказаётганини айтгани эсимга тушди. Зудлик билан ўша ёққа йўл олдим. Қайта таъмирлаш мақсадида анчадан бери боғ ишламаётган экан. Шундай бўлса-да, сизнинг топширигингизни бажариш учун қаровсиз боққа кириб, режиссёрни излашга қоровулдан рухсат олдим. Аммо боғда ҳеч ким йўқ эди. Мен бирон овлоқроқ жойда ўтиргандир деб боғнинг хилват жойларини ахтара бошладим. Бир соатлар чамаси изласам ҳам одам зотига дуч келмадим. Ҳафсалам пир бўлиб, энди қайтмоқчи бўлганимда девор туйнутидан кириб келган, бир-бирини қувлаб юрган иккита итга кўзим тушди. Улар гоҳ мендан узоқлашиб боғ бўйлаб югуришар, гоҳ бир-бирини эркалаб тишлаганча, ёнимдан қувлашиб ўтар, худди икки ошиққа ўхшар, бир-бирларининг қўтирларини тиллари билан ялашар, бир-бирининг яраларига кўзларини суртишар, шу даражада бахтиёр эдики, менинг ёнларида турганимни ҳам, изидан анча ергача эргашиб борганимни ҳам сезишмади: улар бутун дунёни унутишгандек, улар учун фақат иккаласидан бошқа ҳеч нарса, боғнинг ҳам, одамларнинг ҳам, улкан ва шовқинли шаҳарнинг ҳам аҳамияти йўқдек эди. Уларнинг бир-бирига муҳаббатига қараб менинг ҳам ҳавасим келди. Беихтиёр тасмаларга ёзилган увиллаш ёдимга тушди. Балки шулардан бирининг ноласи бизнинг тасмага тушиб, бизни роса овора қилгандир деб ўйладим. Энг қизиги ва сизга бу нарсаларни батафсил ёзаётганимнинг сабаб шуки, итлардан бирининг бўйнида мен режиссёрнинг бўйнида кўп марта кўрганим - чарм тумор осилиб турарди. Боғда бошқа ҳеч кимни учратмадим, Режиссёрни топишнинг иложи бўлмади."



**Мухиддин ОМОН**

1963 йилда Самарқанд вилояти Пошарик туманидаги Қоракосак қишлоғида туғилган Ўзбекистон матбуоти ва ахборот агентлигинини ОАВ ва нашриётлар фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бош муҳаррифи.

\*\*\*

Куйёш кўлди. Ҳавонинг Заҳри  
Шарқаб борар мисоли туман.  
Яйраб кетди кўнглининг баҳри,  
Зиё кўтиб ял-яни кундан.

Эрталабдан кўтарикки рух,  
Ажабтовуф шодмонлик дилда.  
Бозлардаги зағфарон шукӯҳ,  
Кўз кўрқини индар кўнглида.

Соқин оққан сувда тиниқлик,  
Салобат бoғ суқунатда ҳам.  
Сотини солар дилга интиқлик,  
Дил ёришар Сени эсласам...

Мақтубларинг уқийман такроф,  
Гул юзинга бўлганга мафтун.  
Шунилади яна бир ашвор,  
Эзгуликдан бошлаганди кун...

## Yana bir tong otdi, falakda oftob

\*\*\*

Яна бир тонг отди, фалакда офтоб,  
Мунаввар хайлар қилади масруф.  
Негун хатларимга бермайсан жавоб,  
Наҳот, ашворларим келмади манзуф?!

Эҳтимол, банд бўлиб ўз дўстим билан  
Менинг дардларимни кўзга илмасан.  
Шенгисиз, малаксиймо хушфўйим билан  
Мени Маҳжун қилиб, ўзини билмасан?!

Мен-ин хижрон деган оташ қозонда  
Нега бoғ қайнадим, нега бoғ тиндим...  
Ўғрим лавҳидаги ҳар лаҳза, онда  
Созиндим, созиндим... Сени созиндим...

Ногаҳон кўнглимни босган гумондек,  
Куйёшнинг юзини тўсади булут...  
Шоғларин-да зойиб қилган тумандек  
Эртамизда жимлик... номатлуб суқут...

Келатинга тошқин соғ каби жўшиб  
Ҳисларим тугёни уфрдн жавлон,  
Бугун-ин дилмига маҳзунлик кўшиб  
Соқин бoғлар сарн ёрлайди хазон....

Шул зариб, урёна бoғларда кезиб,  
Афтода дарахтдек дилим бўлди зoғ.  
Кел, эй ёр, мен зариб аҳволим сезиб,  
Салом де... дарақ бер... СУРАТИМИНГ ЮБОРИ!

\* \* \*

Қанда куюк бўлса тунининг фидоси  
Шунга ёрқин экан Ойнинг жилоси.  
Қаҳратон қаҳрини эмаса гаф фош,  
Шансиқ бўлармиди оламга Қуёш?!...

Мени хафа қилган, лалан нисонлар,  
Сизга ҳам тилайман Мен бахтли  
онлар...  
Агар ҳасаднингиз Заҳрин потмасам,  
Шотли тунилмасди бу нэдиҳомлар?!....

Сиз ахир, қалбимга тўлдириб тамни,  
Менга дуст қилдингиз соҳир қаламни...  
Рубару этганга адоват ўзини,  
Чархладингиз Менда гуруфини кўзини.

Сиз боис Мен мисли дарёдай тошдим,  
Сиз тўсиқ кўйдингиз, Мен эса ошдим!  
Мени осмоқ улуи эшиб арғамин,  
Илҳом тўлпорига урдингиз қамин...

Бошимга отилган ҳар маломат тош,  
Қалбимда тиклади матонат, бардош.  
Оқибат-ўзингиз фазолатга банд,  
Шубанлаб кетдингиз, Мен-ин сарбаланд...

\* \* \*

Яна бир субҳидам, ойдни бир тонини  
Қарши олмоқдаман, дилда ҳаяжон.  
Ёқимли оҳангдек фикрату онини  
Сен ҳақдаги дўлар тўлғар ногаҳон...

Сени хотирламоқ-дилимга фараҳ,  
Вужудимга ором, қалбга тасалли.  
Халбуки, ҳисларим ҳали муаллақ,  
Сенини туйғуларини билмайман ҳали...

Бироқ, унутиммас гунга табассум,  
Ширин истимною, нозли карашма...  
Эласам тўхранини боладек мағсум,  
Василинга тобора бўлайман ташна...

Юрагим қалқиган шу масғуд дамда,  
Барга туйғуларга раъбат зиммамда...  
Эй, содиқ дустлардан айирган дўлим,  
Сен боис ҳаётининг қадрини билдим...

Ноҳақдан тўқилган ашқи нолим ҳам,  
Андухим, кадарим, нэтиробим ҳам,  
Ҳатто Зор инълатган илк муҳаббатим,  
Сенга-да, ташаккур, бисёр ҳурматим...

Ғарби дилим тирнаб, нолои айладини,  
Мени ошиқ қилдинг, Уйсон айладини...  
Шеврим Яхшиларга ёкмаса, мағзур,  
Мен Ёмон одамга айтдим, ташаккур...

Холбуки, Ёмонлар ҳеё Яхши бўлмас,  
Лек Ёмон кўрмаган - Яхшини билмас...  
Орада Ёмон ҳам оғалаб юрсин,  
Яхши-ни Ёмондан саралаб юрсин...

Қанда куюк бўлса тунининг фидоси  
Шунга ёрқинроқдир Ойнинг жилоси...

Эҳтимол Сенда ҳам шу каби ҳолат:  
Ўзини ҳам билмайсан нима бўлганин.  
Сени таажжубга солиб бағоят,  
Қуз ёзи умрининга баҳор келганин...

Қўзларинида мовий осмон шуқуҳи,  
Пойинида ястанган булутлар бисёр.  
Ўйё Сенга кўрган Лайлининг руҳи,  
Мен эса Маҷнунман дийдорининга Зор...

Ёқимли оҳангдек фикрату онини  
Сен ҳақдаги дўлар тўлғар ногаҳон...  
Яна бир субҳидам, ойдни бир тонини  
Қарши олмоқдаман, дилда ҳаяжон...

## ABU-L-MUJIB NASAFIYNING "BAHRU-L-KALOM" ASARI - MOTURIDIYA TA'LIMOTI TARG'IBOTI BO'YICHA MUJIB MANBA

Қадим Мовароуннаҳр минтақасида ҳанафий фикҳига асосланган мотуридия ақидавий мазҳабининг кенг миқёсда тарқалишида, айтиш жоиз бўлса, ҳал қилувчи роль ўйнаган алломалардан бири, шубҳасиз, макҳулийлар сулоласининг йирик намояндаси Абу-л-Муъин Насафий (1027-1114)дир.

Илм аҳли орасида авҳли сунна ва-л-жамоа мутакаллими сифатида маълум бу алломанинг бизгача етиб келган асарларидан бири "Баҳру-л-калом" ("Сўзлар денгизи") барча замонларда ҳам аксар кўпчилик олимларда катта қизиқиш уйғотган. Тўлиқ номи "Баҳру-л-калом фи илми-л-калом" ("Калом илмида сўзлар денгизи") бўлган бу нодир манба алломанинг бизгача етиб келган асарларидан энг биринчи нашр этилгани ҳам ҳисобланади<sup>1</sup>. Эътиборга молик жиҳати, мазкур асар 2013 йил ўзбек тилига ҳам таржима қилиниб, айрим изоҳлар билан, кам нусхада бўлса-да, Имом Бухорий халқаро маркази нашриётида чоп этилди<sup>2</sup>.

Бу асар учун мотуридия таълимоти асосчиси Абу Мансур Мотуридийнинг "Ат-Тавҳид", ашъария ақидавий мазҳаби етакчиси Абу-л-Ҳасан Ашъарийнинг "Ал-Лумаъ" ва "Мақолоту-л-исломийин", Имому-л-Ҳарамайн Абу-л-Маълий Абду-л-Малик Жувайнийнинг "Ал-Иршод" асарлари манбавий асос вазифасини бажарган<sup>3</sup>.

"Баҳру-л-калом"да юқорида зикр этилган асарлар сингари илму-л-усул ҳақида сўз боради. Аммо улар ўртасидаги фарқ режа, боблар, фасллар ҳамда ёзилиш услубида кўзга ташланадики, "Баҳру-л-калом"да ўрганилаётган масалалар ҳақидаги жиддий, кўпчилик оддий мусулмонларни ҳам қизиқтирган муаммоларга кўпроқ эътибор қаратилган. Муаллиф ўзининг ушбу асарида аввал аҳли суннага рақиб саналган олимларнинг бирор масала хусусидаги фикрларини зикр этади ва кейин уларга нақлий, яъни Қуръони карим оятлари ҳамда ҳадиси шарифларга таянган раддиялар беради. Зарур



<sup>1</sup> Илк марта 1886 йили Бағдодда тош бомада, кейин 1911 йил Мисрда қайта нашр этилган. 1997 йил эса Валлийуддин Муҳаммад Солиҳ аз-Фарфур томонидан Дамашқда чоп этилган.

<sup>2</sup> Қаранг: Насафий Абу-л-Муъин. Калом илмида сўзлар денгизи. Араб тилидан Н.Даминов ва А.Ибрагимов таржимаси. -Самарқанд: 2013.

<sup>3</sup> Уватов У. Буюк алломаларимиз. -Т.: Тошкент ислом университети, 2002. 47-49-бетлар.

топса, ақлий далил билан фикрини қувватлайди. Насафий, шу тариқа, ҳар бир масала бўйича аҳлу-с-сунна ва-л-жамоанинг қарашларини кўрсатади. Аллома ҳатто бу асарнинг бўлимларида берилган сарлавҳалари остидан "Муътазила шундай деган", "Қадарийлар шундай деган", "Рофизийлар шундай деган", "Бизнингча, шундай" каби ибораларни келтириб, шу фирқаларнинг у ёки бу масаладаги қарашларини баён қилади ва лозим топса, улар билан мунозарага киришади.

"Баҳру-л-калом" мазкур йўналишда яратилган асарлардан бир неча жиҳати билан аҳамиятли.

Авваламбор, "Баҳру-л-калом" динда мунозара ва муноқашанинг жоизлиги, илм ва унинг чегара доираси, илмнинг ақлдан афзаллиги, кимга ваҳий етказилади, ваҳийга ноил инсоннинг ақл-идрок соҳиби эканлиги, имон келтирмаган инсон узрга лойиқми ёки йўқ, имон шартларини билмаган инсон мўъмин ҳисобланадими, йўқми, Аллоҳнинг сифатлари ва унинг исмлари, борлиқдаги мавжудотлар ва уларнинг турлари, Қуръони карим махлуқми, исм ва мусамма, ризқ-рўз, имон камаядими, мушрикларнинг болалари ҳақида қандай ҳукм жоиз, шайтон васвасаси борми, фақирлик афзалми ёки бойлик, бандаларнинг аъмол (хатти-ҳаракат)лари, самъиёт, авлиёларнинг кароматлари, имомат, саҳобалар ичида афзаллари борми каби масалалар таҳлил этилган муҳим ақидавий асардир. Унинг тили содда, равон. Осон тушунилади. Далиллари қатъий ва ишончли. Насафий ўзининг аввал нақлий, кейин ақлий тартибидаги далилларини қатъий кетма-кетликда келтиради.

Иккинчидан, асарда ўрта асрларга хос ботиния, ибोҳия, санавия, жабария, жаҳмия, хорижия, даҳрия, рофизия, шиа, қадария, карромия, мутақашшифа, мужассима, мушаббихия, муътазилия, муаттила, мафруғия, нажжория сингари адашган тоифалалар билан бир қаторда ашъария ақидавий мазҳаби ҳақидаги маълумотлар ҳам келтирилган бўлиб, уларга керакли ўринларда зарурий раддиялар берилган. Бундан асарнинг ислом номи остида фаолият кўрсатиб, бузгунчилик билан шуғулланган фирқалар, уларнинг қарашларидаги ўзига хос жиҳатлар, айниқса, улардан таъсирланиб, гоёларини қабул қилган кейинги давр оқимлари ҳақида муҳим маълумотларни билишдаги қиммати кўзга ташланади.

Асарнинг айрим ўринларида баъзи фирқаларга бир жумла орқали тўлиқ таъриф берилади. Насафий, жумладан, рофизийларнинг "Абу Бакр ва Умар халифалигини инкор этувчи асли шиа йўналишига мансуб"<sup>4</sup> фирқа эканлигини таъкидлайди ва бу билан узундан-узун таърифдан чекинади. Аммо кўриниб турганидек, мана шу биргина ифода рофизийларнинг асли ким эканлигини тўла англади турибди. Бундан ташқари, Насафий таърифи шиа йўналишининг рофизийларга мансуб ҳисоблайдиган баъзи қарашларни инкор этиб, аксинча эканлиги аён бўлади ҳамда шу билан мазкур масаладаги чалкашликларга ҳам барҳам берилади. Шунингдек, Абу-л-Муин Насафий

<sup>4</sup> Қараи: Абу-л-Муин Насафий. Калом памида сўзлар денгизи. -Самарқанд: 2013. 9-бет.

гоявий яқин бўлган бир нечта фирқани бирлаштириб, уларнинг асл мақсадлари инсонлар томонидан осон тушунилишига эришган: "Хорижийлар катта гуноҳ (гуноҳи кабира) содир қилган одам кофир бўлишини таъкидлайдилар. Шунингдек, улар: "Али боғийларни ўлдиргани учун кофир бўлди", - дейишади. Муржийлар эса гуноҳ имонга, тоат эса куфрга зарар ҳам, фойда ҳам етказмаслигини таъкидлайдилар. Жабарийлар фикрига кўра, банда куфру исёнга мажбур қилингандир. Муътазилийларнинг қарашлари бўйича, инсон ўзи содир этган катта гуноҳ орқали имондан чиқади, аммо куфрга кирмайди<sup>5</sup>, яъни кофир бўлмайди"<sup>6</sup>. Юқоридагилардан мазкур фирқаларнинг бир - катта гуноҳ ва унинг имонга таъсири масаласи бўйича баҳсу мунозаралар натижасида вужудга келганлиги маълум бўлади.

Учинчидан, асарда 244 ўринда Қуръон оятлари, шунингдек, 84 ўринда ҳадис далил сифатида келтирилган. Зикри келган оятларнинг барчаси аҳли сунна эътиқоди ҳимоясига хизмат қилган. Насафий далилларидаги ҳадиси шарифларнинг кўпчилиги саҳиҳ бўлиб, уларни "Саҳиҳу Бухорий", "Саҳиҳу Муслим", "Сунан Ибн Можа", "Сунан Абу Довуд", "Сунани Термизий", "Сунан Дор Кутний", "Сунан Насойй" каби дунё илм аҳли тан олган муътабар манбаларда учратиш мумкин. Бундан кўриниб турибдики, Абу-л-Муин Насафий ўзи ифодалаётган фикрларга асосан нақлга таянган ҳолда далил келтирган.

Тўртинчидан, асар библиографик жиҳатдан ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Унда 52 шахс номи зикр этилган бўлиб, улар орасида Умар ибн Аби Толиб, Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толиб, Оиша бинт Аби Бакр Сиддиқ, Абу Ҳанифа ибн Нуъмон, Анас ибн Молик, Абу Мансур Мотуридийдек ислом дини равнақиға буюк ҳисса қўшган сиймолар, шунингдек, тарихда муносиб из қолдирган Ҳорун Рашид каби халифалар билан бир қаторда динимизнинг асл манбаиға ўзининг вайронкор гоёлари билан путур етказган Жаҳм ибн Сафвон, Восил ибн Ато Ғаззол сингари шахслар бор. Муаллиф ўз асарида бу инсонлар ҳақида қимматли маълумотларни келтириб ўтган. Жумладан, Абу Мансур Мотуридийни ҳидоят байроғи (аламу-л-худо) деб атар экан, буюк мутакаллимнинг "Имон фақат тасдиқнинг ўзидан иборат"<sup>7</sup> экани ҳақидаги фикрларини келтириб, унинг далили сифатида Яъқуб (а.с.)нинг ўғиллари хабари ҳақидаги "Рост гапирсак ҳам, (барибир) Сиз бизга ишонувчи эмассиз"<sup>8</sup> оятини келтиради.

Асарда муътазилиянинг пайдо бўлишиға тегишли қизиқ маълумотларни ҳам учратиш мумкин: "Биринчи бўлиб, муътазила мазҳабини ташкил қилган киши Восил ибн Атодир. Унинг издоши Амр ибн Абиддир. Булар Ҳасан Басрий (р.а.)нинг шогирдларидир. Ҳорун Рашид ҳукмронлиғи даврида Абу

<sup>5</sup> Бу муътазилияда "маъзилатаун байна-л-маъзилатайн" - "икки макон ўртасидаги бир макон" деб аталади.

<sup>6</sup> Қаранг: Абу-л-Муин Насафий. Калом илмида сўзлар денгизи. -Самарқанд: 2013. 46-бет.

<sup>7</sup> Қаранг: Абу-л-Муин Насафий. Калом илмида сўзлар денгизи. -Самарқанд: 2013. 22-бет.

<sup>8</sup> Қуръони карим. Юсуф сураси, 17-оят. 237-бет.


*Abu-Muin Nasafiyning "Bahru-l-kalom" asari - moturidiqat  
ta'limoti targ'iboti bo'g'icha muhim manba*

Хузайл Аллоф номли муътазиллий чиқиб, уларга бир қанча китоблар ёзиб берди. Шу билан, муътазиллий қарашларини баён этувчи анча илм тўплади. Бу "беш усул" деб номланади. Бирорта инсонни кўриб қолишса, дарров сўрашарди: "Усули хамса" - "Беш усул"ни ўқиганмисан? "Ҳа", - деса, демак, ўзларининг мазҳабидан эканлигини билишар эди".

Беш усул: адолат, тавҳид, ваъд, ваид, оралиқ (байн-байн)<sup>9</sup> масаласидир"<sup>10</sup>.

Бешинчидан, асар этимологик жиҳатдан ҳам муҳимдир. Насафий Арш масаласида фикр юритиб, шундай ёзади: "Карромия фирқаси: "Аллоҳ Аршга ўрнашганда Арш тўлди", - дейишади. Бунга "(У) Арш узра "муставий" бўлиши Раҳмондир"<sup>11</sup> оятини далил келтиради. Аммо аҳли тафсир "иставо"ни

"ғола", яъни "ғолиб бўлди" маъносида шарҳлайди. Форсча "бар Арш Подшоҳаст" - "Арш узра шоҳдир" дейилган... Молик ибн Анасдан ривоят қилинади, у киши айтади: "Баробар бўлиш мажҳул, яъни номаълум, қандай содир бўлиши ақлга сиғмайди. Шу сабаб унга ишониш вожиб, у ҳақида сўраш эса бидъатдир". У зот иставо ҳақида сўраган кишига қараб: "Сени



адашган деб ўйлашман", - дедилар ҳамда уни ўлдиришга буюрдилар. У кофир Жаъд ибн Дирҳамнинг шогирди Жаҳм ибн Сафвон бўлиб чиқди."<sup>12</sup> Калом илмига оид истилоҳларнинг изоҳ ва маънолари билан шарҳланиши бугунги кун учун ҳам ўта аҳамиятли ҳисобланиб, масалага бу тарздаги ёндашув тадқиқотчиларга муайян енгиллик яратади.

Хулоса ўрнида пуни айтиш мумкинки, Абу-л-Муин Насафийнинг асарлари, хусусан, "Баҳру-л-калом фи илми-л-калом" мазмун-моҳияти, аҳамияти ва долзарблиги жиҳатидан ҳозирда ҳам ўз муҳимлигини йўқотган эмас. Шу сабаб, тадқиқотчи олимлар ўз изланишлари, олиб бораётган тарғибот-ташвиқот ишларида бу каби нодир манбалардан унумли фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир.

<sup>9</sup> Усули хамса таркибига "ал-амру би-л-маъруф ва-н-наҳйи аш-шай-л-мунакар", яъни "яхшиликка йўллаш ҳам ёмонликдан қайтариш" ҳам киради. Аммо асарда бу банд тушириб қолдирилган.

<sup>10</sup> Қаранг: Абу-л-Муин Насафий. Калом илмида сўзлар денгизи. - Самарқанд: 2013. 74-бет.

<sup>11</sup> Қуръони карим. "Тоҳо" сураси. 5-оят. 312-бет.

<sup>12</sup> Абу-л-Муин Насафий. Калом илмида сўзлар денгизи. - Самарқанд: 2013. 29-бет.

# JIZZAX QO‘ZG‘OLONI:

## TURKISTONDA 1916 YILDAGI MILLIY OZODLIK HARAKATIDA TUTGAN O‘RNI VA TARIXIY AHAMIYATI

Тарихга "мардикорлар қўзғолони" номи билан кирган 1916 йилдаги Ўрта Осиё қўзғолони Россия империясининг Туркистон минтақасидаги мустамлакачилик сиёсатига қарши қаратилган эди. Қўзғолонда Туркистондаги барча туб аҳоли вакиллари, хусусан, ўзбеклар ва қozoқлар фаол қатнашди.

Қўзғолон бошланишига Россия императори Николай IIнинг 1916 йил 25 июнда чиқарган "Империядаги "бегона" халқлар эркак аҳолисини ҳаракатдаги қўшин ҳудудида муҳофаа иншоотлари ва ҳарбий иншоотлар бўлган истеҳкомлар қуриш, шунингдек, давлат муҳофааи учун зарур бўлган ҳар қандай ишларга жалб этиш тўғрисида"ги фармони<sup>1</sup> сабаб бўлди. Фармонга кўра Россия империясининг 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган "бегона" халқлар эркак аҳолиси ҳаракатдаги қўшин ҳудудида муҳофаа иншоотлари ва ҳарбий истеҳкомлар қурилишига уруш давомида жалб қилиниши ҳамда Туркистон минтақасининг Сирдарё, Фарғона, Самарқанд, Оқмўла, Семипалатинск, Еттисув, Урал, Тўрғай ва Закаспий областларининг "бегона" аҳолиси сафарбар қилиниши керак эди<sup>2</sup>.

1916 йил 29 июнда Санкт-Петербургдан Туркистон ўлкаси маркази Тошкентга юборилган махсус телеграммада айтилишича<sup>3</sup>, биринчи босқичда Туркистон ўлкаси қатъий наряд асосида 250 000 нафар ишчи кучи (мардикор) етказиб бериши керак эди. Телеграммада дарҳол ушбу миқдорни ўлканинг вилоят, уезд, бўлис ва қишлоқ жамоалари бўйича тақсимлаш ва уни амалга ошириш кўрсатилган эди. Самарқанд областида (унинг таркибига Жиззах уезди ҳам кирган) 38 000 нафар ишчи кучи сафарбар қилиниши керак бўлган<sup>4</sup>. Жиззах уездида 9580 нафар киши фронт орти ва ҳаракатдаги армия ҳудудидаги ишларга сафарбар қилиниши керак эди<sup>5</sup>.

Жиззах уезди бошлиғи полковник Рукин 1916 йил 4 июлда Жиззах эски шаҳар қисмидаги Жомеъ масжидида шаҳарнинг барча оқсоқоллари,

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (Ўзбекистон МДА), И-1-фонд, 31-рўйхат, 1100-иш, 3-варақ; Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане. Сборник документов. -Москва: Издательство СССР, 1960. - 25-26 стр.

<sup>2</sup> Чориев З. Туркистон мардикорлари: сафарбарлик ва унинг оқибатлари (1916-1917 йиллар). -Тошкент: "Шарқ", 1999. 39-40-бетлар.

<sup>3</sup> Ўзбекистон МДА, И-1-фонд, 31-рўйхат, 1110-иш, 144-166-варақлар.

<sup>4</sup> Туреунов Х. Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане. -Ташкент: Государственное издательство Узбекской ССР, 1962. -192 стр.

<sup>5</sup> Ўзбекистон МДА, И-1-фонд, 31-рўйхат, 1159-иш, 135-варақ.

мингбоши, эликбоши ва йирик бойлари иштирокида катта йигилиш ўтказди. Рукин йигилиш аҳлига сафарбарлик тўғрисидаги подшо фармони бажаришда фаол иштирок этиш ва аҳоли орасида тушунтириш ишлари олиб бориш лозимлигини уқтирди<sup>6</sup>.

13 июль куни эрталаб газаб отига минган халойиқ Жиззахнинг эски шаҳар старшинаси Мирзаёр Худоёрхонов олдига келиб, ундан мардикорлар рўйхатини беришни талаб қилади<sup>7</sup>. Аммо у рад жавобини бериб, халойиқни дарҳол уйларига тарқалиб кетишларини талаб қилади. Газабнок халойиқ унга ҳужум қилиб ўлдиради. Шу тариқа Жиззахда қўзғолон бошланиб кетади.

Қўзғолончилар билан тўқнашув вақтида Жиззах уезди ҳокими Рукин, пристов, штабс-капитан Зотоглавов, уларнинг қўриқчиси Комил Соиббаев ва таржимон Мирза Ҳамдам ўлдирилади. Қўзғолончилар янги шаҳар томон йўл олишади, улар йўлда Афанасьев ҳарбийлари билан тўқнашади. Қўзғолончилар Афанасьев гуруҳини қуршаб олмоқчи бўлганида улар милтиқлардан ўқ узишади. Тўқнашувда қўзғолончилардан 11 киши ҳалок бўлади, қолганлари тарқалиб кетади. Афанасьев аскарлари эса янги шаҳарга қайтишади<sup>8</sup>.

Жиззах шаҳрида қўзғолон бошланганлиги тўғрисидаги хабар тез орада уезднинг барча бўлис ва қишлоқларига етиб боради. Жиззах шаҳри атрофидаги қишлоқларда яшовчи аҳоли қўзғолончиларга ёрдам бериш учун эски шаҳар томон шошиладилар. Қўзғолончилар ҳукумат аскарларига қарши ҳужум уюштириш учун уйма-уй кириб қурол-яроғ тўплашади ва аҳолини Россия империяси мустамлакачиларига қарши курашга даъват қилишади.

Жиззах шаҳри қўзғолончиларининг дадил ҳаракатлари таъсирида уезднинг деярли барча бўлисларида халқ қўзғолонлари алангаланиб кетади. Айниқса, Ём бўлисининг Чуқуртоғ қишлоғи, Сангзор, Зомин, Богдон бўлиси ҳуаудларидаги халқ ҳаракатлари ўзининг оммавийлиги ва ташкилий жиҳатдан уюшқоқлиги билан ажралиб туради<sup>9</sup>.

Жиззах шаҳридаги қўзғолонга Назирхўжа Эшон, Зоминдаги халқ ҳаракатига Қосимхўжа Эшон Отауллаев, Сангзорда кўтарилган қўзғолонга эса қози Тўрақул ва унинг укаси Эшонқул Тўрабековлар раҳбарлик қилишди<sup>10</sup>. Тўрақул ва Эшонқулнинг отаси Россия империяси босқинига қадар Бухоро амирлигидаги Жиззах беклигида қоровулбеги, тоғаси эса Сангзорда бек бўлишган.

Хуллас, қўзғолончилар сафи кенгайиб, Жиззахни босқинчилардан озод қилиш ва мустақил беклик тузиш режаси илгари сурилади. Назирхўжа Эшон Жиззах беки деб эълон қилинади. Кейинчалик Тўрақул Тўрабеков Сангзор беки ва Қосимхўжа Эшон ҳам Зомин беки деб эълон қилинган.

<sup>6</sup> Хайдаров Ҳ. Жиззах тирлихидан лавҳалар. Тошкент: "Меҳнат", 1992.35-бет.

<sup>7</sup> Ўзбекистон МДА, И-276-фонд, 2-рўйхат, 147-ши, 60-61-варақлар.

<sup>8</sup> Ўзбекистон МДА, И-1-фонд, 31-рўйхат, 1100-ши, 20-34-варақлар.

<sup>9</sup> Чориев З. Туркистон мардикорлари: сафарбарлик ва унинг оқибатлари. 70-бет.

<sup>10</sup> Ўзбекистон МДА, И-21-фонд, 2-рўйхат, 49-ши, 43-варақ; И-1-фонд, 31-рўйхат, 1100-ши, 234-237-варақлар.

Қўзғолончилар темир йўл станциялари ва кўприкларга ҳужум қилиб, уларни яксон қилганлар ҳамда телеграф симларини узиб ташлаганлар. Улар алоқа воситаларини яксон этиб, ҳукуматга Марказдан ёрдам кучи келмаслигига уринганлар.

Жиззах қўзғолони раҳбарлари Назирхўжа Эшон ва Абдураҳмон Жевачи атроф қишлоқ ва овулларга чопарлар юбориб, ўзлари ҳам бориб халқни курашга чорлайдилар. Абдураҳмон жевачи Бухоро амирига мурожаат қилиб, ундан ёрдам сўрайди, бироқ мактуб Россия империяси миршаблари қўлига тушиб қолади. Жиззахдан Работ, Боғдон, Хайробод, Фориш, Сентоб, Нурота каби шаҳар ва қишлоқларга чопарлар юборилиб, маҳаллий аҳоли курашга даъват этилади. Ниҳоят Жиззах яқинидаги Куябошида 4000 нафар аҳоли тўпланиб, улар кетмон, белкурак каби "ибтидоий" қуроолар ҳамда оз миқдорда милтиқ билан қурооланишди.

Жиззахга қўзғолончиларни жазолаш учун 15 июлда полковник П.Иванов бошчилигидаги жазо отряди юборилади. Бутун уездга полковник Иванов тайёрлаган эълонлар тарқатилди. Унда барча қўзғолончилар қириб ташланиши, уларнинг мол-мулки мусодара этилиши таъкидланди<sup>11</sup>. 17 июлда Туркистон генерал-губернаторлигида ҳарбий ҳолат жорий этилди.

17 июлда полковник П.Иванов қўзғолончиларга қарши аёвсиз кураш бошлайди. Жазо отрядлари 18 июлда Жиззахнинг эски шаҳар қисмини бутунлай эгаллаб, шаҳарда қўзғолонни тўла бостиришга муваффақ бўлишади. Аҳоли жазо отряди таъқибидан қочиб, Бахмал, Зомин ва Галлаорол ҳудудларидаги тоғларга чиқиб кетишади. Жазо отряди тоққа қочган аҳолини таъқиб қилиб бориб, уларнинг кўпини қириб ташлайди.

Жазо отрядлари Жиззах шаҳри ва Равот, Қоратош, Сангзор, Боғдон, Фориш, Янгиариқ, Сентоб, Ўснат, Қоратол, Қизилқум, Чордара, Кўктепа, Қўргонтепа сингари ўнлаб қишлоқларда ёвузликлар қилиб, мингларча тинч аҳоли вакиллари қириб ташлайди. Бироқ кураш тўхтамайди.

Боғдондан келган қўзғолончилар 21 июлда Жиззах яқинидаги Қили ёнида жиззахлик қўзғолончилар билан бирлашиб, полковник Афанасьевнинг жазо отрядига ҳужум қилиб, уни чекинишга мажбур этишган<sup>12</sup>. Бироқ ёрдамга етиб келган полковник Ивановнинг жазо отряди қўзғолончиларни бир-биридан ажратиб ташлашга муваффақ бўлади. Назирхўжа эшон ва Абдураҳмон жевачи бошчилигидаги қўзғолончилар Қили жангида Россия империяси қўшинларидан мағлубиятга учрайди. Қўзғолон раҳбарлари Назирхўжа Эшон ва бошқалар қўлга олиниб, зудлик билан Россия империяси маъмурлари томонидан ўлим жазосига ҳукм қилинади.

Бутун туркистон минтақасини ларзага солган Жиззах қўзғолони ана шундай мағлубият билан тутади. Россия империясининг маҳаллий

<sup>12</sup> Жиззах қўзғолони //Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.3. -Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти. 2002. 599-600-бетлар.

<sup>13</sup> Кастельская З.Д.Основные предпосылки восстания 1916 года в Узбекистане. -Москва: "Наука", 1972. 112-113 стр.

маъмурлари қўзғолончилардан аёвсиз ўч олди. Қўлга олинган қўзғолончилар ва тинч аҳоли вакиллари оммавий тарзда ўлдирилди ҳамда узоқ ўлкаларга бадарга қилинди.

Россия мустамлакачилари томонидан 3 августда Жиззахда уч кун ичида галаён айбдорларини топиш, агар улар тутиб борилмаса, аҳолиси ва уй-жойларини йўқ қилиб ташлаш буюрилди. Қўзғолон раҳбарлари қўлга олиниб, ўлим жазосига ҳукм қилинган бўлса ҳам, маҳаллий аҳоли орасидаги ҳукуматга қарши кайфиятдаги одамларни йўқ қилиш учун шундай чора белгиланди. Орадан уч кун ўтгач, 7 август куни буйруқ бажарилди. Жазо отрядлари Жиззах шаҳри аҳолисини бир жойга тўпладилар. Тинч аҳолини пулемёт ўқлари остида шаҳардан қувиб, чўлга ҳайдадилар. Уларнинг кўпчилиги болалар, аёллар ва қариялар бўлиб, беаёв жазоланди.

Эски Жиззах аёвсиз тўпга тутилиб, шаҳар бутунлай вайрон қилинди ва ёндириб ташланди. Ўн минглаб кишилар бошпанасиз ва уй-жойсиз қолишди. Туркистондаги қадимий шаҳарлардан бири бўлган Жиззах ўрнида фақат харобалар ва култепалар мунгайиб қолди. Жиззахда рус аскарларини ўлдиргани учун маҳаллий аҳолининг 1810 десятина энг ҳосилдор ери тортиб олинди. Мингдан ортиқ киши қамоққа олиниб, уларнинг кўпи қатл этилди ва сургун қилинди. Тинч аҳолини қириб, "қаҳрамонлик" кўрсатган полковник П.Иванов Фаргона области ҳарбий губернатори лавозимига кўтарилди<sup>13</sup>.

Бу фожиалар ҳақида Туркистон тараққийпарварларидан Мустафо Чўқай ва Убайдулла Хўжаев Петроградга бориб, Россия Давлат Думасига арз қилдилар. Россия Думаси уларнинг талаблари асосида махсус комиссия тузиб, Туркистон ўлкасига юборди.

Комиссия аъзолари Жиззахда ҳам бўлди. Кейинчалик Думанинг ёпиқ мажлисида бўлиб ўтган муҳокамада (1916 йил 13-15 декабрь) бу ҳақда депутат А.Керенский шундай деган эди: "Мен Жиззах вайронларини бориб кўрдим, жаноблар, мен икки фронтда - Кавказ ва Гарбий фронтда бўлганман, лекин бунақасини ҳали кўрмаганман".

Жиззах қўзғолони Туркистон тарихида ўзидан "Жиззах фожиаси" деган ном қолдирди. Жиззах қўзғолони тўғрисида Ўзбекистонда ХХ асрда кўплаб илмий тадқиқотлар яратилди. Бу мавзуда ўзбек шоир ва ёзувчилари бадий асарлар ёздилар, ўзбек тарихчи олимлари диссертациялар ҳимоя қилишди ҳамда тарихий монографиялар чоп этишди. Ўзбек бахшиси Фозил Йўлдош ўғлининг "Жиззах қўзғолони" достонида<sup>14</sup> қўзғолон жараёни тўлиқ ўз бадий аксини топган.

<sup>13</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-китоб. Туркистон чор Россияга мустамлакачилиги даврида. Тошкент: "Шарқ", 2000, 424-бет.

<sup>14</sup> Қаранг: Фозил Йўлдош ўғли. Жиззах қўзғолони. Ёзиб олувчи: Маҳмуд Зарифов. Нашр қилувчи: Ходӣ Зариф // Дастағул. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Достонлар. - Тошкент: "Тошкент" бадий адабиёт нашриёти, 1965, 57-106-бетлар.



# **TEMURIYLAR DAVLAT BOSHQARUVIDA ADOLAT MEZONLARI**

Жаҳонгир Амир Темур ўзбек давлатчилиги тарихида муносиб ўрин тутган ва унинг давлат бошқаруви маданиятини дунёнинг жуда кўп давлатлари ҳукмдорлари ўз амалиётларида қўллаган буюк ҳукмдор сифатида тан олинган. Европа дунёсида уйғониш асри сифатида тарих саҳифаларига муҳрланган 16-18- асрда Шарқ дунёсидан талайгина маънавий мерос ва маданиятни ўзлаштирган ва ўз амалиётларида қўллаган бир давр сифатида эътироф этиб келинади.

Сир эмаски, немис шарқшуноси Адам Мец томонидан илгари сурилган, цивилизация бешиги, деб аталган ҳудуд Урта ер денгизидан то Ҳиндистон субконтентига қадар юртларни ўз ичига олган. Модомики шундай экан, Турон мулки ҳам шу ҳудудга киришининг ўзи юқоридаги фикрларга жуда мос келади. Турон цивилизацияси Заратуштра давридан (милoddан аввалги VIII-VII асрлар) то Муҳаммад пайгамбар замонасигача (VII-VIII асрлар) ўз бошидан қанча инқирозлар ва эврилишларни кечирди. Қадимги юнон тарихчиси Диодор: "Бақтрия минг шаҳарли мамлакат" деб бежизга айтмаган. X асрда Гурганж академиясининг барпо этилиши, буюк олиму фузалоларнинг дунёга келиши ва оламни ҳайратга солиши бу фикрларимизнинг ёрқин ифодасидир. Қадимдан ўз давлат бошқарув ва адолат маданиятига, Низомулмулкдек доно сиёсатдонларига эга бу замин қисқа вақт мугуллар босқини даврида бир нафас тин олди.

Мугуллар босқини ўзбек давлатчилиги тарихида тургунлик ва таназзул даври сифатида амал қилиб келган бўлса, Жаҳонгир Амир Темурнинг сиёсий саҳнага чиқиши Турон заминда иқтисодий, маънавий ва сиёсий юксалиш даврини бошлаб берди. Сир эмаски, Темурбекнинг Турон тахтига чиқиши барча ички низоларга, иқтисодиётдаги тургунликка, маънавиятдаги қашшоқликка, сиёсатдаги камситишликка чек қўйди.

Буюк ҳукмдор ҳокимиятни қўлга олиши билан ўз фуқароларини мугуллар асоратидан холос қилибгина қолмай, уларни мамлакат ичкарисидаги маҳаллий маъмурлар, амалдорлар тазийқидан ҳам халос этди. Давлат бошқарувида мисли кўрилмаган оқилона иқтисодий, маънавий ва сиёсий ислохотлар тизими ишлаб чиқилиб, мамлакат ҳаётига жорий этилди. Юрт фуқароларига эркин меҳнат қилиши ва ўз меҳнати мевасидан баҳраманд бўлиши имконияти яратилди.

Мустаҳкам қонун устуворлиги жорий этилди. Бу ишда буюк

Соҳибқироннинг ўзи ҳам ибрат намунасини кўрсатди. Асрлар давомида давлатнинг ривожланишига тўсқинлик қилиб келган порахўрлик иллатига кескин кураш эълон қилди. У барча ишни ҳамда давлат бошқарувини ўз "Тузуқлари" да битилганидек адо этди. Ижтимоий ва сиёсий адолатсизликка нафақат мамлакат ташқарисида, балки ичқарисида ҳам бирдек талаб жорий этди. Давлат бошқарувида ижро интизомини жуда қаттиқ ушлади. Ўз фармонлари бажарилишини шахсан ўзи назорат этди. Амирларнинг ахборотларини фақатгина эшитиб қаноат қилмасдан, ижро интизومي ва унинг самарасини ақл кўзи билан ҳис қилиб турди. Мамлакат ичқарисида ўғирлик, талончилик, порахўрлик каби ножоиз иллатларга барҳам бериш учун барча имкониятларини ишга солди.

Темурбек давлат манфаатларини ҳалқ манфаатлари дея билди. Бу жараёнга ўша давр муаррихларигина эмас, ўзга ўлкалардан келган холис тарихчилар эътирофи аниқ шаҳодат бериб турибди. Темурбек ташқи сиёсатда ҳам мамлакат ичқарисида ҳам ҳарбий сиёсатда ҳам ўта сергак ва маёқ эди.

Буюк Амир ҳамма нарсага улгурар, савдо сотиқ, молия-солиқ ва пул муомаласи муносабатлари, давлат ва маҳаллий маъмурлар фаолиятини ўз назорати остига олди. Бозорлардаги нарх-навони ва улардан давлат хазинасига тушумни қаттиқ назорат остига олар, бозор кадхудолари ва давлат хазинасига пул тушими назоратчилари ишини зинҳор ўз диққат марказидан қочирмас, унинг бу сиёсати эса давлат хазинасига асоссиз солиқ ва йигимларни кўпайиб фуқаролар гарданига юк бўлиб тушишини олдини олар эди.

Бозорлар ва ундаги нарх-наволар юртнинг ойнаси ва фуқаронинг турмуш тарзини ифода этувчи мезонлардан бири сифатида қаралди. Араб муаррихи Ибн Арабшоҳнинг ёзишича "Амир Темур даврида халқ манфаатларини кўзлаб, бозор, нарх-навони махсус текширувчилари бўлиб, улар вазнлар (тош-тарози), нарху наволар тўғрисида унга зикр қилиб, манзилу шаҳарларни тавсифлашган". Қозихона ва миршаблар фаолиятини қаттиқ назоратда тутар, ҳукми шарият буюрган тарзда амалга оширилишини ўз назоратида ушлар эди.

"Тузуқлар" да баён этилганидек, кенгашлар, қурултойлар, машваратлар кун тартибига асосан ўтказилар ва кун тартибидан чиқилмас, ҳаммани эшитар, қарорлар кўпчилик овоз билан қабул қилинар, албатта бу ерда ҳукмдорнинг фикри биринчи ўринда турар ва қарорларни бажарилиши муддати ҳамда масъул шахслар белгиланиб адолатсиз ижрога йўл қўйилмаслигини ўз назорати остида тутиб турар эди.

Мамлакат ичқарисида қоровуллик хизмати ташкил этиб унинг ижроси буюк Амир ва унинг давлат хизматчилари назоратида эди. Қишлоқлар, овулар, йўлларда фуқаролар хавфсизлигини сақлашни давлат ва унинг амалдорлари зиммасига юклар ижрони мунтазам таъмин этилишига эришар эди. Темурбек ўзидан олдинги ҳукмдорлар қурби етмаган қуйидаги тадбирларни қўлади; 1. Агар бирор шаҳарда ўғирлик содир этилса, ўша шаҳар ҳокими жавоб беради; 2. Архиепископ Иоаннинг ёзишича, Темурбекка

тобе бирон мамлакат худуида савдогарнинг моли ўтирланса, йўқолган мол-мулк қиймати ўша мамлакат фуқаролари икки баравар хун сифатида тўлардилар, бундан ташқари ҳар бир йўқотиш учун Темурбек хазинасига беш баравар жарима ўтказиларди.

Мамлакатдаги ижтимоий аҳволни, оддий фуқароларни яшаш тарзидан келиб чиқиб, мамлакатдаги ички вазиятни тўлиқ таҳлил этар ва кескин хулосалар чиқара олар, қабул қилган қарор ва фармонлари ижросини бирор лаҳза ҳам ёдидан чиқармас эди. Ёлғончилар, мунофиқлар, хиёнаткор-порахўр амалдорлар ҳукмдорнинг ашаддий душмани эди.

Буюк Соҳибқирон ҳукмронлиги йилларида аграр соҳада мисли кўрилмаган юксалиш, юрт маъмурчилиги, эркин тадбиркорлик қилиш муҳити яратилди. Бу ишда ҳам адолат ва уларнинг ҳимояси асосий ўрин тутарди. Темурбекнинг ҳукмронлиги йилларида деҳқонларнинг дон-дунлари ҳосилини омборлардан ортигини ҳатто улар ўз яшаш уйларига жойлаганлигини айтишнинг ўзи буюк ҳукмдорни адолатли сиёсатининг натижасидир. Халқ бойлиги юрт бойлиги сифатида қаралди. Кези келганда қурғоқчилик устма – уст келган йиллари ўз халқига ҳам суянди. Улар ўз давлати хазинасини қўлаб юртининг юкини кўтарган йиллари ҳам кўп бўлди. Темурбек адолатли ҳукмдор сифатида турли хил табиий офатлардан зиён кўрган қатламга ёрдам уюштирар ва қурғоқчилик келган йиллари ердан олинган ҳосил чўғига қараб солиқ юкини енгиллаштирар, бу жараённи эса шахсан ўз назорати остига олар эди.

Темурбек ўз мулкидаги ночор кишиларга давлатдан кўмак бериш, табиий офатлар натижасида бошпанасиз қолган фуқароларнинг уй жойларини тузатиб бериш каби ишларни давлат зиммасига олиб қилиб берган, турли хил хайрия тадбирлари ўтказиб ўз мулкидаги ночор ва имкониятсиз кишиларга кўмак бериш каби ишларни амалга оширар эди. Темурбек ночорларга нафақа тайин этиш сиёсати юритган. Ўз мулкидаги тиланчиларни иш билан таъминлашни давлат сиёсати деб билган. Гадоликни касб қилиб олган баъзи бир кишиларга қаттиқ интизомий жазо тайин этган. Буни ўз давлати шаънига иснод деб билган. Давлатда мазкур ишлар билан шуғулланувчи махсус девон хизмати мавжудлиги Темурбекнинг давлат бошқаруви маданиятининг юқори эканлигини кўрсатувчи мезонлардан биридир.

Темурбек оддий фуқаролар тақдирини ўз тақдири ва юрт тақдири деб билди. Келинг, бу ўринда Кастилия қиролиги элчиси Руи Гонсалис де Клавихонинг хотираларидан келиб чиқиб, бир воқеани эсга олайлик. "Темурбек етти йиллик ҳинд юришидан сўнг ўз одати бўйича шаҳар ташқарисида чодир тиктирди. Барча амалдорлар ҳам ҳукмдорнинг чодир атрофига ўз чодирлари тикди. Буюк Амир шу жойда фуқароларни арзларини тинглади. Биринчи бўлиб, экинчи сув бермаганлиги учун миробдан арз қилган деҳқонни арзини тинглаб ажрим чиқарди ва миробни жазолади. Сўнгра навбат пора олган Самарқанд шаҳри ҳокими ва уни товон тўлаб қутқармоқчи бўлган шеригига келди ва уларни ҳар иккисини ҳам аёвсиз

жазога тортди". Бу каби мисоллар талайгина бўлиб буюк амирнинг энг бебаҳо ва одил ҳукмдор эканлигига янада улканроқ салобат бахш этиб турибди.

Темурбек ташқи сиёсатида ҳам ҳарбий амалиётда ҳам мард ва одил эди. Ўзига раво кўрмаган адолатсизликни ҳатто ғанимларига ҳам раво кўрмасди. Соҳибқирон шахсидаги мардлик ва ўзгаларга ҳурматни ёзувчи Муҳаммад Али қаламига мансуб "Улут салтанат" деб номланган тетралогиясида келтирилган бир воқеа билан изоҳлаш янада мақсадга мувофиқдир. Эрон ҳукмдори Музаффарийлар сулоласининг энг сўнгги вориси Шоҳ Мансур билан бўлиб ўтган жангда ғолиб Темурбек ўзининг хос жангчиларига рақиб ҳукмдорни топиб келтиришни буюради. Рақиб ҳукмдорни ўликлар орасидан тириклайин топиб ва уни ўз сўзларидан сўнг билиб қолиб, Шоҳ Мансурнинг бошини кесиб келтирган майманалик жангчини тинглаб, ҳамиша мардлар мағлуб ва қўрқоқлар ғолибдир, - дейди норози қиёфада. Ишидан мукофот кутиб турган майманалик жангчига қарата Темурбекнинг бу эътирози буюк Амирнинг феноменидаги энг ибратга лойиқ жиҳатлардан бири сифатида асар қийматини янада ошириб турибди. 1402 йил 20 июлдаги Анқара жангида мағлуб бўлиб асир тушган Боязид Йилдирымга нисбатан тутган йўли (бу масалада кўпгина Ғарб тарихчилари Боязидни қафасда сақлаган деб нотўғри талқин қилиб келган) ва уни ўлимидан қаттиқ қайғуга тушгани, унинг ўрнига ўғли Муродни Усмонли турклар давлати султони тахтига лойиқ кўрганлиги ва бу мулкнинг ҳудудий яхлитлигига алоҳида аҳамият берганлиги ҳам Темурбек шахсидаги алоҳида жиҳатлардан бири саналади. Чунки у хорлиқ ва адолатсизликни ҳатто ўз ғанимларига ҳам раво кўрмайди. Ҳатто ҳайвонлар, паррандалар, ўсимликлар оламига ҳам Оллоҳ буюрган тарзда ҳамият кўрса-тади.

Фатҳ этилган юртлар ҳукмдорлари ва фуқароларига ҳам омонлик бериб ўзининг улуғлигини намоён этиди. Душман юрти деб эмас, Оллоҳнинг ери дея у ерларда ҳам боғ барпо этиш, сув чиқариш ишларини амалга оширади. Амир Темур мутахассислар - меъморлар ва қурувчилар томонидан тасдиқланган аниқ режа-лойиҳа асосида Бойлақон қўرғон-шаҳрини ҳам тиклади, пишиқ гишдан кўпгина турар-жой бинолари, бозор, майдон ҳаммомлар қурдирган. Боғ хиёбон барпо этди. Аракс дарёсидан канал қаздириб, шаҳарга сув келтирган. Кўпгина фатҳ этилган шаҳарларни агар кескин қаршилик кўрсатмай унинг ҳокимиятини тан олган ҳолларда бузиш ва вайрон этиш ишларига йўл қўймаган.

Тарихда Темурбек шахсини аниқ баҳосини бериб турувчи мезонлар талайгина бўлиб, бу унинг шахсий ва оилавий ҳаётида ҳам давлат бошқарувида ҳам ўзга эл ва элатларга қилган муҳоробаларида ҳам янада теранроқ акс этган. Буюк амир хиёнатни асло кечирмас, адолатни оёқ ости бўлишини ўз шаънига ор деб билар, қўрқоқ ва хиёнаткор ҳамроҳлардан ҳамиша ўзини узоқ тутишга ҳаракат қилар эди. У душманига омонсиз, дўстларига меҳри балан шаҳс эди.

Темурбек ёшлигиданоқ ўзидаги салоҳиятни намоиш эта олиш иқтидорига эга бўлиб, бу эса Туронзаминни мўгуллар асоратидан озод қилишда ўз мевасини берди. Кичик қўшин билан кўп сонли мўгул босқинчиларини даф этди. 150 йил давом этган мўгуллар истибдодига унинг "Рости русти" шиори остидаги ҳаракати барҳам берди. Султон Соҳибқирон барча соҳада ибрат ва адолат кўрсатар, ҳатто қўшин бошлиқлари, сипоҳийларни фарзандларидан кам кўрмасди. Қўшинни бошқарган фарзандлари ҳам жанг пайтида жанговор намуна кўрсатиб ўз жонини хатарга қўйиб бўлса-да, галабани таъмин этиши талаб этилар. Бу эса Темурбек феноменидаги энг адолатли ва ибрат олса бўладиган жиҳатлар эди. Тарихчи Низомиддин Шомийнинг ёзишича, "Темурбек қўшни давлатлар ва унинг ҳукмдорлари билан адолатли ташқи сиёсат юритган. Фатҳ этилган мамлакатлар фуқароларига моли омон бериш, уларни мол-мулкларини қўшин сипоҳийларига талон-торож қилдирмасликни қатъий назорат қилган. Кераксиз жангу жадаллар ва йўқотишларга чек қўйди. Уларни суверенитетини ҳурмат қилди. Савдо сотиқда, дипломатияда юксак маданиятли ҳукмдор сифатида ўзини кўрсата олди.

Бугунги кунда Темурбек шахси ҳақида икки мингдан ортиқ асарлар чоп этилган бўлиб, уларнинг кўпчилиги чет элик темуршунослар ҳиссасига тўғри келади. Темур давлати сиёсатининг ибратли ҳамма жиҳатлари Гарб дунёси амалиётида қўлланди. Европа ва Россиянинг ҳарбий мактабларида Амир Темурнинг жанг санъати ва амалиёти чуқур ўргатилди.

Иқтисодий ва молиявий сиёсати Европа ва бошқа қўшни мамлакатлар ҳаётида жуда қўл келди. Дунёнинг жуда кўп мамлакатларида унинг солиқ сиёсати жорий қилинди. Чунки мамлакатда солиқ сиёсати адолатли сиёсат сифатида халққа манзур бўлган ва бошқа юртлар амалда қўллаши мумкин бўлган сиёсат сифатида эътироф этилган эди. Темурбек мамлакатда фақатгина ҳукмдор бўлиб эмас, фуқаронинг отаси сифатида шухрат топди. Илм-фан аҳлига ҳомийлик қилди, уларга катта эҳтиром кўрсатди, улфалар берди. Шу сабабли буюк ҳукмдорнинг барча сифатлари қирралари мана олти аср ўтса ҳамки, янада ёрқинроқ ва теранроқ аҳамият касб этиб бормоқда.

Гарчаң бу сиёсат Жаҳонгир Амир Темур вафотидан сўнг мамлакатдаги сиёсий нотинчликлар юз бериб турган кезларда унинг ворислари- темурий шаҳзодалар давлат бошқаруви фаолиятида ҳам ўз аҳамиятини йўқотмади.

Айниқса, бу умуминсоний қадриятлар ва давлат сиёсати унинг ворислари темурийзода ҳукмдорлар Мирзо Улугбек тимсолида чинакам илм-фан аҳли ҳимоячиси ва адолатли ҳукмдор сифатида, Ҳусайн Бойқаро, Заҳириддин Муҳаммад Бобур тимсолида кучли ва дилбар шахс сифатида акс этиб келди ҳамда унинг кейинги авлодлари Хумоюн мирзо, Акбаршоҳ, Шоҳжаҳон ва Аврангзебнинг ўз шахсий ҳаёти ва давлат бошқаруви сиёсатида асосий ўринларни эгаллади.

Хуллас, давлатчилик тарихимиз узоқ йиллик тамаддунга эга. Лекин улар ичида Темурбекдек муносиб фарзандлари борлигининг ўзи бу миллат ва давлатнинг қадим илдиэлари янада мустаҳкамлиги ва ибратга лойиқ эканлигидан нишонадир.

## O'zbekistonda mahalliy boshqaruv tizimi va ma'muriy-hududiy islohotlar:

# TARIX VA SABOQLAR

Маълумки, кўп асрлик тарихга эга бўлган Ўзбекистон ўз маҳаллий бошқарув тизимига эга бўлган. Қуйида мамлакатимиздаги маҳаллий бошқарув тизими бўгинлари ва XX асрнинг 20-йилларида ўтказилган маъмурий-ҳудудий ислохотлар тарихига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Вилоят - арабча бошқарув, икки жой, ўлка, юрт. Мамлакатнинг бир ва ундан ортиқ; шаҳарларини ўз ичига оладиган йирик маъмурий-ҳудудий бўлиниши. (Ўзбек тилининг изоҳли лугати 5 жилдли 1-жилд. Т. 2006. 46 бет) Афғонистон, Туркия ва бошқа мамлакатлар, шунингдек Ўрта Осиё хонликлари бекликлардан иборат бўлиб, вилоятларга бўлинган. Ўрта асрларда Қашқадарё воҳаси икки вилоятдан: Насаф (Қарши) ва Кеш (Шаҳрисабз) вилоятларидан иборат бўлган. 1924 йилда миллий-ҳудудий чегараланиш арафасида Туркистон АССР 6 вилоят, бир қанча уезд ва волостлардан ташкил топган эди. ХХСР 3 та вилоят ва Хива тумани, БХСР 15 вилоятдан иборат эди. Вилоятлар туманлар ва кентларга бўлинган. 1925 йил 13 январдан вилоят уезд деб атала бошланди. Совет даврида русча "область" номи билан қайта ташкил этилди. Мустақилликдан сўнг вилоят атамаси миллий-ҳудудий бирлик сифатида яна кенг қўлланила бошланди. Уезд - қадимги русча ездъ-йўл; кўча; юриш. Подшоҳ, Россиясида ва Собиқ ССРСРда 1929 йилгача губерния таркибидаги маъмурий-ҳудудий бўлинма (Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 4-жилд.Т.,2008.264 бет).

Волость - русча власть-ҳокимият. Подшоҳ Россияси ва ССРСРда 1919-1929 йиллардаги районлаштиришларга қадар уезд таркибига кирувчи қуйи маъмурий ҳудудий бўлинма. (Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Т., 2006. Б. 467). Туркистон Россия томонидан истило этилгач, область, уезд, вилоятлар ташкил топди. (5 область, 27 уезд, 603 вилоят). Миллий- ҳудудий чегараланишдан сўнг, аниқроғи 1925 йилда Ўзбекистон ҳудудида 24 вилоят мавжуд эди. 1926 йилги иқтисодий-маъмурий районлаштиришгача волость сақланиб қолган эди.

Округ - русча - теварак, атроф, окружать - қуршаб олмақ, атрофини ўрамоқ". Баъзи давлатларда маъмурий-ҳудудий бирлик. Ҳозирги вилоят бараваридаги ҳудудий бирлик, музофот. (Ўзбек тилининг изоҳли лугати 3 - жилд, Т., 2007 103 бет) Шунингдек мазкур атама вақтинчалик тузилган ҳудудий бўгинга (университет сайлов округи) ва йирик ҳудудий бирлашмага (жанубий-гарбий округ) ёки муайян органлар ваколоти тегишли ҳудудларга

(суд, нотариал округлар) ҳам ишлатилади. Район - французча - гауоп-кенг майдон, катта кенглик, "лот. Resio, Iepionis- вилоят, ўлка, чегара, туман. Бир қанча географик, иқтисодий ва ш.к белгилар, хусусиятлар билан ажралиб турадиган жой, ҳудуд." (Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 3-жилд, Т., 2007. 344бетлар) Ўзбекистонда совет даврида район атамаси кенг қўлланилган эди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида район атамаси ўрнига дастлаб ноҳия, сўнгра эса туман атамаси яна кенг қўламда ишлатилмоқда.

Туман - Шарқда, жумладан Ўзбекистонда ХХ асрнинг 20-йилларигача маъмурий- ҳудудий бўлиниш, уезд; Ўзбекистонда вилоят, шаҳар ҳудудиди уларнинг таркибий қисми бўлган маъмурий-ҳудудий бўлинма. (Ўзбек тилининг изоҳли лугати 4-жилд, Т., 2008.187 бет) Мазкур атама ўрта асрларда ҳам маълум эди. Туман Марказий Осиё мамлакатларида маъмурий - ҳудудий бўлиниш бўлиб, уезд маъносида ҳам ишлатилган. Ўзбекистонда Собиқ Иттифоқ даврида туман район деб аталган эди. Юқорида таъкидланганидек, мустақилликдан сўнг тарихий туман атамаси яна қайта тикланди.

Амлоклик (амлоқдорлик) - араб амлоқ, мулк сўзининг кўплиги, форс тили дор - эга- Бухоро хонлигидаги бекликларга қарашли ер-мулкдан солиқ, ўлпон олиш учун ажратилган энг кичик маъмурий -ҳудудий бўлинма. Кейинги вақтда эса фанда амлоклик атамаси кенг қўлланилмоқда. Амлокликка бир неча кичик ва катта қишлоқлар кириб, бек томонидан тайинланган амлоқдор бошқарган. У хирож, солиқ йиғиш, деҳқонлар етиштирган ҳосилни ҳисобга олиш, жарима солиш каби ишлар билан шугулланиб, котиб (мирза), мироб, амин оқсоқоллар ёрдамида амлокликни бошқарган.

Элбеги - Қарши беклигининг чўл, дашт ҳудудларида яшовчи чорвадор аҳоли маъмурий амалдор - элбеги назорати остидаги элларга бирлашган. Эллар уруғларга мансублик асосида таркиб топган бўлиб, уларнинг элбегилари маълум уруғларга ажратилган яйловлар чегараларининг бузилмаслигини назорат қилиб, чорва молларидан олинадиган закот солигини ва яйловдан фойдалангани учун тўланадиган "хас" пули солиги йиғиш билан шугулланган ва Қарши беклигига бўйсунган. Элбегилар ҳам халқ томонидан сайланган. Қарши чўлида баҳор ва ёз ойларида яйловма-яйлов кўчиб юрадиган ўзбек уруғлари ва бошқа қавмлар араблар, туркманлар иккита элбегига бўйсунган. Ўз, найман, ёбу (жобу), месит, олчин ва бошқа уруғлар Пўлати элбегисига бирлашиб; уларни шу қишлоқда яшовчи элбеги бошқарган. Масалан, XIX аср ўрталарида бу қишлоқда Исмоил элбеги, Рустам элбеги сингари элбегилар фаолият юритишган. Бекликдаги ших, сарик, қарлуқ, қипчоқ каби уруғлар эса Кўҳна шаҳар, элбегисига бўйсунган.

Кент - сўғдча-уй, хонадон. Ўрта асрларда Туронзаминда жой номи. Маълум хусусияти билан шаҳар ва қишлоқдан фарқланиб турувчи, аҳоли яшайдиган жой; шаҳар. 1920-1924 йилларда Бухоро Республикасида кент маъмурий-ҳудудий бирлашма ҳисобланган.

Амин - Бухоро хонлиги ва Туркистон генерал-губернаторлигида бир ёки бир нечта кичик қишлоқни бошқарувчи ҳамда халқ томонидан сайланган

амалдор. Бухоро хонлигида амин амлоқдорга, Туркистон генерал-губернаторлигида эса бўлис (волость) бошлиғига бўйсунган. Амин аҳолидан солиқ ва ўлпон йиғиш, аҳоли устидан назорат қилиш, сув тақсимлаш (амини об) ишлари билан шуғулланган. Қурилиш ишлари ҳамда қалъа ва шаҳарларда хўжалик ишларини юритувчи, аҳолини бек ва амалдорлар фойдаси учун, ҳашарларга чиқарувчи мутасадди. Унинг ҳам қўл остида бир қанча ходимлари бўлган. Бозорда мол сотувчилардан бозор ҳақи йиғувчи амалдор ҳам амин деб аталган. Даҳа бошлиғи ёки қишлоқ оқсоқоли ҳам амин дейилган.

Оқсоқол - бир ёки бир неча маҳалла ёки қишлоққа бошлиқ бўлган маҳаллий амалдор. Қишлоқ жамоасини сайлаб қўйиладиган оқсоқоллар бошқаришган. Йирик шаҳарлар даҳалар ва маҳалла (гузар)ларга ҳам оқсоқоллар раҳбарлик қилишган. Улар турли солиқлар тўплашга, қишлоқ хўжалиги юмушларини бажаришга, ҳашарларни уюштиришга ва тўй-маъракаларни ташкил этишга ҳам кўмак берганлар.

Қашқадарё воҳасида Абдуллахон даврида Қарши ва Шаҳрисабз вилоятлари, Аштархонийлар даврида эса Шаҳрисабз ва Ғузор вилоятлари мавжуд эди. Мангит амирлари даврида воҳада Қарши, Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ ва Китоб бекликлари ҳукм сурган. (Минг йиллар мероси Т., 2002. Б. 43) Маълумки, Бухоро хонлиги бошқарув тизими амирлик, беклик, амлоклик, оқсоқол (амин) ликдан иборат эди. XX аср бошида ҳам Қашқадарё воҳасида Қарши, Ғузор, Китоб, Шаҳрисабз, Чироқчи ва Яккабоғ бекликлари жойлашган эди. 1920 йил кузида Бухоро Халқ Республикасида маъмурий-ҳудудий бўлиниш ўтказилиб, у вилоят, туман, кент, амлоклик ва қишлоқ тизимидан иборат эди.

Маҳаллий бошқарув тизимида жорий этилган лавозимлар қуйидаги тартибда бўлган: Девонбеги ёки закотчи - солиқларини йиғиш ва назорат қилиш билан шуғулланган. Унинг қўли остида бир неча котиб, арбоб ва ясовулар, яъни унинг буйруқларини бажарувчилар ҳисобланган.

Мирзо мунши - бекнинг шахсий котиби бўлиб, улар билимли кишилар ичидан танлаб олинган. Мирзонинг ҳуснихати чиройли бўлиши лозим эди.

Миршаб - айрим бекликларда қўрбоши ҳам дейилиб, унинг вазифаси шаҳарда (қалъада) ўқ-дори омборлари ва аҳоли тинчлигини ҳимоя қилишдан иборат бўлган ва қўл остида бир нечта ясовул ва фаолият юритган.

Мироб - аҳоли фойдаланувчи сувлар, сув заҳиралар тақсимотини назорат қилган. Унинг тасарруфида ҳам бир қанча мутасаддилар бўлган. Масалан, амин - битта ариқнинг бошлиғи, арбоб - назоратчи, оқсоқол - сувни тақсимловчи, ариқни қўриқловчи ва мирзалар шулар жумласидандир.

Пайғирчи - бозорларда сотиладиган чорва ва савдо молларидан закот йиғувчи.

Доруға - ҳар бир амлокликда фаолият кўрсатадиган оқсоқол даражасидаги маъмурий шахс. Доруғада амир муҳри босилган ёрлик бўлган. Улар далалардаги ҳосилни назорат қилиш, галла қилиш жараёнини ва солиқ миқдори аниқланмагунча хирмонни назорат қилиш вазифаларини бажаришган. Улар

хужжатларни муҳрлаган. Йирик шаҳарларда посбонлар сардори, бош миршаб, шаҳар идораси бошлиғи ҳам доруға дейилган. Улар доруға ҳақи-доруғона олишган.

Арбоб – маҳалла бошлиғи, эликбоши ёки қишлоқ оқсоқоли. У ариқ қазиш, ариқ-зовур ва каналларини тозалаш ишларини назорат қилиб, қишлоқ аҳолиси томонидан сайланган.

Қашқадарё воҳасига уч вилоят Қарши (Беҳбудий), Ғузур ва Шаҳрисабз кирган. Қарши (Беҳбудий) вилоятига Бешкент, Косон, Чим туманлари кириб, 13 кентдан иборат бўлган. Ғузур вилоятига Ғузур, Тангиҳарам, Деҳқонобод, Янгикент туманлари, Шаҳрисабз вилояти эса Китоб, Шаҳрисабз, Чироқчи, Яккабоғ туманларидан иборат бўлган. (Населенные пункты Бухарского эмирата. Конец XIX–начало XX вв Т., 2001 С. 49) 1924 йил 27 ноябрда Ўзбекистон ССР таркибида Қашқадарё области ташкил этилиб, унга учта уезд кирган: Қарши, Ғузур ва Шаҳрисабз. Шунингдек 13 волость тузилганди. Қарши уездида 6 та, Ғузур уездида 3 та Шаҳрисабз уездида 4 волость мавжуд эди. Қарши шаҳри область маркази, Косон шаҳри Қарши уезди маркази, Ғузур ва Шаҳрисабз уездлари марказлари Ғузур ва Шаҳрисабз шаҳарлари ҳисобланган. Қарши шаҳри область маркази бўлиб, шаҳарда бу даврда 15–16 минг киши яшаган. Шу боисдан уезд ташкилотлари ва муассасалари учун жой етишмаслиги сабабли Қарши уезди маркази Косонда жойлашган. (С.М. Захаров, А. Собиржонов. Қарши, 1978. 23–24–бетлар). 1924 йил 1 ноябрда "БХСР нинг янги бўлиниши ҳақида"ги декретта кўра Қашқадарё округи тузилиб унинг маркази Қарши шаҳри белгиланди. (А. Чориев, М. Очилов. Қашқадарё области Т., 1974. 32– = бет).

Ўрта Осиёда ўтказилган миллий–ҳудудий чегараланишдан сўнг 1924 йил охирида Бухоро Республикаси тугатилди. Ўзбекистон ССР таркибида Қашқадарё округи тузилиб, унга Беҳбудий, Шаҳрисабз ва Ғузур вилоятлари кирган. 1925 йил 29 январда ЎзССРда янги маъмурий–ҳудудий бўлиниш тадбирлари ўтказилиб, Қашқадарё области ташкил этилди ва унинг таркибида Беҳбудий, Ғузур, Шаҳрисабз уездлари ташкил этилди. Беҳбудий уездининг маркази Беҳбудий (Қарши) шаҳри ҳисобланиб, Бешкент, Касби, Қамалчи, Косон, Чим волостларидан иборат бўлган. 1926 йил 29 сентябрда ЎзССРда ягона маъмурий бўлиниш ўтказилиб, маъмурий – иқтисодий районлаштириш ишлари амалга оширилди. 1927 йилда ЎзССР Советлари МИҚнинг "Районлаштириш тўғрисида"ги қарорига кўра Қашқадарё область округта айлантирилди. (А. Чориев, М. Очилов. Қашқадарё области Т., 1974. 32– бет). Бу округта 8 туман (Косон, Бешкент, Чироқчи, Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Ғузур, Тангиҳарам (Деҳқонобод) кирган.

Қарши (Беҳбудий) 1926 йилда шаҳар мақомида эди. 1943 йил 20 январдан янги ташкил этилган Қашқадарё области маркази ҳисобланган. Қашқадарё область 1960 йил 25 январда Сурхондарё областига қўшиб юборилди. 1964 йил 7 февралдан эса Қашқадарё области янгидан ташкил этилди. Мустақилликдан сўнг Қашқадарё области ўрнига Қашқадарё вилояти атамаси

яна кенг қўлланила бошлади.

XX аср 80 - йиллари иккинчи ярмида Иттифоқ таназзулга юз тутиши арафасида ҳам Ўзбекистонда тез-тез режасиз маъмурий-ҳудудий ислоҳотлар, яъни қўшишлар ўтказилди. Қишлоқ кенгашлари, жамоа ва давлат хўжаликлари, туманларини ҳам қўшиш ва ажратиш компанияси бошланди. Бу маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчиликни ҳам авж олишига олиб келди. Ҳаттоки Қашқадарё областини Бухоро областига қўшиш режасининг лойиҳаси эълон қилинди. Вилоят аҳолисининг кайфияти эса бутунлай тушиб кетиб, барча соҳалар инқироз ёқасига келиб қолганди. Бу пайтда областта биринчи раҳбар бўлиб келган И. А. Каримовнинг саъй-ҳаракатлари туфайлигина Республикада салоҳиятли Қашқадарё области сақлаб қолиниб, барча соҳаларда тараққиёт бошланган эди.

Собиқ Иттифоқ даврида Марказ буйруғи ва тазйиқи билан ўтказилган маъмурий-ҳудудий ислоҳотлар халқ хўжалигига жиддий зиён етказди. Халқимиз менталитетини ҳисобга олмасдан режасиз ва самарасиз ўтказилган маъмурий-ҳудудий ислоҳотлар тарихи ҳанузгача алоҳида, тўлақонли ва теран илмий тадқиқ этилмаган. Мазкур мавзуга оид мавжуд адабиётлардаги маълумотлар чалқаш, баъзи рақамлар бир-бирига зиддир. Шу боисдан ҳам ҳозирги даврда ушбу долзарб мавзунини янги манбалар асосида янада чуқур ва ҳолисона ўрганиш, жамоатчиликка етказиш ва энг муҳими тегишли сабоқлар чиқариш лозим.



# O'ZBEK ONOMASTIKASINING TO'RASI EDI

Ўзбек ономастикасининг шаклланиши ва тараққиётида катта ҳисса қўшган тилшунос олим, профессор Тўра Нафасов ҳаёт бўлганида шу йил куз фаслида табаррук 80 ёшга тўлган бўлар эди.

Тўра Нафасов 1938 йилда Чироқчи туманининг Давтош қишлоғида зиёли оиласида таваллуд топди. Оиланинг тўнғич фарзанди бўлган Т.Нафасов туғилганда отаси Нафас Суяров қишлоқ мактабида ўқитувчилик қилар эди. 30-йилларнинг жуда оғир, таҳликали йилларида қишлоқда яшовчи аҳоли фарзандларини ўқитиб, саводини чиқариш учун муаллимлар етишмасди. Буни тўғри англаб етган Нафас Суяров 1936 йилда Чироқчи тумани марказида очилган ўқитувчилар тайёрлаш курсида бир неча ой таҳсил олиб, муаллимлик қилиш ҳужжатиغا эга бўлади. Кейинроқ, ўтган асрнинг 50-йилларида у Қарши педагогика билим юртида таҳсил олди. 1965-1970-йилларда Қарши давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини битирган. Умрининг охири - 1973 йилгача Давтош қишлоғидаги мактабда муаллимлик ва мудирлик қилган. Т. Нафасовнинг отаси Давтош қишлоғининг уч авлодини ўқитган деса бўлади. Домла ҳаётлик даврида отаси 1936-1941 йилларда эрталаб ўқувчиларни, тушдан сўнг ва кечқурун болаларнинг ота-оналарини ўқитиб саводини чиқаргани, ўқиш ва ёзишни ўргатганини фахр билан таъкидларди. Хуллас Тўра Нафасовга илм-фанга қизиқиш отадан ўтган дейиш тўғрироқ бўлади.

Т. Нафасов 1945-1949 йилларда Давтошдаги бошланғич мактабда дастлабки таълимни отаси қўлида олган. 1949 йилдан 1955 йилгача Оқчава қишлоғидаги 4-сон ўрта мактабда таҳсил кўрган. Оқчава билан Давтош қишлоғининг ораси 10 км. бўлган. Ана шунча масофани Т. Нафасов ҳар куни гоҳ пиёда, гоҳ эшақда, гоҳ велосипедда босиб ўтган. Қиш ойлари эса тоғасиникида ётиб қолиб, шу ердан мактабга қатнаган. Мактабнинг 9-10-синфларида ўқиб юрган кезлари Алмашева исм-шарифли муаллима адабиёт ва она тилидан дарс берган. Мактаб ўқувчилари қалбида бадий асар ўқишга ҳавасни шу муаллима уйғотган. Т. Нафасов домла шу даврда Ойбекнинг "Қутлуғ қон", Абдулла Қаҳҳорнинг "Қўшчинор чиролари", "Сароб", Семён Бабаевскийнинг "Олтин юдуз кавалери" романини мутолаа қилганини ўз хотираларида баён этади.

Т. Нафасов ўрта мактабни битириб, 1955 йилнинг сентябридан 1956 йилнинг июнигача туманнинг Янгиобод қишлоғидаги ўрта мактабда 3-синф ўқитувчиси бўлиб ишлади. 1956-1958 йилларда Самарқанд жисмоний тарбия педагогика билим юртида таҳсил олди. Икки йил давомида она тили, адабиёт, тарих, чет тили дарсликларини мустақил ўрганиб чиқди,

чин дилдан филолог бўлишга ҳаракат қилди.

1958-1963 йилларда СамДУнинг филология факультетида таҳсил кўрди. Бу даврда университетда филология фанининг даргалари саналган таниқли адабиётшунос ва тилшунослар фаолият кўрсатар эди. Таниқли олим Орифжон Икромов - факультет декани, академик Воҳид Абдуллаев, профессор Улуғ Турсунов - кафедра мудирлари эдилар. 60-йиллардан бошлаб филология илмининг даргаларида айланиб улгурган Ҳамдам Бердиёров, Худойберди Дониёров, Нуриддин Шуқуров, Сайдулла Мирзаев, Раҳматулла Қўнғуров, Абдужаббор Мухторов, Маҳмудали Юнусов, Абдулла Сулаймонов, Ваҳоб Эгамовлар филолог талабаларнинг севимли домлалари, фан фидойилари эдилар. Талабалар қалбида илм-фан сирларини чуқур сингдириш, тилшунослик ва адабиётшуносликнинг назарий ва амалий асосларини қунт билан ўргатиш домлаларнинг бош мақсади эди. Университетдаги илмий, адабий, таълим-тарбиявий муҳит ва жараён талабаларда филология, тарих, педагогика, сиёсий фанларни ўрганиш, қўлёзма ва босма манбаларни мутолаа қилиш меҳри ва иштиёқини уйғотди.

Шу даврда таҳсил кўрганларнинг кўпчилиги кейинчалик илм-фан, ёзувчилик йўлини тутиб кетишгани ҳам буни исботлайди. Т.Нафасов домланинг собиқ курсдошларидан Бойқўзи Турдиалиев (марҳум), Усмон Санақулов - фан доктори, профессор Эргаш Қиличев - профессор, Жаҳонгир Қўчқоров, Қўйли Хуррамов - фан номзоди, доцент, Поён Равшанов - таниқли тарихшунос ва адабиётшунос олим, фан номзоди, доцент, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, Эркин Неъматов - шоир, Муҳаммад Салом - ёзувчи, Усар Саидов, Исомиддин Исломов (марҳум) - олий ўқув юртининг домласи эдилар. Тўра Нафасов эса Қарши давлат педагогика институти (кейинчалик университет)да ўзбек тилшунослиги кафедрасини узоқ йиллар бошқариб келди.

Талабалик йилларидаёқ тилшунослик фанларини чуқур ўрганишга меҳр билан ёндошди. Ўзбек тилшунослиги кафедраси ҳузурида "Ёш тилшунос" тўтарагининг мунтазам машғулотларидаги баҳслар Тўра Нафасовда бу илмни ўрганишга меҳр уйғотди дейиш мумкин. IV-V курсларда шу тўгаракнинг сардори бўлди. Талабаларнинг маърузаларини қўлёзма тўплам қилиб йиғишни ташкил қилди. Йирик саҳифали газеталар чиқарди. 1962 йилда татар ёзувчиси Галимжан Ибрагимовнинг 75 йиллиги муносабати билан Қозон давлат университетига ўтказилган илмий конференцияда қатнашди. "Галимжан Ибрагимов ҳикояларининг ўзбек тилига таржимаси" мавзуида маъруза қилди. Талабаликнинг сўнгги курсларида туркий тиллардан рус тилига ўтган сўзлар мавзуси билан қизиқди. Рус тилига туркий тиллардан турли даврларда 600 дан ортиқ сўзлар ўзлашганлигини аниқлади. Утук, деньги, товар, карандаш, товарищ каби рус тилидаги фаол сўзлар аслан туркий тиллар калималари эканлиги ҳақида маърузалар қилди. Бу тадқиқотларини 1965 йили алоҳида мақола сифатида нашр қилди.

Филолог талабалар ўртасидаги ижодий муҳит (шеър ёзиш, ҳикоя ёзиш,

газета ва журналларга мақола, очерк ёзиш, конференцияларда маъруза қилиш, тўғаракларда мубоҳаса...) Т.Нафасовни вилоят, республика газеталарига хабар ва мақолалар ёзишга даъват қилди. "Ўзбекистон маданияти", "Ўзбекистон физкультурачиси", "Ёш ленинчи", "Қизил Ўзбекистон", "Ленин йўли", "Қашқадарё ҳақиқати" каби газеталарда ўнлаб мақолалари, ахборотлари босилди.

Т.Нафасов 1963 йилда СамДУни имтиёзли диплом билан тугатди, филолог-ўқитувчи ихтисослигини олди. Қарши давлат педагогика институтининг ўзбек тилшунослиги кафедрасига ўқитувчи бўлиб ишга қабул қилинди. 1964 йилдан бошлаб факультетда декан муовини бўлди. 1965 йилнинг 1 октябридан 1967 йилнинг 1 октябригача ЎзРФА Тил ва адабиёт институтида стажёр-тадқиқотчи сифатида фаолият кўрсатди. 1968 йил 1 октябригача бир йиллик аспирантура таҳсилини ўтади. 1968-1970 йилларда катта ўқитувчи, сўнгра доцент (1970-1989), профессор (1989) бўлиб талабаларга таълим, тарбия берди. 1977-1986 йилларда декан муовини бўлиб ишлади. 1985-2003 йилларда ўзбек тилшунослиги кафедрасига мудирлик қилди. 1996-1998 йилларда филология маркази раҳбари, сўнгра ўзбек филологияси факультети декани бўлди.

Т.Нафасов 1965 йилнинг ноябридан, яъни Тил ва адабиёт институти стажёр тадқиқотчиси сифатида иш бошлаган дастлабки кунданоқ ўзбек тили топонимикасини ўргана бошлади. Домланинг изоҳига кўра филология фанлари доктори, профессор Аъзам Шерматовнинг бевосита тавсияси билан Қашқадарё вилояти топонимларини лингвистик таҳлил қилишни номзодлик диссертацияси учун мавзу қилиб танлайди. Дастлаб топонимикага оид илмий адабиётларни ўқиб чиқди. Сўнгра вилоят шаҳарлари ва қишлоқлари жой номларини йиғишга киришди. Шу мақсадда 1966 йил мартдан декабригача вилоятнинг барча қишлоқларини кезиб барча тур топонимларни транскрипцияда ёзиб олди. Номлар билан боғлиқ халқ изоҳ ва шарҳларини, ривоят ва афсоналарини тўплади.

Шу билан бир қаторда халқ мақолларини, топишмоқларини, адабий тилдан фарқ қиладиган сўзларини ҳам ёзиб борди. Айни вақтда халқ қўшиқларини, алла ва келин саломларини ёзиб олди. Келиной ҳақидаги халқ оғзаки ижоди намуналарини, асосан термаларни ҳам дафтарга тушириб борди. Умуман, халқ нутқи, оғзаки ижоди намуналарининг барча турларига, жанрларига оид адабий, бадий, таълимий, лисоний далилларни тўплай бошлади. Бу ишни умрининг охиригача давом эттирди, деб айтиш мумкин. Тўпланган материаллардан айрим намуналарини мақола, рисола тарзида нашр эттирди. Ўзбек аллалари. Ўзбекистоннинг жанубий шаҳар ва қишлоқлари аҳолиси аллалари. (Ёзиб олувчи ва нашрга тайёрловчилар Т.Нафасов, К.Очилов. - Қарши, "Насаф", 1994.), "Номлар ва афсоналар". ("Саодат", 1968. №6.) Қишлоғингиз нега шундай аталган? (Т.: Фан, 1989) сингари асарлари ана шу тарзда дунё юзини кўрди.

Ўтган асрнинг 60-йиллари ўрталарида ўзбек ономастикасини тадқиқ этиш лексикологиянинг долзарб масалаларидан бирига айланди. Чунки

апеллятив лексика, соҳавий лексика анча изчил тадқиқ қилиниб, қатор монографиялар, тадқиқий ишлар, мақолалар нашр қилинган эди. Дастлаб Э.Бегматов ўзбек исмлари бўйича номзодлик диссертацияси ҳимоя қилди. Бир қатор мақолалар чоп қилди, рисоалар, лугатлар нашр қилинди.

Топонимика ўзбек тилшунослигида янги йўналиш эди. Топонимиканинг тадқиқ усуллари ва методи, топонимларни таснифлаш йўллари лингвистик йўналишда аниқланмаган эди. 60-йилларгача топонимлар тарихшунослар, географлар томонидан семантик йўналишда ўрганилгани маълум. Маълум бир ҳудуд топонимиясини лингвистик тадқиқ қилиш муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга эди. Т.Нафасов Ўзбекистонда биринчи бўлиб Қашқадарё вилояти ҳудудидаги макро ва микротопонимларни қишлоқма-қишлоқ юриб тўплади, уларнинг маҳаллий талаффуз ва адабий шаклини ёзиб олиб, картотекалаштирди, шу тариқа республика топонимияси базасини - лугат фондиди яратишга асос солди.

Профессор Т.Нафасов регионал топонимларни лингвистик йўналишда тадқиқ қилишнинг қуйидаги тартиби асосида номзодлик диссертациясини ёзди: 1. Топонимларнинг этногенетик ва тарихий таҳлили. 2. Топонимларнинг тузилиши ва ясалиши. 3. Топонимларнинг лексик-семантик хусусиятлари.

Топонимик тадқиқотларда объектнинг нима учун шу ном билан аталганлигини аниқлаш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга. Чанғароқчи, Ўроқли, Болғали, Тароқли номлари иш қуроллари асосида юзага келган деб қараш ноилмий, ғайритабиийдир. Кийикчи, Балиқчи, Қушчи/Қуччи номлари касб-ҳунар билан боғлиқ эмас. Тайлоқ, Қарсоқли, Калтатой номларининг юзага келишида ҳайвонларнинг даҳли йўқ. Баҳрин, Бурқут, Кўкқарға номларининг асосидаги сўз қуш номлари эмас. Баҳмал номи билан мато тури баҳмал лексемаси бир-бирига муносабатсиз. Оқтўнни, Кўктўнни, Қоратўнни номларидаги тўнни лексемаси туғ (байроқ) лексемаси билан алоқадор. Топонимия тизимида бу каби иллюзион ҳолатлар, алдоқчи лисоний-нутқий жараёнларнинг тури кўп. Топонимик, умуман, ономастик тадқиқотларда номларга хос мотивацион асосларни белгилаш муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга. Номлар турли социал, ижтимоий, жуғрофий, лисоний-нутқий муҳитларда яралади. Номларнинг қўпчилиги бир неча юз, минг йиллар олдин юзага келганлиги боис уларнинг фонологик-фонетик, морфемик қиёфаси ўзгарган бўлади. Ном асосидаги лексема ва қўшимчаларнинг ўша даврдаги ва ҳозирги маънолари, маъно қирралари ўртасида катта, ўзига хос фарқлар вужудга келган бўлади. Номларни қадимги маъно ва мотивлар асосида эмас, ҳозирги маъно ва мотивлар асосида изоҳлаш топонимикада, умуман, ономастикада янглиш изоҳ ва таснифларнинг юзага келишида сабаб бўлади: Қишлиқ - этноним, этноним ойконимга айланган. Бу номни қиш + -лиқ морфемаларидан изоҳлаш хато. Ширин, Ширинтепа - ойконим. Улар этнонимдан юзага келган. Сувнинг ичишга яроқлилик даражасига кўра номланган дейиш - янглиш. Бешқозоқ, Қозоқли, Қозоқ ойконимлари билан қозоқ этноними ўртасида боғлиқлик

йўқ. Қадимги туркий тилда қазуқ/қазик – ариқ, қазиб сув оқизилган ариқ маъноларини ифодалаганини олим ишонарли далиллар асосида асослашга ҳаракат қилади.

Ўзбекистоннинг жанубий вилоятлари топонимлари бўйича тузилган ушбу лугат анча мукамал тузилган. У лугатгина эмас, тадқиқот мақомига ҳам эга. Лугатда барча топонимларга берилган талқин ва тадқиқларнинг илмийлик салоҳияти бир хил даражада эмас. Этнотопонимларнинг кўпчилиги апеллятив лексик бирлик-тотем-этник уюшма номи-этноним-топоним йўналишида талқин қилинган. Қадимги туркий лугавий бирликлардан яралган Бойсун (39), Бойтерак (39-40), Дархан (59), Жилисув (73), Иссиқкўл (86), Мойариқ (119-120), Оқчава (150-151), Сайроб (162), Чамбил (200-201), Қапчиғай (236-237), Қарши (238-241), Қашқадарё (242-243), Қорабайир (248) каби қатор ойконим, гидроним ва оронимларнинг талқини анча мукамал. Бешкент (33), Варганза (50), Вахшивор (51), Дарбанд (57-58), Заравут (80), Зармас (81), Кеш (96), Лангар (108), Нўшкент (131-132), Панжоб (153-154), Шеробод (217) каби қадимги эроний тиллар лисоний бирликларидан яралган топонимлар ҳақидаги фикрлар асосли, илмий ишончлидир.

Ономастикага, жумладан, топонимикага оид тадқиқотларга хос мураккаб масалалардан бири атоқли отларнинг, аниқроғи, топонимларнинг ясалишидир. Маълумки, апеллятив лексикадаги сўз ясалиши билан ономастик йўналишдаги атоқли отларнинг ясалиши бир-бирига тенг, мос ясалиш ҳодисалари эмас. Ўтган асрнинг 60-йиллари охиридан яқин йилларгача яратилган кўпгина топонимик тадқиқотларда -гар (Чармгар), -дор (Чорвадор), -лар (Оқлар), -он/-ён (Тоқчиён), -ли (Гиштли), -боп (Алачабоп), -лиқ (Қишлиқ), -кор (Пахтакор), -чи (Пахтачи), -лик (Заргарлик), -гарон (Камангарон), -и (Урганжи, Қўқони), -ак (Қўрғонак), -дон/-тон (Риштон, Боғдон) каби сўз ясовчи қўшимчалар мавжуд бўлган қишлоқ, маҳалла номларини қўшимча қўшиб яшаш (аффиксация) усули билан ясалиш деб талқин қилинаганини яхши биламиз. Ёки этноним асосида юзага келган ойконимлар: Қўштамғали, Ачамайли, Кийикчи, Қорақўнгирот, Тўқманғит, Қайчили, Тоқчи, Дуқчи, Бўлмас, Ўлмас. Морфем таркиби – мураккаб. Т.Нафасов домла буларнинг барчасидаги ясалиш апеллятив лексика сатҳида юз берганини асослаб берди. Апеллятив лексикада ясаиб бирданига тайёр ҳолатда ономастик бирликка айлангани таъкидланади. Тўғри, тошли, Гиштли каби ойконимлар билан Чўмичли каби ойконимларнинг ясалишида маълум бир ўзига хосликлар бор. Т. Нафасовнинг фикрича, Тошли, Гиштли каби номларда ойконимик индикатор тушиб қолган. Дастлаб Тошлиқишлоқ, гиштлиқишлоқ (гиштлитепа) бўлган. Аммо Қорахитойқишлоқ ёки Қорақишлоқовул тарзида ойконим ясалмаган. Этнонимларга индикатор қўшилмаган. Этноним ҳеч бир грамматик ўзгаришсиз ойконимга айланган. Бу тарз ономастик ясалиш топонимикадаги ўзига хос ясалиш эканлигини уқтиради олим. Проф. З.Дўсимов бу тарздаги ономастик ясалишни конверсия деб атаган бўлса,

проф. Т.Нафасов топонимикадаги бу тарз ясашишларни номлашув деб атаган. Дипт, Қудуқ, Оқсув, Қорасув каби номларнинг ҳам шу усулда ясалганлигини таъкидлаган. Умуман, ономастик ясашишни қайта кўриб чиқиш ва баҳолаш зарурлигини, апелляттив лексикадаги ясашишдан тубдан фарқ қилиши лозимлигини бир қатор мақолаларида уқтирган.

Т.Нафасов илмий ва педагогик фаолияти давомида бир қатор халқаро ва республика миқёсидаги конференцияларда ўз маърузалари билан фаол иштирок этган эди. Масалан, Хельсинки (1990), Москва (1989, 1991) Боку (1986, 1987, 1988, 1990), Волгоград (1989), Фрунзе (1988, 1989), Тбилиси (1989), Уфа (2002), Чебоксари (2002), Нукус (1990), Урганч (1991, 1993), Термиз (1991, 1993, 1997, 2006), Андижон (1990, 1993), Самарқанд (1968, 2000, 2006, 2007), Бухоро (2001, 2007, 2008), Гулистон (1987, 1997), Навоий (1993, 1998) шаҳарларида ўтган нуфузли анжуманларда Т.Нафасов ономастиканинг долзарб масалалари ҳақида маърузалар қилган эди.

Олим имзоси билан нашр қилинган мақолаларнинг географияси анча кенг. Шу зарурат ва эҳтиёж туфайли жуда кўп газеталарда домланинг мақолалари нашр қилинган. Бунинг устига Т.Нафасов илмий-оммобоп усулда мақолалар ёзишга устомон. Топонимларнинг бошқа бир атоқли отлардан фарқли хусусиятларини анча содда, тушунарли, ҳаммабоп қилиб ёза олар эди, шу боис унинг мақолалари республикамизнинг кўплаб газета, журналларида узлуксиз чоп этиб келинган. Олимнинг хайрли ишларидан бири "Қашқадарё қишлоқномаси", "Чироқчинома", "Қарши шаҳар маҳалла ва кўча номлари" сингари фундаментал тадқиқотларни амалга оширганидир. Бундан ташқари, Т.Нафасов Қашқадарё халқи жонли тилида қўлланишда бўлган сўзларни ҳам бир умр йиғиб келди. Унинг дебочаси сифатида "Қашқадарё ўзбек халқ сўзлари" лугатининг биринчи жилди олим ҳаётлигида, 2011 йилда нашрдан чиқди. Китобнинг кейинги жилди ҳам деярли тайёр қилинган эди. Лекин оғир хасталик туфайли бу жилд нашр учун топширилмай қолиб кетди. Ўйлаймизки, домланинг фарзандлари, қолаверса шогирдлари бу ишни ниҳоясига етказадилар.

Серқирра ижодкор, таниқли номшунос олим Тўра Нафасов 2 нафар фан номзоди тайёрлади, 9 та номзодлик ишига расмий оппонентлик қилган эди. Олим узоқ йиллар Самарқанд давлат университети қошидаги филология фанлари диссертацияларини ҳимоя қилишга ихтисослашган К08700622 рақамли кенгашнинг аъзоси эди. Бундан ташқари, олим Қарши шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги топонимик комиссияси раиси ва Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги номлаш комиссияси аъзоси сифатида шаҳар ва вилоятдаги макро ва микротопонимларни маҳаллийлаштириш ишига бош-қош бўлиб келди.

Хуллас сермахсул олим Т.Нафасовдан бизга бой илмий мерос қолди. Бу мерос ўзбек ономастикаси тарихида ўзининг муносиб ўрнига эгалитига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқдир.



# XOJA BAHOUDDIN NAQSHBAND DARAJOTI

«Пири комил Баҳоуддин Нақшбанднинг «Кам егин, кам ухла, кам гапир» деган панду насихатларига амал қилдим. Аркони давлатга, барча мулозимларимга айтар сўзим шу бўлди: «Кам енглар - очарчилик кўрмасдан бой-бадавлат яшайсизлар, кам ухланглар - мукамалликка эришасизлар, кам гапиринглар доно - бўласизлар»  
Соҳибқирон Амир Темур

XIV–XV асрлар Урта Осиё тафаккурининг йирик намояндаси машҳур авлиё, Нақшбандий тариқатининг асосчиси ва раҳнамоси бўлмиш улуг зотнинг тўла номи Баҳоуддин Муҳаммад Ибн Бурҳониддин ал-Бухорий бўлиб, Хожай бузруг ва Шоҳи Нақшбанд номлари билан ҳам машҳур эди. Баҳоуддин (диннинг нури, шугъласи, равшанлиги) унга кейинчалик берилган фахрий номдир. Нақшбанд (нақш солувчи, гул берувчи) унинг отаси ва ўзининг касб ҳунари бўлгани учун, унга шундай лақаб қўйилган. Ўзбек тилида Баҳоуддин фахрий номи баъзан Баҳовуддин, Баҳоваддин, Баҳовиддин деб, лақаби эса Нақшбандий деб нотўғри ёзиб келинмоқда. Баҳоуддин Муҳаммад 1318 йилда Бухоронинг Қасри Ҳиндувон (кейинчалик унинг номи билан юритилган Қасри Орифон) деган қишлоғида дунёга келди (Ҳозир бу қишлоқ Когон туманида жойлашган) Унинг отаси тўқувчи ва нақш солувчи уста бўлган. Муҳаммаднинг тақдирида, камолотга эришишига сўфийлар билан яқиндан муносабатда бўлган бобосининг хизмати каттадир. У ёш набирасига аста-секин тасаввуфга қизиқишни уйғотади ва шу йўлда тарбиялашга аҳамият беради. Бухорода таҳсил олгандан кейин Шайх Хожа Муҳаммад Самосий уни ўғил қилиб ўз тарбиясига олади. Вафоти олдидан Самосий ўзининг ҳалифаси Амир Саййид Кулолга Муҳаммадни ўзига шогирд қилиб олиш ва уни Хожাগон тариқати жамоасига қўшиб, уларнинг тасаввуфий йўлини унга ўргатишни васият қилади. Муҳаммад Кулол зикр доираларида ва тасбеҳ айтишларида иштирок этиб, камолотини оширади. У руҳоният даражасига Абдулхолиқ Гиждувонийнинг гойибона башорати туфайли эришади, тупида уни кўради, у Муҳаммадни Амир Саййид Кулолга юборади. Лекин Муҳаммад муршиди олдига келишидан олдиноқ, унинг ёрдამисиз тариқатнинг ҳақ йўлига эришган, сўфий даражасига етган эди. Нақшбанд мавлоно Ориф Дегтароний даргоҳида 7 йил хизмат қилади, сўнг

туркий тасаввуфий таълимотни давом эттириб камолотта етказди. Султон Халил ота даргоҳида 13 йил хизматда бўлади. Баҳоуддин икки марта (1370, 1388) ҳаж сафарида бўлган. Шамсуддин Самийнинг "Қосун ал-аълом" китобида ёзилишича, иккинчи ҳажда Хожа Муҳаммад Порсо унга ҳамроҳ бўлган. Қайтишда Нишопур ва Ҳиротга бурилиб, баъзи машҳур шайхлар билан учрашиб, уларнинг суҳбатларидан баҳраманд бўлган. Ҳиротда бир муддат истиқомат қилиб қолган<sup>1</sup>.

Баҳоуддин Бухорога қайтиб келиб қолган бутун умрини шу ерда ўтказди. Амир Кулолнинг васиятига биноан унинг ҳалифаси бўлиб қолади. 1389 йилда 73 ёшида вафот этиб, киндик қони тўкилган Қасри Орифонда дафн этилади. Унинг муридлари жуда кўп бўлган, энг машҳурлари Хожа Алоуддин Аттор ва Хожа Муҳаммад Порсодир.

Тарихий манбаларда ёзилишича, Нақшбанд қаноат қилиш ва ўз хоҳиши билан камбағал ҳаёт кечириш, дунё мол-мулки, дабдабали ҳаётдан воз кечишни тарғиб қилган. У кундалик тирикчилиги учун бир парча нонни ўз меҳнати билан ишлаб топган, эски бўйра устида, дарз кўзадан сув ичиб, ҳаёт кечирган.

Вафотидан кейин Баҳоуддин Нақшбанд аста-секин машҳур мўъжизалар авлиё, Аллоҳ ҳузурида унинг бандалари воситачиси, райят (фуқаро) ҳимоячиси сифатида шуҳрат қозониб, тан олина бошлади. Унга ихлос қилиш фақат унинг ватани Урта Осиёда эмас, балки қўшни ислом мамлакатларида ҳам кенг қулоч ёйди. Унга фақат оддий халқ эмас, ҳукмдор, шоҳ-амирлар, олим ва шоирлар ҳам эргашдилар. Қўл бериб унинг муршиди бўлдилар. Буюк шоирлар Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийлар Нақшбандия тариқатига сизинганлар, унинг тасаввуфи йўлини тутганлар. Машҳур ўзбек шоири Бобораҳим Машраб (1640-1711) Нақшбанд тариқати йўлидан бориб, Офоқ Хўжа қўлида таълим олган ҳаққа етишди ва тасаввуфнинг йирик вакили сифатида ўз газаллари ва "Мабдаи нур" асарида бу ҳақ йўлни поклик, ҳалоллик ва Аллоҳга етишишининг ягона воситаси деб тавсифлаган. Умрининг охиригача Нақшбандия тасаввуфи йўлидан кетди. Баҳоуддин тариқатини давом эттирган ва ривожлантирган, халқ орасида жуда катта обрў қозонган шайх, авлиё Қошғарда яшаган Офоқ Хожа бўлган эди.<sup>2</sup>

1544 йили Баҳоуддин қабри устига шайбонийлар хони Абдулазиз (1540-1549) мақбара қурдирди ва бу ер муқаддас зиёратгоҳга айланди. Ҳатто оддий халқ орасида унинг қабрини уч марта зиёрат қилиш Макка ва Мадинага ҳаж қилиш билан баравардир, деган ақида ҳам ҳукм сурди.

Баҳоуддин Бухоронинг улуг тасаввуф намояндаси, ватандоши Абдуллоҳиқ Гиждувоний асос солган хожагон тариқати йўлидан борди ва шу йўлда борган жамоага раҳнамолик қилиш билан ўзининг янги Нақшбандий тариқатининг ташкилий асосини кўрди ва бу тасаввуфий тариқат унинг ҳамда ворислари томонидан тўла шакллантирилди. Баҳоуддин Абдуллоҳиқ Гиждувоний анъана ва гоёларини қайта тиклаб,

<sup>1</sup> Садриддин Салим Бухорий. "Бухоронома" газетаси 1993 йил 23 апрель.

<sup>2</sup> Садриддин Салим Бухорий "Бухоронома" газетаси 1993 йил 6 май.

такомилаштирди ва давом эттирди. Бу билан у Урта Осиё тасаввуфининг иккита йирик намояндаси Аҳмад Яссавий ва Абдулхолиқ Гиждувоний сулуки, қонун қоида ва усуларини ўз таълимотига қўшди. Баҳоуддин таълимоти унинг давридаёқ Урта Осиёда нафақат шаҳарлар аҳолиси, оддий ҳунарманд, косиблар, савдо аҳли орасида, балки кўчманчи ва ярим кўчманчи туркий қабилалар орасида ҳам кенг қулоч ёйиб, мустаҳкам асосга эга бўлган сунний исломни янада кенг тарқатди. Шу йўсинда унинг лақаби билан Нақшбандия тариқати шаклланди.

XV асрдан бошлаб Нақшбандия аста-секин кенг тарқалган руҳий - маънавий тариқатга айланди. Бу заминда Баҳоуддин вафотидан кейин унинг муршидлари, кейинчалик халифа ва ворислари Хожа Алоуддин Аттор ва айниқса Хожа Муҳаммад Порсо Нақшбандияни бирлаштириш, унинг мавқеини кенг қўламда ёйиш ва ташкилий тузилишини мустаҳкамлашга жуда катта хизмат қилдилар. Ўзининг ижтимоий негизи билан шаҳар учун хос бўлган бу тариқат шаҳар савдо ва ҳунармандчилик муассасалари билан яқиндан боғланди, унинг хонақоҳ (бурчак, ҳужра, мужгавий, кулба)лари Мовароуннаҳрнинг деярли ҳамма йирик ва ўртача шаҳарларида пайдо бўлди.

Нақшбандия ўзининг сиёсий ва иқтисодий чўққисига Хожа Аҳрор (1404 -1490) даврида кўтарилди. Хожа Аҳрор шаҳар ва қишлоқларнинг кўзга кўринган гуруҳлари, жамоалари қўлаб-қувватлаши билан Темурийларнинг ўзаро ички низо ва урушларига фаол ва оқилона аралашди ва қирқ йил давомида шу йирик мамлакатнинг сиёсий ҳокими бўлди. Хожа Аҳрор фаолиятида деҳқончилик билан шугулланувчиларни ва шаҳар халқини ҳарбий - кўчманчи зодагонлар талон-тарожи ва босқинчилигидан ҳимоя қилиш асосий ўрин тутарди. "Маҳдуми Аъзам" (буюк ҳоким) фахрий номи билан машҳур бўлган тасаввуфнинг бу йирик намояндаси, деб танхилланган ул зот асли ҳозирги Наманган вилоятининг Косонсой туманидан бўлиб, Баҳоуддин Нақшбанддан кейин унинг йўлини давом эттириб, катта шухрат қозонди. У тасаввуфга оид бир неча асарлар ёзиб қолдирди.

"Нақшбандия назарияси ва амалиёти асосида Баҳоуддин Нақшбанднинг фақат Хожа Муҳаммад Порсо ва Алоуддин Аттор туфайли бизгача етиб келган гоё ва қарашлари ётади. Унинг бу гоё ва қарашлари "Мақомоти Нақшбандия" деб аталиб, Нақшбандиянинг ҳамма шаҳобчалари учун асос бўлиб қолди. Хожа Аҳрор давридан бошлаб Нақшбандия ҳокимият эгалари билан яқин муносабатда бўлиш орқали "уларни қалбига ҳукмрон бўлиб, улар сиёсатига таъсир кўрсатиш билан халқ манфаатини ҳимоя қилишни нафақат мумкин, балки мажбурий деб билди".<sup>3</sup>

Нақшбандиянинг дунёқараши тасаввуфнинг Урта Осиёдаги иккита тариқати: Абдулхолиқ Гиждувоний таълимотига акс эттирилган шаҳарликларга хос "ўртача" йўл ва Аҳмад Яссавийнинг кўчманчи туркий халқларга хос йўлини бирлаштирди ва ҳаётта мослаштиришди.

Нақшбандиянинг асосий йўли жон-жаҳди билан ҳаққа етишишига интилиш ичда хуфия зикр қилиш (Аллоҳ номини эслашни қалбга муҳрлаб

<sup>3</sup> "Халқ сўзи" газетаси 1993 йил 21 сентябрь

қалбда ифода этиш) ҳақиқий сўфийни четта чалғитадиган риёкорона художўйлик ва расм-русумларни, қирқ кун рўза тутиш, дайдилик, қашшоқлик, зикр қилишда мусиқа чалиш, ашула ва рақсга тушиб, ошкор зикр қилиш (само) ва овоз чиқариб зикр қилишни Нақшбандия инкор этади. Тариқат раҳнамосига унга асос солган авлиёларга, улар ҳоки ётган мазорларга сизиниб, улардан баракот ва мададни фақат Аллоҳгина беришга қодир, унинг бандалари бунга қодир эмас, руҳий покланиб, манфаатпарастлик, манманлик, кибриқдан тамоман воз кечиши, ихтиёрий фақирлик, ҳокимият билан бутунлай муносабатни узиш (Хожа Аҳрордан кейин мамлакат сиёсат ишига аралашшишга қисман йўл қўйилган)ни тарғиб қилади. Сўфийлар подшоҳ - ҳукмдор берган совға, ҳадяларни олмаганлар. Нақшбандияда унинг ҳамма тарафдорларига хос ягона марказ бўлмаган. Кейинчалик Нақшбанд мақбараси унинг ҳамма аъзолари учун зиёрат жойи бўлиб қолди. Жамоадаги итоаткорлик ва махсус хонақоҳда истиқомат қилиши учун бошқа тариқатлардан ҳеч нарсаси билан фарқ қилмайди. Нақшбандия зоҳидлик (тарки дунёлик)ни инкор этади, ҳамма "биродарлар" дунёвий-сўфийлар бўлиб, махсус масканларда яшашлари мажбурий эмас.

Нақшбанд ҳаёти, фаолияти асосида ҳақида Абдураҳмон Жомий "Нафаҳот ул-унс" Алишер Навоий "Насойим ул муҳаббат", Муҳаммад Порсо "Қудсия", "Мақомати Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд", Саид Шарифнинг "Тарихи Роқимий", Амир Ҳамза "Мақомати Амир Саид Кулол", Ҳусайн Воиз Кошифий "Футувватнома", Фахруддин Али Сафийнинг "Рашаҳот - ул айн - ул ҳаёт", Муборак ал-Бухорийнинг "Анисул - толибин ва уддатус - соликин" Абдул Муҳсин Муқаммад Бакир Алининг "Мақомати ҳазрат Хожа Нақшбанд" каби асарларида маълумотлар берилган. Турк олими Шамсуддин Сомийнинг "Қомус ал-аълум" китобида ҳам турк тилида қисқа маълумот берилган. Араб тилидаги "Ал-Мунжит" номли изоҳли лугатда ҳам Баҳоуддин номи Нақшбандия тариқатининг асосчиси сифатида эслатиб ўтилган.

XX аср бошларида Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти Нақшбандия тариқатига рус ва Европа олимларига қизиқиши пайдо бўлди. Рус шарқшунос олимларидан Б.Гордлевский, В.Б.Бартольд, Е.Э.Бертельс, А.А.Семёнов, П.П.Иванов, А.Болдирев, С. Демидов ва бошқаларнинг Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти ҳақидаги бир қанча мақолаларини босилиб чиқди. Европа олимларидан Х.Алгар, М.Моле, Ф.Юнг, Э.Брови, О.Попович каби олимларнинг инглиз, немис ва серб тилларида тасаввуф, Баҳоуддин ва Нақшбандия тариқатига бағишланган бир қанча китоб ва мақолалари чоп этилди.

В.Зоҳидов, И.Мўминов, О.Усмонов, А.Ҳайитметов, Н.Комилов, Ҳ.Ҳомидов, С.Олим. Э.Очилов, К.Раҳимов каби ўзбек олимларининг бу йўналишдаги тадқиқотлари мавжуд.

Афсуски, бу табаррук инсон Совет ҳокимияти даврида ўз ватанида эса ҳам олинмади, эсланса ҳам мутаассиб авлиё, унинг таълимоти социализм гоёларига бутунлай зид, ёшлар миясини заҳарлайди, деб баҳоланди. Халойиқ эса "Баҳоуддин Балогардон", "Баҳоуддин пирим қўлла-

синлар", "Баҳоуддин мададкор бўлсинлар" деб у зот номини эъзозлаб тилга оларди. Аксарият зиёлилар Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида ижобий фикр айтишдан ҳайиқарди.

Аллоҳга минг қатла шукурки, жаҳон миқёсида шуҳрат қозонган, олий фуқаро, подшоҳ ҳукмдорлар, буюк



олим ва шоирлар қалбидан жой олган, бизнинг фахримиз бўлган бу буюк инсон номи қайтадан тикланди. 1992 йил 3 ноябрда Республика Вазирлар Маҳкамасининг "Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди ва 1993 йил 17 сентябрда бу тантана халқаро миқёсида ўтказилди.

Кейинги даврда ҳам Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси янада ободонлаштирилди, "Ислом дарвозаси" қурилди. Ҳукуматимиз 2004 йил 27 майда "Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси марказини ташкил этиш тўғрисида" қарорни қабул қилди. 2008 йилдан эътиборан шу марказ муассислигида "Нақшбандия" номли ҳар уч ойда чиқадиган журнал нашр этиб келинмоқда. Мазкур зиёратгоҳда тасаввуф мактаби ҳам ташкил этилди. 2017 йил ёзида - 2018 йилда Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллик юбилейини ўтказиш ҳақида Президентимизнинг Фармойиши чиқди. Бу тўй фақат Ўрта Осиё халқларининг эмас, балки бутун ислом дунёсиники ҳам ҳисобланади.

Хуллас, ҳозирги пайтда ҳам пири комил зиёратгоҳ - Хожа Баҳоуддин Нақшбанд мажмуасида кенг қамровли ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари изчил олиб борилиб, халқимизнинг муқаддас зиёратгоҳига айланди.

#### Адабиётлар:

1. Донишмандлар туҳфаси. Т., 2009
2. Буюк юрт алломалари. Т., 2016
3. Ҳ. Ҳомидий. Тасаввуф алломалари. Т., 2016



# ONA VATANIMIZ MILLIY MANFAATLARI YO'LIDAGI FIDOKORLIK

Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий,  
тадбиркор бир киши, минг-минглаб тадбирсиз,  
лоқайд кишилардан яхшидир".  
Соҳибқирон Амир Темур

Ўрта Осиёнинг машҳур қомусий олими Абу Райҳон Беруний ҳаётининг кўзгуси "Илм - билим дилга ҳаёт бағишлайди", деб таърифлаган эди. Машҳур аллома Маҳмуд аз-Замахшарий эса "Илм - кўзнинг қорачиғи" деганлар. Расулиакрам ҳазратлари мусулмонларни диний ва дунёвий билимларни эгаллашга шундай даъват қилган эдилар: "Бир соат илм ўрганиш - бир кечалик ибодатдан яхши, бир кунлик илм сабоғи эса уч ой тутилган нафл рўзасида нафзал". Шунингдек, муборак ҳадиси шарифда таъкидланадики: "Илмига амал қиладиган, беҳуда гапдан тилини тиядиган кишилар нақадар яхши кишилардир".

Демакки, илмни пухта эгаллаб, катта иштиёқ билан илмнинг мазмун моҳиятини теран англаб яшаганларнинг гўзлари ҳам улуғ инсон саналади. Республикамизда таниқли ҳуқуқшунос олим, юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Акмал Холматович Саидов ҳам илмий тадқиқот ишларини давлат ва жамоат ишлари билан уйғун тарзда олиб бориб, ана шундай улуғликка эришган комил инсонлардан бири саналади.

У кишининг серқирра илмий-педагогик фаолиятига назар ташланса, у етук ҳуқуқшунос олим, давлат ва жамоат арбоби сифатида нафақат Ўзбекистонда, балки жаҳонда ҳам кўзга кўринган инсонлардан бири ҳисобланади.

А.Саидов 1958 йил 11-октябрда Тошкент вилоятининг Зангиота қишлоғида таваллуд топган.1981 йилда ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган. Юридик фанлари доктори, профессор, ЎзРФА академиги, 300 дан ортиқ илмий ишлари мавжуд. Рус, француз, инглиз тилларини билади.

А.Саидов 1997 йилдан буён Олий Мажлис, кейинчалик Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланиб, парламент таркибида қизгин иш олиб бормоқда. Айни вақтда 117- Касби сайлов округи бўйича Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Қонунчилик палатаси депутати сифатида самарали фаолият кўрсатмоқда. 2000 йилдан Олий Мажлиснинг янги тузилган қўмитаси - Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг раиси лавозимида ҳам ишлаб келмоқда.

2008 йилда Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат, нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини

қўллаб-қувватлаш  
Жамоат фондини  
ташкил этишда фаол  
иштирок этган. 2010  
йилдан ушбу Жамоат  
фонди маблағларини  
бошқарадиган  
Парламент  
комиссиясининг  
раиси лавозимида  
фаолият юритмоқда.



Академик

А.Саидовнинг серқирра ижтимоий-сиёсий фаолиятини бир нечта йўналишларга бўлиб, унинг фаолияти биринчи йўналишини "Акмал Саидов - қонуншунос олим" деб номлаш ўринлидир.

А.Саидов "Миллий тикланиш" демократик партиясининг парламентдаги фракцияси аъзоси сифатида - партия Дастури ва Низоми талаблари доирасида - қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш, янги қонунларни тарғиб этиш ва амадаги қонунлар ижроси устидан депутатлик ва парламент назоратини таъминлаш жараёнларида самарали иш олиб бормоқда.

Истиқдолнинг дастлабки кунлариданоқ Акмал Саидов Ўзбекистон миллий ҳуқуқ тизими асосларини шакллантиришда фаол иштирок этиб келмоқда. У Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасини тайёрлашда бевосита иштирок этган. "Давлат тили тўғрисида" ги қонунни тайёрлаш комиссияси, Конституциявий комиссия ва Конституциявий назорат қўмитасининг биринчи аъзоларидан бўлган.

Сайловга доир қонунлар, Омбудсман, референдум, фуқаролар мурожаатлари сингари демократик институтлар, нодавлат ноижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари тўғрисидаги қонунларнинг ташаббускори ва ижодкорларидандир.

Ўтган даврда қабул қилинган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги" ҳамда "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловлари тўғрисида"ги қонунларнинг янги таҳрири, "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонун, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Қонун, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун, шу каби бошқа қонун лойиҳаларини тайёрлашда қашқадарёликлар, хусусан, Касби ва Муборак туманларида яшайдиган аҳолининг Акмал Саидов билан учрашувларда билдирган таклиф-мулоҳазалари ҳисобга олинган.

Шу билан бирга, А.Саидов ўзи сайланган сайлов округи ҳудудидаги сайловчиларнинг таклиф ва илтимосларини атрофлича ўрганиб, Касби туманидаги Майманоқ ва Муборак туманидаги Қарлуқ қишлоқларида касб-ҳунар коллежи қуриш, шунингдек, Қарши бош каналини тозалаш ишларининг ташкил этилишида кўмаклашган.

Давлат ва жамоат арбоби сифатида амалга ошириб келаётган ишлари Акмал Саидов фаолиятининг иккинчи йўналишига киреди.

А.Саидов салкам қирқ йиллик меҳнат фаолияти мобайнида Ўзбекистон Ёшлар ташкилоти, Фалсафа ва ҳуқуқ институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жаҳон муаммолари институти, Тошкент Давлат юридик институти, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик марказида раҳбарлик лавозимларида хизмат қилган.

У Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказини ташкил этиш ташаббускорларидан бири ва 22 йилдан буён ушбу марказнинг директори ҳисобланади. "Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари" ҳамда "Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари" журналларининг бош муҳаррири ҳамдир. Шунингдек "Судебник" (Буюк Британия), "Московский журнал международного права", "Право и политика" (Россия) каби бир қатор хорижий ва миллий журналлар таҳрир ҳайъатларининг аъзоси ва республикамиздаги кўплаб етакчи нашрларнинг ҳам таҳрир ҳайъати аъзоси ҳисобланади.

Буюк Амир Темур бобокалонимиз тарихи ва маданиятига бағишлаб нашр этиладиган дунёда ягона нашр - "Соҳибқирон юлдузи" журналининг Қашқадарё вилоятида нашр этилишини йўлга қўйиш ташаббуси ҳам бевосита Акмал Саидовга тегишлидир.

Элчилик ва халқаро даражадаги фаолият - Акмал Саидов ижтимоий-сиёсий фаолиятининг учинчи йўналишини ташкил этади.

А.Саидов 1994-1996 йилларда Ўзбекистоннинг Франциядаги биринчи Фавқулодда ва мухтор элчиси ҳамда ЮНЕСКОдаги Доимий вакили сифатида фаолият кўрсатган. У Ўзбекистоннинг ЮНЕСКОдаги Доимий вакили сифатида Парижда Мирзо Улуғбек (1994) ва Амир Темур (1996) юбилейларини ташкил этиб, Гарб ва Шарқ маданиятларини яқинлаштиришга катта ҳисса қўшган. Бу борадаги сермахсул хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланиб, унга Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Фармонига мувофиқ Фавқулодда ва мухтор элчи дипломатик ранги - мартабаси берилган.

А.Саидов Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмитасининг эксперти бўлган. БМТнинг Устав ва шартномавий органларида, ЕХҲТнинг инсонийлик мезонлари бўйича кенгашларида, Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик тузилмаларида ва шу каби бошқа халқаро дипломатик анжуманларда иштирок этиб келмоқда.

У шунингдек, "Ўзбекистон - Бельгия" депутатлар гуруҳи раиси ҳамда "Ўзбекистон - Европа иттифоқи" парламентлараро ҳамкорлик бўйича қўмита аъзоси ҳисобланади. Ўзбекистон - Франция дўстлик жамияти ва Франциянинг Ўзбекистондаги "Альянс Франсез" жамияти раиси бўлган.

Шаҳрисабз ва Қарши шаҳарларининг ЮНЕСКО томонидан эътироф этилиб, Жаҳон номоддий маданий мероси рўйхатига киритилиши ҳамда мазкур ҳар иккала шаҳарнинг 2700 йиллик тўйлари жаҳон миқёсида кенг нишонланиши билан боғлиқ ташкилий жараёнларда фаол иштирок этган.

Акмал Холматович фаолиятининг тўртинчи йўналишини "Акмал Саидов - ҳуқуқшунос олим" деб аташ ўринли, деб ҳисоблашимиз, мумкин.

А.Саидов мамлакатимиздаги етакчи ҳуқуқшунослардан бирдир. У 1981-1984 йилларда Москвадаги Давлат ва ҳуқуқ институтининг аспиранти бўлган, 1984 йилда - номзодик, 1990 йилда эса докторлик диссертациясини ёқлаган,

1993 йили халқаро ва қиёсий ҳуқуқ профессори илмий унвонини олган. 2017 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси ҳақиқий аъзолигига (академикликка) сайланган.

А.Саидов 1985-1986 йилларда Фалсафа ва ҳуқуқ институтида катта илмий ходим, сектор мудир, 1991-1992 йилларда ушбу илмий муассасани директори, 1986-1987 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси Президиумида Фалсафа, иқтисод ва юридик фанлар бўлимининг илмий котиби бўлиб ишлаган. У асосий хизмат вазифалари билан бирга, 1985 йилдан буён олий таълим муассасаларида халқаро ва қиёсий ҳуқуқ, ислом ҳуқуқи, инсон ҳуқуқи назарияси ва амалиёти фанларидан дарс бериб келади. У халқаро ва қиёсий ҳуқуқ профессори сифатида ўз илмий мактабини яратган. Олимнинг раҳбарлигида ҳозирги кунга қадар 40 нафардан ортиқ фан номзодлари, ҳуқуқ фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан докторлари илмий ишини ёқлаган.

Етакчи олим томонидан юртимизнинг йирик олий таълим муассасаларида халқаро ҳуқуқ, қиёсий ҳуқуқшунослик, ислом ҳуқуқи, инсон ҳуқуқлари назарияси ва амалиёти, ЮНЕСКОнинг Инсон ҳуқуқлари, демократия, бағрикенглик ва халқаро тушунтиш кафедраларига илк бор асос солинган. Унинг ташаббуси билан Самарқандда ЮНЕСКОнинг Марказий Осиёни ўрганиш халқаро институти ташкил этилган. У Халқаро қиёсий ҳуқуқ академиясининг мухбир аъзоси, Конституциявий ҳуқуқ халқаро ассоциациясининг ҳақиқий аъзоси, Франция Қиёсий қонуншунослик жамиятининг хорижий аъзоси. Шу давлатдаги "Осиё" жамияти аъзоси, Осиё ва Тинч океани минтақаси юристлари халқаро ассоциацияси, Россия Халқаро ҳуқуқ ассоциацияси аъзоси, шунингдек, Париж-1 Сорбонна университетининг таклиф этилган профессоридир. У 100 дан ортиқ халқаро илмий анжуманларда қатнашган.

Акмал Саидов қиёсий ҳуқуқшунослик, халқаро ҳуқуқ, конституциявий ҳуқуқ, инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқи, давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи, ислом ҳуқуқи бўйича 30 дан ортиқ дарслик ҳамда ўқув қўлланмалари, 300 дан зиёд рисола ва илмий мақолалар муаллифидир. Асарлари АҚШ, Буюк Британия, Франция, Италия, Австрия, Германия, Польша, Бельгия, Ҳиндистон, Хитой, Япония, Жанубий Корейя, Россия, Украина, Қозоғистон ва бошқа давлатларда чоп этилган.

Олим фаолиятининг бешинчи йўналишини "Акмал Саидов - маърифатпарвар адиб" деб номлаш мумкин.

Шарқ ва Ғарб мамлакатларини яқинлаштиришда фаолиқ кўрсатётган Акмал Саидов



"Амир Темур ва Франция", "Люсьен Керен – темуршунос олим" рисоалари, "Амир Темур – дунё илм фани кўзгусида" номли библиография, "Атторшунослик", "Ҳазрат Занги ота", "Амир Темур ва Султон Мирҳайдар ота" каби бир қатор китоблар, Шарқ ва Ғарб адабиёти ва санъати, ҳуқуқи ва фалсафаси талқинига бағишланган юзлаб илмий-оммабоп мақолаларнинг муаллифи.

Олимнинг темуршунослик йўналиши бўйича кенг фаолиятига қуйида алоҳида тўхталиб ўтилади.

Ўзбек китобхонини Ғарбнинг юрист-адиблари ижоди билан таништириш Акмал Саидовнинг маънавий-маърифий фаолиятида алоҳида ўрин тутди. Бу йўналишда олимнинг "Шекспир ва юриспруденция", "Данте – юрист", "Иммануэл Кантнинг фалсафий-ҳуқуқий мероси ва замонавий юриспруденция", "Ҳофман немис ва ўзбек юристи нигоҳида", "11 француз юрист-адиблари", "Гёте – юрист", "Кафка – юрист" каби бир қанча асарлари ўзбек, рус, инглиз, француз ва немис тилларида нашр этилган.

Бугунги кунда юртимиз болалари севиб мутолаа қилаётган Эрнест Теодор Амадеус Ҳофман қаламига мансуб "Ҳофман эртаклари" китоби, Антуан де Сент-Эксюперининг "Кичкина шаҳзода", Виктор Гюгонинг "Клот Гиё" асарлари каби сара китобларнинг ўзбек тилида нашр этилишида ҳам ташаббускор бўлган.

Шунингдек олим тарихий манбашунослик соҳасида ҳам салмоқли илмий изланишлар олиб бориб, буюк олим Бурхониддин Марғинонийнинг (1123–1197) машҳур "Ал-Ҳидоя" асарини нашр эттиришга бевосита раҳбарлик қилди. Тошкент ва Москва шаҳарларида чоп эттирди. Машҳур ҳадисшунос олим Абу Исо Муҳаммад ат-Термизийнинг (824–892) "Сунани ат-Термизий" ("Термизий суннатлари"), шоҳ ва шоир Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг (1483–1530) ислом дини ақидалари фалсафасига оид "Мубаййин" ("Мубайян") асарларини босиб чиқарилишида ҳам жонбозлик кўрсатди.

У "Атторшунослик", "Ҳазрат Занги ота", "Амир Темур ва Султон Мирҳайдар ота" китобларини ёзиб, юртимиз азалдан аллома ва мутаффакирлар бешиги эканлигини илмий асослаган ҳолда ул буюк зотларнинг бой меросидан барчамизни тўла баҳраманд этди. Шунингдек, "Авесто Видевдати", ўзбек давлати ва ҳуқуқи тарихи, ўзбек давлатчилиги ҳамда Ўзбекистон цивилизацияси тарихи бўйича ҳам бир қатор салмоқли асарлар яратди.

А.Саидов 1998 йилда "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони, 2002 йилда "Меҳнат шуҳрати", 2006 йилда "Дўстлик" ва 2017 йилда "Буюк хизматлари учун" орденлари билан тақдирланган.

Академик А.Саидовнинг жамоатчилик фаолиятини мамлакатимиз, қолаверса Қашқадарё вилояти билан узвий боғлиқ дейиш мумкин. Депутат сифатида вилоят, туманлар Кенгашлари сессияларида ва турли маънавий-маърифий тадбирларда фаол қатнашади. Меҳнатқашлардан ўзнинг бегараз ёрдами ва фойдали маслаҳатларини асло аямайди. "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" дастурларини рўйбга чиқаришда ҳам ташаббускорлик кўрсатмоқда.

Фахрий профессор сифатида ҚарДУ, Қарши МИИ, ТАТУ Қарши филиали ва вилоятдаги бошқа кўпгина ўрта махсус ўқув юртларида ҳам долзарб масалалар бўйича туркум маърузалар ўқийди ҳамда маънавий-маърифий тадбирларда фаол қатнашади.

"Акмал Саидов - темуршунос олим" академик аллома фаолиятининг бешинчи йўналишига киради.

Акмал Холматович Саидов қарийб чорак аср мобайнида мамлакатимизда, қолаверса жаҳонда шакланган темуршунослик йўналишида буюк Соҳибқирон Амур Темур ва темурийлар даври тарихини теран ўрганиш соҳасида ҳам баракали илмий - тадқиқотларни амалга оширди ҳамда кенг қамровли ташкилотчилик ишларини ҳам олиб борди.

Академик А.Саидовнинг темуршунослик йўналишидаги ташкилотчилик ва илмий фаолиятини шартли равишда қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Ташкилий - жамоатчилик ишлари;
2. Темуршунослик бўйича жаҳонда қарвонбошилиқ қилаётган француз шарқшунослари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кучайтириш;
3. Гарб олиму адибларининг Амир Темур ҳақидаги асарларини кенг тарғиб этиш, таржима қилиш ва нашр эттиришга амалий кўмак бериш;
4. Мазкур йўналиш бўйича халқаро, республика илмий анжуманларини уюштириш ва тўпламларини чиқаришга ёрдамлашиш;
5. Темуршуносликка оид китоб, рисола, тўпламларга масъул муҳаррирлик қилиш, сўзбоши, тақризлар ёзиш.

Қуйида сермаҳсул темуршуноснинг юқоридаги йўналишлар бўйича амалга оширган салмоқли ишлари баёни қисқача ёритилади.

Маълумки, Ўзбекистон мустақилликка эришгач БМТга (1992 йил 2 март) ва ЮНЕСКОга (1993 йил 29 октябрь) тўлақонли аъзо бўлди. Тошкентда бу халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари ҳам очилди.

Юқорида таъкидланганидек, А.Саидов 1994 - 1996 йилларда Ўзбекистоннинг Франциядаги биринчи Фавқулодда ва мухтор элчиси ҳамда ЮНЕСКОдаги Доимий вакили сифатида фаолият кўрсатди. У Ўзбекистоннинг ЮНЕСКОдаги Доимий вакили сифатида Парижда Мирзо Улугбек (1994) ва Амир Темур (1996) юбилейлари тантаналарини ўтказишда фаол қатнашди.

У 1995 йил август ойида ЮНЕСКО Бош директори Федерико Маёр Тошкент шаҳрига ташриф буюриб, Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида Меморандум имзоланди. А.Саидовнинг ташаббуси билан Самарқанд шаҳрида ЮНЕСКОнинг Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти очилди. Мазкур институт раҳнамолигида 6 жилдлик халқаро тадқиқот - "Марказий Осиё цивилизациялари тарихи" номли йирик лойиҳа амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссияси тузилиб Марказий Осиё мамлакатлари учун махсус дастур ҳам ишлаб чиқилди.

У 1995 йилнинг кузида Парижда ЮНЕСКО Бош Ассамблеяси 28-сессиясида жаҳон жамоатчилиги томонидан Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини кенг нишонлаш ва 1996 йилни "Амир Темур йили" деб номлаш ҳақидаги тарихий қарорларни қабул қилишда ҳам катта жонбозлик кўрсатди.

Биринчи Президентимиз И. А. Каримов 1996 йил 24 апрелда Париж шаҳрида ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг сессиясида "Ўтмишсиз келажак, ҳамкорликсиз тараққиёт бўлмайди" мавзуида нутқ сўзлади.

Шу куни Париждаги юбилей тантаналари доирасида Франция

Президенти Жак Ширак, Биринчи Президентимиз Ислон Каримовга буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг 1402 йилда Франция қироли Шарль VI га йўлаган номасини тақдим этди. Ушбу мактуб Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллигига ҳақиқатан ҳам муносиб совға бўлган эди. Бу тантаналарда А. Саидов ҳам фаол қатнашганди.

А. Саидов хизмат вазифаси туфайли Парижда бир муддат яшаган даврида Мирзо Улугбек таваллудининг 600 йиллиги тадбирида (1994), Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати (1996 йил 24 апрель) билан ЮНЕСКО қароргоҳида ўтказилган "Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб яшнаши" мавзuidaги маданият ҳафталиги доирасида жаҳон темуршунос олимларининг халқаро илмий анжуманига тайёргарлик кўриш ва ўтказишда фаол иштирок этган ҳамда анжуманда сермазмун маъруза қилди.

Академик А.Саидов ёзадики, "Ҳали кечагидек эсимда: буюк бобокалонимизнинг 660 йиллик тантаналарида марказий ўринни "Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб яшнаши" маданият ҳафталиги эгаллади. Ҳафталик дастурида Амир Темур ва темурийлар сулоласи илмий-маданий мероси ҳақида тарихий кўргазмада мустақил Ўзбекистонни ҳозирги замон тасвирий санъати асарларнинг энг яхши намуналари намойиш этилди. Бундан ташқари, кўп асарларга бой ўзбек миллий амалий санъати вакиллари хорижлик меҳмонларни ўз ижоди билан таништириш имкониятига эга бўлдилар. Ўзбекистон санъат усталари ўзларининг авж дилрабо қўшиқлари билан тадбир аҳлини мамнун этдилар".

У Ўзбекистоннинг ЮНЕСКОдаги вакили сифатида Бухоро, Хива шаҳарларининг 1997 йил 2500 йиллигини ўтказиш ҳақида ушбу нуфузли халқаро ташкилотнинг қарори қабул қилинишига ҳам муносиб ҳисса қўшди.

Истиқлол даврида Самарқанд шаҳрининг 2750, Шаҳрисабз ва Қарши шаҳарларининг 2700, Термиз, Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги, Маргилон шаҳрининг 1000 йиллиги, "Алпомиш" достонининг 1000 йиллиги, "Хоразм Маъмур академияси"нинг 1000 йиллиги кенг нишонланганлиги ҳам ЮНЕСКО раҳнамолигида ўтказилди. Кўплаб буюк аллома, олиму фузалоларимизнинг юбилейлари ҳам ташкил этилди.

А.Саидов Шаҳрисабз шаҳрининг ЮНЕСКО томонидан эътироф этилиб, Жаҳон номоддий маданий мероси рўйхатига киритилишига ҳамда Шаҳрисабз ва Қарши шаҳарларининг 2700 йиллигини бутун жаҳон миқёсида кенг нишонланиши билан боғлиқ ташкилий жараёнларда ҳам фаоллик кўрсатди.

1996 йил 24 апрелда Парижда ЮНЕСКО Бош қароргоҳида Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислон Каримов "Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб яшнаши" номли кўргазма маросими очилишида "Амир Темур давридаги бунёдкорлик ва ҳамкорлик руҳи бизга намуна бўлсин" мавзuida маъруза қилди. Ўрта асрларда яшаб ўтган Амир Темур ҳазратлари шарофати билан ўтказилган бундай тадбирнинг барҳаёт тарих, маданият, маънавият, мангу гўзаллик ифодаси уфуриб турган Париж шаҳрида ўтказилиши катта рамзий маънога эга эканлиги таъкидланди (Амир Темур Ғарб олимлари нигоҳида. -Т.: "Daily press", 2016. - Б.81)

Тантаналарда Франциянинг ўша даврдаги Президенти Жак Ширак, ЮНЕСКОнинг ўша пайтдаги Бош директори Ф.Майорлар қатнашишди. Ислон Каримов Ф.Майорга "Дўстлик" ордени ва Л.Керенга эса "Шуҳрат"

медалини топширди. Бу тадбирда элчи ва ЮНЕСКО Доимий вакили сифатида А.Саидов ҳам фаол иштирок этди.

Олимнинг "Халқ сўзи", "Народное слово", "Правда Востока", "Новости Узбекистана", "Миллий тикланиш", "Қашқадарё" газеталари, Темурийлар (La Timuride) (Франция), "Политика и общество (Москва) каби нашрлари ҳамда республикамизнинг нуфузли журналларида Темурийлар меросининг долзарб масалаларига бағишланган кўплаб сермазмун илмий - оммабоп мақолалари босилиб чиқди.

Юбилей тантаналари доирасида 1996 йил 24 октябрда Тошкент шаҳрида Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган халқаро илмий конференцияда Биринчи Президентимиз Ислон Каримов "Амир Темур - фахримиз, гуруримиз" мавзuida маъруза қилди. Ушбу нуфузли анжуманга тайёргарлик кўриш, ўтказиш ва тўпламни нашр эттиришда ҳам А.Саидовнинг муносиб ҳиссаси бор, албатта.

А. Саидов Франциядаги меҳнат фаолиятининг дастлабки даврида машҳур француз темуршунос олими Люсьен Керен (1930 - 2013) билан яқиндан танишиб, илмий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган ва бир пайтда қатор асарлар яратди. У Л.Керен, академик Э. В. Ртвеладзе билан ҳамкорликда Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллигига бағишланган халқаро илмий - назарий конференция материаллари матнини тўплам шаклида чоп эттирди.

У таниқли француз темуршунос олими Люсьен Керен 1997 йил 22 мартда Парижда ташкил этган "Темурийлар тарихи ва санъатини ўрганиш ҳамда француз - ўзбек маданий алоқалари" уюшмаси, мазкур уюшманинг ҳозирги раҳбари Фредерик Бепортюи Брессан хоним (ҳозирда Самарқанд шаҳрининг фахрий фуқароси) саъй - ҳаракатлари туфайли ривожлантирилаётган махсус "Темурийлар" (La Timuride) бюллетени таҳрир ҳайъати билан яқиндан алоқа ўрнатди.

А.Саидов, Л.Кереннинг "Амур Темур салтанати" (Т., 1999, Париж; Т., 2016), "Буюк Амир Темур" пьессаси (Т., 2006), Самарқандга, Темур даврига саёҳат" (Париж, 1990, 1999, 2002, 2006; Япония, 1996) асарларини яратиш, таржима қилиб нашр эттирилишида ўзининг амалий маслаҳатларини берди.

У Л.Керен билан ҳамкорликдаги "Амур Темур ва Франция" китоби 1996, 2016 йилларда нашр этилди. Л.Керен илмий фаолиятига бағишланган "Қалб амри билан" номли ҳужжатли фильм яратилди. Л.Кереннинг илмий меросини Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистонда тарғиб ва ташвиқ этишда, унинг айрим асарларини кенг оммага етказишда Акмал Холматовичнинг хизматлари бениҳоя каттадир. Л.Керен кексайганда ҳам уни А.Саидов ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлади, асарларини таржима қилдирди, нашр эттириб, хайрли ва савоб ишларни амалга оширди (Р.Шамсутдинов. Франциянинг ўзбеклар қалбидан мангу жой олган зиёли фарзанди (А.Саидов. Люсьен Керен - темуршунос олим. - Т.: "Чўлпон" НМИУ, 2018, 289 б.)

Самарқанд шаҳрининг фахрий фуқароси Брессанд хонимнинг "Самарқанднинг мовий тилласи" (Париж, 1998), "Фусункор Самарқанд"(Париж, 2003) асарларини босилиб чиқишини қўллаб - қувватлади.А. Саидов ҳозирги пайтда ҳам жаҳон, жумладан француз темуршунослари - Брессанд хоним, Луи Базен, В.Фурньо ва бошқалар билан яқиндан илмий ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Машҳур инглиз ва олмон бастакори Георг Фридрих Генделнинг (1685 -

1759) "Амур Темур" операси (уч пардали мусиқали драма, рус тилидан ўзбек тилига Гулом Мирзо таржимаси) 2015 йилда Тошкентда А.Саидовнинг сўзбошиси билан нашр этилди.

Олим ўзи бош-қош бўлиб тайёрлаган "Амур Темур Фарб адиблари нигоҳида" (Т., 2016) салмоқли китобда Фарб дунёси адибларининг Соҳибқирон ҳақидаги асарларини жамлаб, масъул муҳаррирлик қилган ва мухтасар сўзбоши ёзган. Шунингдек, китобдаги ҳар бир адибнинг асарига ҳам алоҳида сўзбоши битган. Ушбу китобга асарларни тўплаш ва нашр қилишда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, зукко адиб ва моҳир таржимон Гулом Мирзонинг хизматлари бениҳоя таҳсинга лойиқдир.

Мазкур тўпламга инглиз драматурги Кристофер Марлоннинг (1564 – 1593) "Соҳибқирон Темур" пьессаси (рус тилидан Маъруф Жалилтаржимаси), олмон адиби Йоҳанн Волфганг Гётенинг (1749 – 1532) "Фарбу Шарқ" девони (рус тилидан С.С.Бухорий таржимаси), Америкалик шоир, ношир, мунаққид Эдгар Аллан Понинг (1809 – 1849) "Буюк Темур" (Таржимон М.Аъзам), "Темурбек" (Фахриёр таржимаси), "Буюк Темур" (инглиз тилидан Д.Иброҳимова таржимаси) дostonлари, аргентиналик машҳур шоир, адиб, публицист Хорхе Луис Борхеснинг (1899 – 1986) "Амир Темур" дostonи (Гулом Мирзо таржимаси), атоқли рус адиби Иван Буниннинг (1870 – 1913) "Темурхон", ҳикояси, "Чўғ", "Чодирда" шеърлари (рус тилидан Гулом Мирзо таржимаси), таниқли француз олими ва адиби Л. Кереннинг (1920 – 2013) "Буюк Темур" номли 6 пардали пьессаси (таржимонлар Ш.Миноваров, Д.Бобожонов, Д.Махсудовлар) асарлари киритилган. Китобнинг охирида эса Фарб олиму адибларининг Амир Темур сиймосига берган ҳаққоний баҳолари илова қилинган.

Шунингдек, А.Саидов Испания (Кастилия) элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг "Кундаликлари"га мухтасар сўзбоши ёзиб, нашр эттирди. "Амир Темур Европа элчилари нигоҳида" номли китобига Султония архиепископи Иоаннинг Амир Темур саройи ҳақидаги хотиралари ҳам киритилган.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Гулом Мирзо томонидан Нобель мукофоти совриндори Иван Буниннинг "Тийрамоҳ" номли таржималар тўплами нашр этилди. Тўпламга академик Б.Назаров масъул муҳаррирлик қилган, академик А.Саидов эса мухтасар сўзбоши ёзиб, машҳур адибнинг ҳаёти ва ижодига муфассал тўхталган. Тўпламдан И.Буниннинг "Темурхон" ҳикояси ҳам ўрин олган ("Китоб дунёси" газетаси, 2018 йил 24 октябрь)

А.Саидов темуршунослик бўйича Париж (1996), Тошкент (1996, 2014, 2017), Андижон, Қарши ва бошқа йирик шаҳарлардаги кўплаб халқаро ва республика анжуманларида қатнашди. Ҳозирги кунда ҳам темуршунослик илмий анжуманларида фаол иштирок этиб келмоқда.

Ҳозирги анъанага кўра, ҳар йили 9 апрель куни эрталаб Амур Темур таваллуд топган табаррук кунда пойтахтимиз азим Тошкент шаҳрининг қоқ марказидаги ул зотнинг муҳташам ҳайкали қошида буюк бобокалонимиз хотирасига бағишлаб Соҳибқирон номи билан аталадиган майдонда кенг жамоатчилик иштирокидаги маданий-маърифий тадбирни доимо А.Саидов кириш сўзи билан очади. Тадбирда Франция ва бошқа чет эл элчихоналари ходимлари, йирик темуршунос олиму адиблар, ёшлар вакиллари нутқ сўзлашади. Соҳибқирон ҳайкали пойига эҳтиром билан гулчамбарлар

қўйилади. Темурийлар тарихи Давлат музейида эса буюк бобокалонимиз хотирасига бағишланган илмий - амалий анжуман ўз ишини давом эттиради.

А. Саидов ўзи бош муҳаррирлик қилаётган "Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари", "Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари" журналларида ҳам темуршуносликка оид мақолаларга кенг ўрин берилиб, мунтазам ёритиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат, нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини Жамоат Фонди орқали темуршунослик йўналишига алоқадор лойиҳаларга ҳам грант ажратишга кўмаклашади.

Республика темуршунос олимларининг китобларига сўзбоши, сўнгсўз, тақризлар ёзиш, масъул муҳаррирлик қилиш, қолаверса бу йўналишдаги китобларни нашр қилинишида ҳам Акмал Холматович ўзининг беғараз амалий ёрдамини асло аямайди.

Юқорида таъкидланганидек, А. Саидов 2010 йилдан буён Қарши шаҳрида чиқадиган адабий - бадиий, илмий, ижтимоий - маърифий нашр - "Соҳибқирон юлдузи" журналининг ташкил этишда ташаббускор бўлган. Таҳрир ҳайъатининг фаол аъзоси ва пешқадам муаллифи сифатида журнал мундарижасини бойиб, янада ўқимишли бўлиши учун доимо амалий кўмаклашаётганлигини алоҳида эътироф этиш лозим. Академик олимнинг мазкур журналда 10дан зиёд сермазмун мақолалари босилиб чиқди. Баъзи мақолалари журналхонлар истагига кўра қайта нашр этилмоқда. Сергайрат олим Қарши шаҳрида ва вилоят туманларида ўтказиладиган анъанавий темурхонликларда ҳам фаол қатнашмоқда.

Қилинган таҳлилдан кўриниб турибдики, академик Акмал Саидов ўзбек, қолаверса жаҳон темуршунослигида ҳам ўз ўрни ва мавқеига эга. Олим мазкур йўналиш бўйича ҳозиргача 100га яқин асарлар нашр эттирди. Буни миллий темуршуносликка қўшилган салмоқли боблардан бири дейиш мумкин.

Табиийки, бир мақолада академик Акмал Саидовнинг қарийб чорак асрдан зиёд вақтда юқоридаги йўналишлар бўйича олиб борган кенг кўламдаги илмий изланишлари ва фаол ташкилотчилик фаолиятини батафсил ёритиш қийин, албатта. Бу алоҳида ва махсус илмий изланишлар олиб боришни тақозо қилади, албатта.

У киши ҳаёти, илмий ва жамоат фаолиятида "Ўзбекистоннинг буюк келажакига бор билим ва малакамиз, ижодий куч қудратимизни бағишлаш орқали Она Ватанамизнинг миллий манфаатлари йўлида фидокорона хизмат қилишдир" гоясига қатъий амал қилади.

Айни вақтда илм-фан ва фаол ташкилотчиликда баркамоллик даражасига эришган, халқимизнинг фидойи ўғлони, таниқли давлат ва жамоат арбоби, етук олим, дили пок, сўзи пок ва ўзи пок инсон, академик Акмал Саидовга Яратгандан янада узоқ умр, доимо тансиҳатлик, оилавий бахт ва юксак ижодий парвозлар тилаймиз.

Домладан келгусида янада кўплаб сермазмун асарлар кутиб қоламиз. У кишининг бу эзгуликка йўғрилган хайрли ва ибратли ишларида буюк Соҳибқирон Амир Темур бобокалонимизнинг руҳлари доимо мададкор бўлсин, деб самимий тилаклар билдирамыз.

Шеърят мулкининг султони Алишер Навоий мадҳ этганидек:

Бу гулшан ичра ким йўқдур бақо гулига сабот,  
Ажаб саодат эрур яхшилик билан чиқса от.



# САГАНА ТОШЛАРДАГИ СИРЛИ БИТИКЛАР

Қашқадарё вилоятининг энг гўзал тарихий шаҳарларидан ҳисобланган Шаҳрисабз шаҳри бир неча минг йиллик тарихга эга замин саналиб, ҳозирги кунгача олимлар тадқиқотчилар диққат эътиборини ўзига жалб қилиб келган. 1996 йилда Амир Темур бобомизнинг 660 йиллик таваллуди олдидан "Оқ сарой", "Дор ут-тиловат", "Дор ус-саодат" мажмуалари ҳудудларида Тошкент Давлат университети ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги миллий университети, ЎзРФА Самарқанд археология институти ҳамда Амир Темур номидаги моддий-маданият тарихи музейи илмий ходимлари ҳамкорлигида археологик илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. Археологик қазिशмалар вақтида XIV-XV асрларга оид сангтарошлик намуналари, яъни Амир Темур ва темурийлар даврига оид безакли сағана тошлар топилди. Бу сағана тошлар бутун ва синиқ ҳолда бўлиб, Шаҳрисабз шаҳар Амир Темур номидаги моддий маданият тарихи музейида сақланмоқда.

Куйида музей жамланмасида мавжуд сағана тошлардаги айрим битикларнинг таснифи келтирилади. Битикларнинг таржимаси Қашқадарё вилояти Китоб шаҳри "Хожа Бухорий" номли ислом билим юрти хаттотлик фани ўқитувчиси Ашраф Одинаев томонидан таржима қилинди.

Сағана тош (КП -665, ИНВ-182) XIV асрга оид, ўлчами 119x27x16 см. Бу сағана тоши 2005-йилда "Дор ут-тиловат" мажмуасидан топилган.

Сағана тош юзасида ўсимликсимон тасвирлар ва эски ўзбек ёзувида битиклар бўртма шаклда берилган. Битиклардаги мазмун куйидагича.

*"Эй бизнинг умримизнинг муниси ҳамдами,*

*Биздан салом бўлсин ... "*

Сағана тошининг атрофига битилган ёзувларнинг юқори исмини ўқишнинг иложи бўлмади чунки ҳарфлар кўринмай ўчиб кетган.

Сағана тошининг пастки қисмида куйидаги ҳикматли сўзлар ёзилган

*"...Бизнинг макону тупроғимиздан ҳавога ифор таралсин.*

*Бир июятли йўлни кўрсатти неъмат бергувчи богбон-Маннон".*

Сағана тошининг иккинчи томонида битилган ёзувлар куйидагича :


*"Бировнинг фатҳи-очилиши билан ишга киришар эдилар".*

Тепа қисмидаги ёзувлар ўчиб кетган, ўқишнинг иложи бўлмади. Пастки қисмида куйидаги ҳикматли сўзлар мавжуд:

*"Аммо кўринишидан умидли қандайдир ҳолатни билиб бўлмас.*

*Агар ер юзининг бор мулкига эга бўлсанг,*

*Бир кунлик ҳаётдаги муҳлатнинг баҳоси бўлмас".*



Сағана тош (КП-668, ИНВ-183) XV асрга оид бўлиб, ўлчами 127x27x18см. 2005-йилда "Дор ут-тиловат" мажмуасидан топилган. Усимликсимон нақшлар бўртма шаклда берилган.

Тошдаги безаклар орасида куфий ёзувида пайгамбаримиз "Муҳаммад" (саллалоҳу алайҳи васаллам) нинг исмлари битилган. Айлана бўйлаб тошлар атрофида Шайх Саъдийнинг қуйидаги газали битилган.

*Жуда юксак раҳми тангримиз бор,  
 Гуноҳкормиз, неча умидимиз бор.  
 Ким очгай гар ёпилса ҳақ эшигин?!  
 Келинг, даргоҳида нола қилайлик.  
 Узинг бердинг ато руҳ, ақли, иймон.  
 Йўқса, қолардик ўшал бир сиқим тупроқ.  
 Худойим лутф ила бизни тузатил  
 Қолибмиз чорасиз гумроҳ ҳаётда  
 Узинг раҳм айлагил кўрсатма бизга-  
 Ушал кун ноумид бош ушламайлик  
 Бу ақли ичра сиғдирмас Саъдий  
 Келгин, шайдо бўлиб бош чиқарайлик.*

Сағана тошнинг иккинчи томонида қуйидаги ҳикматли сўзлар битилган:  
 Агар йиғлоқи бўлса, тезда танитамиз,  
 Айрилиқ кунда сени фироғингда йиғладим.



Сағана тош (КП-669, ИНВ-186) XV асрга оид бўлиб, ўлчами 156x26x15см. 2005-йилда "Дор ут-тиловат" мажмуасидан топилган. Бутун ҳолатда. Усимликсимон тасвирлар бўртма шаклда берилган бўлиб, тошдаги ёзувлар яхши сақланган.



Тошнинг айлана ва четларидаги ярим доиралар ичида "Муҳаммад" (саллоху алайҳи васаллам) деб ёзилган бўлиб, тошнинг атрофи бўйлаб Шайх Саъдийнинг қуйидаги газали битилган:

*Жуда юксак раҳмли тангримиз бор,  
Гуноҳкормиз, неча умидимиз бор.  
Ким очгай гар ёпилса ҳақ эшигин?!  
Келинг, даргоҳида нола қилайлик.  
Ўзинг бердинг ато руҳ, ақли, иймон.  
Йўқса, қолардик ўшал бир сиқим тупроқ.  
Худойим лутф ила бизни тузатти  
Қолибмиз чорасиз гумроҳ ҳаётда  
Ўзинг раҳм айлагил кўрсатма бизга-  
Ўшал кун ноумид бош ушламайлик  
Бу ақли ичра сиғдирмас Саъдий  
Келгин, шайдо бўлиб бош чиқарайлик.  
Сағана тошнинг иккинчи томонида қуйидаги ҳикматли қасида ёзилган.  
Кетақол, яшама кек-зиён сақлаб,  
Бу ёшлик умрингга ишонма сўзлаб.  
Агар оқил эрсанг, сўзим қулоқ сол,  
Тилингни беҳуда сўздан тийиб қол.*



Хуллас мазкур сағана тошидаги битиклар ўлкамиз тарихини ўрганиш учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

# SOHIBQIRON AMIR TEMUR SALTANATIDA HARBIY QO'SHINLARNING TUZILISHI VA TARKIBI

Ўзбекистонда истиқлол туфайли содир бўлаётган туб демократик ўзгариш ва янгиланиш жараёни Соҳибқирон Амир Темурнинг туркий халқлар давлатчилиги анъаналарини, тажрибаларини, ислом дини ҳамда шариат қонун-қоидаларини барпо этилган қудратли давлатнинг асосий дастури қилиб, ўз сиёсати ва ҳукмини заминнинг жуда кенг минтақаларига ёйганлиги ҳақидаги бор ҳақиқатни бекаму кўст билишга, рўй-рост англаб етишга имкониятлар яратди.

Марказий Осиё халқлари тарихида XIV–XV асрлар музаффар саркарда, буюк давлат арбоби Амир Темур ва унинг авлодлари – темурийлар сулоласи ҳукмронлиги билан боғлиқ улкан сиёсий ўзгаришлар ва айна бир вақтда иқтисодий ҳамда маданий, илм-фан – жамият ҳаётининг барча соҳаларига дахлдор ривожланишлар даври бўлди. Шунинг учун ҳам бу даврни дунё илмий тадқиқотларида Марказий Осиё тарихидаги буюк уйғониш даври деб баҳолаб келинмоқда.

Бутун онгли умрини "Рости русти", яъни "Ҳақ бўлсанг нажот топасан", "Куч – адолатда" сингари инсонпарварлик руҳи билан йўғрилган шиорларга суянган ҳолда сиёсат юритишга сарф қилган Темурбекнинг табиат инъом этган ақл-заковат, қобилият ва ҳарбий маҳоратни ишга солиб, давлатни идора қилиш усул ҳамда услублари андозаларини белгилаб бериш борасидаги саъй-ҳаракатлари, илгари сурган фикр-мулоҳазалари ўз ўтмишига янгича назар билан ёндашаётган бугунги авлод томонидан ҳар томонлама чуқур илмий асосда ўрганилмоғи, ижтимоий фанлар соҳалари мутахассислари олиб боражак тадқиқотлар учун янги мавзу бўлмоғи керак.

Амир Темур ўз фаолияти давомида ўзига хос адолат мезонларига асосланган давлат барпо этди. Маълумки, Соҳибқирон салтанати икки бошқарув маҳкамасидан: даргоҳ ва девондан иборат бўлиб, даргоҳ ишларига бевосита ҳукмдорнинг ўзи бошчилик қилган, девон ишларини эса мамлакат бош вазири – девонбеги бошқарган. Девонда фаолият кўрсатган вазирликлар орасида "вазири сипоҳ", яъни ҳарбий ишлар бўйича вазир ҳам бўлиб, у аскарларнинг маоши ҳамда озиқ-овқат ва қурол-яроғлари таъминоти билан машғул бўлган.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> А.Мухаммаджонов. Темур ва темурийлар салтанати. Т., 1996. 25-бет.

Темурбек Мовароуннахр тахтига кўтарилганда унинг олдида икки йирик вазифа турарди: бири - тарқоқ ўлкани бирлаштириш, иккинчиси - мўгул босқинчиларининг ҳужумига чек қўйиш. Шунинг учун ҳам кучли ҳарбий лашкар тузишга киришди. Шу билан бирга давлат бошқарув ишларини шу ҳарбий сиёсатга қўшиб олиб борди. Соҳибқирон ҳамиша адолат ва ҳақиқат ақидаларидан чекинмасликка интилди. Инсон ҳақ-ҳуқуқи, обрўси, эътибори Амир Темур давлатининг асосини ташкил этди.<sup>2</sup>

Амир Темур ташкил этган марказий давлат тарихи ва унинг ҳарбий маҳорати дунёдаги кўпчилик олимларни ўйлашга, фикр юритиб, мушоҳада қилишга даъват этган. Шулар қаторига рус тарихчилари М.И.Иванин, В.Череванский, А.Ю.Якубовский, Т.Грановский, В.Бартольд, А.Зимин, венгер сайёҳи ва олими Ҳ.Вамбери, француз Л.Ланглэ ва бошқа кўплаб тарихчиларнинг номларини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.<sup>3</sup>

Ўзбек олими Ҳамидулла Дадабоев Амир Темур ҳарбий маҳоратига бағишлаб салмоқли асар яратган (Ҳ.Дадабоев. Аждодларимизнинг ҳарбий маҳорати. Т.: "Akademnashr", 2016, 176 б.)

Ҳарб тарихи Темурбекни жаҳоннинг буюк саркардаларидан бири сифатида ҳақли равишда тан олади. Унинг ҳарбий истеъдоди асосан ҳақли равишда икки йўналишда: моҳир ҳарбий ташкилотчи ва атоқли саркарда тарзида ёрқин намоён бўлди.

Буюк лашкарбоши ва новатор ҳарбий ташкилотчи сифатида Темурбек ўта интизомли қўшин тузишга, муҳораба чоғида қўшин қисмларини санъаткорона бошқаришга, жанг тақдири ҳал бўладиган жойларга ҳарбий кучларни ўз вақтида усталик билан йўллашга, ҳар қандай тўсиқ ва ғовларни тадбиркорлик билан босиб ўтишга, қўшиндаги жанговор руҳни керакли даражада ушлаб туришга муяссар бўлди.

Соҳибқирон турк-мўгул халқлари, хусусан, Чингизхон лашкари тузилишини, уларнинг жанг олиб бориш амалларини атрофлича ўрганиб, таҳлил қилади ва зарур ўзгартиришлар киритади.<sup>4</sup>

Темурбек барпо қилган қўшин тузилиши Чингизхон тузган қўшин тизими ва тузилишига маълум даражада яқин бўлса-да, бироқ қуйидаги муҳим жиҳатлари билан фарқланади:

— Чингизийлар қўшини ялпи ҳарбий мажбурият асосида ҳарбий хизматга чақириладиган халқ лашкарларидан иборат бўлгани ҳолда, Темурбек қўшини умумхалқ характерида эга эмас эди;

— Чингизхон даврида қўшиннинг асосини кўчманчи омма ташкил қилган эди. Темурбек қўшинига олий бош кўмондон кўрсатган аниқ талабларга биноан чорвадорлар қатори косибчилик, ҳунармандчилик, деҳқончилик билан шугулланган ўтроқ аҳолидан ҳам сезиларли миқдорда аскар олинган;

— Темурбек қўшинида ҳарбий кучларнинг асосини ташкил қилувчи

<sup>2</sup> Э.Азимов. Амир Темур салтанати. Т., 1996, 77-бет

<sup>3</sup> Э.Азимов. Кўрсатилган асар. 81-82-бетлар

<sup>4</sup> Ҳ.Дадабоев. Аждодларимизнинг ҳарбий маҳорати. Т.: "Akademnashr", 2016, 9-10-бетлар

отлиқ аскарлар билан бир қаторда пиёдалардан тузилган қисмлар ҳам анчагина бўлган. Маълумки, Чингизхон қўшини, забт этилган мамлакатлар аҳолисидан мажбурий тартибда тузилган ҳашарни ҳисобга олмаганда, пиёда аскарларга эга бўлмаган;

– Темурбек Шарқда биринчилардан бўлиб ўз қўшинига ўт сочар қурол, яъни тўп – раъдни олиб кирган;

– Соҳибқирон тоғли ҳудудларда жанг ҳаракатлари олиб борувчи пиёдалардан тузилган махсус ҳарбий қисмларни ташкил қилган;

– Темурбек жаҳон ҳарб санъати тарихида биринчи бўлиб қўшинни жанг майдонида етти қўлга бўлиб жойлаштириш тартибини жорий этган;

– Темурбек қўшинида аёллардан тузилган бўлиналар бўлиб, улар жанг чоғи эркаклар билан бир сафда турган, қаҳрамонлик ва матонат намуналарини кўрсатган.<sup>5</sup>

Темурбекнинг қўшини таркиби Мовароуннаҳр, Дашти Қипчоқ, Хуросон, Эрон, Бадахшон, Мўғулистон, Хоразм, Мазондарон, Жэта сингари ерлардан йиғилган аскарлар ташкил этган.<sup>6</sup>

Юриш қилиш олдидан Темурбек арқони давлат, вазирлар, саркардалар, беклар, амирларни ҳарбий кенгаш – машваратта чорлаган. Айни чоғда, улуснинг турли вилоят ва туманларидан, шунингдек, тобе юртлардан қўшин тўплаш учун махсус буйруқ – тунқал эълон қилинган. Фармон керакли жойларда юқори мансаб эгаси, бош қўмондоннинг ёрдамчиси – тавочи томонидан тезлик билан етказилган. Тавочининг зиммасига аскар жамлашдан ташқари қўшин қисмларининг қароргоҳ ёки сафдаги ўрни, жанговар тартиб – ясоли ҳамда бир жойдан иккинчи жойга кўчишни назорат қилиш ҳам юклатилган эди.

Тунқалга биноан вилоят ҳокимлари, туман ёки шаҳар беклари, қалъа, қўрғон доруғаларининг Темурбек томонидан тузилган рўйхат – сонга мувофиқ ўз жангчилари, зарур от-улови, қурол-яроғи, ем-хашаги билан белгилаб қўйилган тўпланиш жойи – мюод ерига ўз вақтида кечикмасдан етиб келиши шарт ҳисобланган.<sup>7</sup>

Амир Темур қўшинлари пиёда ва отлиқ аскарлардан ташкил топган эди. Лекин, пиёдалар ҳам узоқ чўл сафарларида отлар билан таъминланар, отлиқ аскарларнинг катта қисми эса пиёда тартибда жанг қилишга ҳам ўргатилган эди. Улар камондан зарб билан беҳато отиш лозим бўлгандагина отдан тушиб, пиёда жангчиларга айланар эдилар. Бироқ улар пиёда ҳаракат қилишдан кўра отда яхшироқ ҳаракат қилганлари, шубҳасиз, чунончи кўчманчи халқлар ёшлик чоғлариданоқ отда юришни яхши ўзлаштириб олишади.<sup>8</sup>

Отлиқ аскарлар оддий ва сараланган жангчиларга бўлиниб, енгил ва

<sup>5</sup> Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойиботлари). Нашрга тайёрловчи У.Уштов. 2-китоб. - Т.: "Меҳнат", 1992, 99-100-бетлар

<sup>6</sup> Ҳ. Давидбоев. Кўрсатилган асар. 10-бет

<sup>7</sup> Ҳ. Давидбоев. Кўрсатилган асар. 14-бет

<sup>8</sup> М.Исалиев. Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур. Т., 2017, 179-180-бетлар

огир отлиқ қўшинни ташкил этар эди. Бундан ташқари, Амир Темурнинг хос навкарлари ҳам бор эди.

Тарихий манбаларда келтирилган маълумотларга қараганда, отлиқ аскарлар Темурбек армиясининг зарбдор қисми ҳисобланган, улар огир ва енгил қуроолар билан қурооланган суворий гуруҳларга бўлинган. Ёй, садоқ ва қилич билан енгил қурооланган отлиқлар асосан тингчи (разведка) ва соқчилик билан шугулланган, ўта зарур чоғидагина душман кучлари билан жанг қилиш ҳуқуқига эга бўлган.

Дубулга, зирх (совут), қилич, ёй, садоқ, қалқон ва найза билан таъминланган огир қуроолли суворийлар сара жангчиларда, ғанимнинг асосий зарбасига қарши турган, жанг натижасини ҳал этишда катта роль ўйнаган.

Соҳибқирон қўшинини асоси ўнлик – айл, юзлик – қўшун, минглик – хазора, ўн минглик – туман деб юритилган. Уларнинг ҳарбий бошлиқлари ўнлик бўлинма раҳбари – айлбоши, юзлик бўлинма боғлиғи – қўшунбоши, минглик лашкар бошлиғи – мирихазора, ўн минглик лашкар қўмондони эса туман оғаси ҳисобланган.

Муаррих Шарафуддин Али Яздий асарларини ўрганиш орқали рус шарқшунос олими А.Ю.Якубовский Амир Темур қўшини етти қўлга ажратиб бошқарилганлигини айтиб ўтади.

Ҳарбий юриш пайтида олдинда "хабаргирлар", яъни "хабарчилар" деб юритилган айғоқчи-кузатувчилар бўлинмаси юрган. Хабарчилар орқасидан соқчилар бўлинмаси йўланган, у "ясовул" деб аталган. Қўшиннинг асосий қисмлари олдида "манглай" – авангард қисмлари ҳаракатда бўлган. Манглай асосий кучлардан, баъзан эса бир неча туманлардан иборат бўлган. Манглай билан қўшиннинг асосий қисмлари ораллигида эса қўмондоннинг қароргоҳи ва марказий қисм "қалб" ва унинг атрофида заҳира (резерв) қисмлар жойлашган бўлиб, у "изофа" деб юритилган. Ҳарбий тўқнашувлар жараёнида жанг оқибатини ана шу изофа қисмлар ҳал этган. Юриш вақтларида қўшинлар алоҳида йўлбошловчилар – "кучорчилар" гуруҳи бўлиб, сафарда улар муҳим роль ўйнаган. Кучорчиларни қўшин қисмлари ўртасида Темурбекнинг ўзи тақсимлаб берган. Соҳибқирон қўшинининг асосий жанговар қисми марказ "қалб" ўнг ва сўл қанотлардан иборат бўлган. Унинг ўнг қаноти "буронгор", сўл қаноти эса "жувонгор" деб юритилган. Ҳар бир қанотнинг олдида биттадан қўшимча қўриқчи манглай – авангарди, ён томонида эса биттадан қўриқчи аскар қўшилмалар – "қанбул"лари бўлар эди. Шу тариқа қўшин етти "қўл"лар – қисмлардан иборат бўлиб, булардан учтаси: марказ, яъни қалб, буронгор ва жувонгорлар мустақил; тўрттаси икки манглай ва икки қанбуллар тобе қисмлар эди. Қўшиннинг бундай жойлаштирилишининг ўзига хос томони шунда эдики, унинг қанот қисмлари марказий қисмига қараганда анча-мунча кучли эди. Бундан шубҳасиз савқулжайш (стратегия) ҳамда турли хил муҳораба услублари – таъбиятулжайш (яъни тактика)ни қўллаш мақсади кўзда тутилган. Бу қўллар жангларида мустақил ҳаракат қилиб, фақат

қўшин қўмондонига буйсунган.<sup>9</sup>

Темурбек қўшинлари сафар пайтида қуйидаги жанговар тартибда ҳаракат қилган: бош кучлардан анча илгарида қаравул – аванпост, ундан кейин манглай (ҳировул) – авангард, барангар, жувангар, қўл, чағдавул (форсий адабиётда соқа) – аръенгард юрган. Қўшин ортидан ўғруқ (қўшин ортидан келувчи кўч-кўрон) пешма-пеш келган.<sup>10</sup>

Буюк саркарда Амир Темур қўшин таркибида бир қатор махсус топшириқларни бажариш учун қўшимча ҳарбий бўлинма ва гуруҳлар ташкил этган. Улар Соҳибқироннинг жанглардаги галабаларини таъминлашда асосий роль ўйнаган.

Ана шундай вазиятлар учун ташкил этилган ҳарбий гуруҳлардан бири қўшин қанотларини жанг чоғида душман ҳужумидан муҳофаза қилиш ва, аксинча, ганим кучларини ён томондан айланиб ўтиб унга ордан зарба бериш мақсадида тузилган отлик қисм – қунбул ҳисобланади.

Бундай мутлақо янги ҳарбий қисм, тарихнинг гувоҳлик беришича, Македониялик Александр, Ганнибал, Людовик XVI, Буюк Фридрих, Чингизхон каби донгдор саркардалар қўшинида бўлмаган. Фақат XIX асрнинг атоқли лашкарбошиси Наполеон Бонапарт армиясининг жанговар таркибида қўшин қанотларини ҳимояловчи қисм мавжудлигини кузатиш мумкин. Ҳарбий мутахассисларнинг Наполеон Шарқ мамлакатларига ҳарбий сафар қилишдан аввал Темурбек армияси тузилишини, унинг жанг олиб бориш йўл-йўриқларини синчиклаб ўрганган, зарур топган тактик усулларни ўзлаштирган деган мулоҳазаси анчайин ҳақиқатга яқин, албатта.

Рақиб томон лашкарида қочиш белгилари ва мағлубият аломати зоҳир бўлиб қолгач, уни таъқиб этиш учун чадаст суворийлардан тузилган қувғунчи ташкил этилган. Қувғунчилар шикаст топганларга шундай шиддат билан ҳамла қилганки, душман отликларида от суришга мажол, пиёдалар учун эса қочишга паноҳ қолмаган.<sup>11</sup>

Соҳибқирон галабаларини таъминлашда энг асосий ўринларда рақиб томонда бўлаётган воқеа, ҳодисалардан хабар етказувчи тингчиларнинг ўрнини алоҳида таъкидлаш керак. Улар турли қиёфаларда: оддий савдогар, камбағал дарвеш, новвой, тақачи, хунарманд-косиб, амалдор, ҳарбий саркарда, сарой хизматчиси ёки бошқа қиёфаларда юриб керакли маълумотларни ўз вақтида етказиб туришган.<sup>12</sup>

Амир Темур лашкарларида асосий қўшин турларидан ташқари яна қуйидаги турлар мавжуд эди:

1) **пойтончилар** (кўчма кўприклар қуришишлари билан шуғулланувчилардан) ва **кемачилар** (улар асосан Аму ва Сирдарёда кемачилик билан шуғулланувчи кишилардан танлаб олиниб, кемалар ва кўприклар учун ишлатилган);

<sup>9</sup> А.Муҳаммаджонов. Курсатилган асар. 31-32-бетлар

<sup>10</sup> Ҳ.Дадабоев. Курсатилган асар. 30-бет

<sup>11</sup> Ҳ.Дадабоев. Курсатилган асар. 34-бет

<sup>12</sup> Ҳ.Солиқов. Амир Темур салтанатида ханфисизлик хизмати. Т., 2016, 92-бет

2) нафтандозлар (грегорьян ёки юнон оловини отувчилар) - нафт яъни ёнувчи модда солинган кўзаларни улоқтирувчи қисм;


3) қамал қилиш машиналари ва тош отувчи қуроллар билан ишлашни биладиган жангчилар;

Амир Темур бошчилигида қамал қилинган кўплаб қалъаларнинг григорьян оловларини отиш ва улоқтирувчи қуроллардан моҳирона фойдаланиши натижасида қўлга киритилганлиги қўшиннинг шу тури жуда катта малакага эга бўлганлигидан далолат беради.

4) тик қияликларга чиқа оладиган, тоғли ерларда бўладиган жангларда кўниккан, тоғ аҳолисидан ташкил топган махсус пиёда қисм.

Бу қисм жангчилари Амир Темурга даралар, тоғ йўллари ва тоғларда жойлашган қалъаларни қўлга киритишда катта ёрдам берган.<sup>13</sup>

Шундай қилиб, Темурбек замонасининг кучли ва энг жанговар қўшинини ташкил эта олган. Аскар бошлиқлари ва навкарларни қаршилик кўрсатувчи кучларга нисбатан доимо огоҳ туриш руҳида тарбиялашга муваффақ бўлган. Ўз қўшинини у турли туман жанговар қурол-яроғлар, ўт ва тош отар - раъдандоз, манжаниқ ва ўзиотар каби қуроллар билан қуроллантирган. Жангларда муҳораба қилишнинг янги ҳарбий усулларини қўлаган. Ўз қўшини билан у рўй берган бир қатор қаршилик ва норозичилликка



қурол кучи билан кескин зарба берган, ёки хавф рўй бермасдан туриб унинг олдини олиш чораларини кўрган. Соҳибқирон қўшинини Жаҳонгир, Сайфуддин ва Пурхусайн барлослар, Оқ Буго, Усмон Аббос, Муҳаммад Султон Қамарий, Тобон баҳодир, Ўрис Буго, Ҳамза сулдус, Амир Муризода, Муҳаммад Қазагон, Сариқ Атка ва Музаффар учқора каби жангларда шуҳрат топган маҳоратли лашкарбошилари бошқарган.<sup>14</sup>

Хуллас, буюк саркарда Соҳибқирон Амир Темур салтанатида ўз замонасининг мукамал қўшини мавжуд бўлиб, рақибларига ўз вақтида зарба бериш қудратига эга бўлганки, бу тактикани ҳозирги давр ҳарбий санъатида ҳам энг асосий дастурлардан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

<sup>13</sup> М.Иванин. Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур. Т., 2017. 180-181-бетлар

<sup>14</sup> А.Муҳаммаджонов. Кўрсатилган исар. 33-бет

# Frans Kafka



XX asr adabiyeti taraqqiyotini yangi yunalishga солиб юборган, инсон ва унинг умрига ўзгача муносабатни қарор топтирган Франц Кафкани дунёдаги энг ғаройиб ва тушунарсиз тақдир эгаси бўлган ижодкор-ёзувчи дейиш мумкин. Миллатига кўра жухут, туғилган ва янаш жойига кўра прагалик, тилига кўра немис, таянган маданий аъёналарига кўра австралиялик бўлган ёзувчи ўзида мутлақо келиштириб бўлмайдиган қарама-қаршилик, чигалликларни жамлаган инсон эди. Шахсияти, ҳаёти ва ижодий қисмати ҳанузга қадар кўпчилик учун жумбоқ бўлиб келаётган Франц Кафка 1883 йилнинг 3 июлида уша пайтлар Австро-Венгрия таркибида бўлган Прага шаҳрида савдогар оиласида таваллуд топди. Отаси, қишлоқдаги ўта қаншоқ ёғоч ўймакорининг ўғли - соғлом, меҳнатқан, тиришқоқ ва бақувват киши шаҳарга келиб, интилувчан ва тadbиркорлиги орқасидан ўзига тўқ одамга айланади, кичикроқ фабриканинг эгаси бўлди. Уч қизи ва ўғли Францнинг камчилиги кўрмай ўсишлари учун ҳамма нарсани қилди. Уларга меҳр кўрсатди, келажагини таъмин этмоқчи бўлди. Лекин ўзининг тамомила тескарисини бўлган ёлғиз ўғли билан бир умр келишолмай ўтди. Францнинг онаси эса руҳонийлар оиласидан бўлиб, динга эътиқодли, покиза ва лобар аёл эди, у кўп вақтини болалари тарбиясига бағишларди. Қизларига уй ишлари сир-асрорларини ургатар, ўғлига ҳаёт ҳақида таълим берарди. Эрининг қош-қовоғига қараган бу ҳокисор аёлнинг оилада бор- йўқлиги унчалик ҳам билинмасди. Франц Кафка ва отаси ўртасидаги келишмовчиликлар уни доим ташвишга солар эди. Францнинг болалиги ғалати ўтди. У ғоятда ичимдагини тон, бошқаларга кўшилмайдиган, тенгдошларига ўхшаб шовқин-сурон қилмайдиган, ҳатто буни ёқтирмайдиган бола эди. Франц Кафка Прагадаги немис гимназиясини аъло баҳоларга тугатди. У 1901-1905 йилларда отасининг хоҳишига биноан Прагада Немис давлат университетининг юридик факультетида таҳсил олди. Унинг талабалик йиллари жуда мазмунли кечди. Кафка ҳуқуқшуносликдан ташқари, санъат, тарих, германистика фанларидан маърузаларни тинглади. Умуман олганда, Франц Кафка университетнинг илғор талабалари сафида эди. Машҳур ёзувчиларнинг асарларини ўқиш унинг сеvimли машғулотларидан бўлганди. У университетни тамомлаб, 1906-1907 йилларда Прага шаҳар судининг адвокатлар идорасида амалиёт ўтади. 1907 йилнинг октябрда бопшаб хусусий суғурта идорасига ҳуқуқшунос бўлиб хизматга киради. 1908 йилда Прага тижорат

академиясида шу ихтисослик бўйича малака оширган. У докторлик илмий даражасига эгаллигига ҳамда ўзи қилаётган ишга ғоят жиддий муносабатда бўлганлигига қарамай, бир умр кам ҳақ тўланадиган кичик лавозимларда ишлади.

Кафканинг кенг қамровли ҳуқуқшунослик дунёқараши ва тафаккури асарларида ёрқин намоёндир. 1917 йилда Кафка сил касаллигига чалнади. Шу йилдан эътиборан хизматга мунтазам қатнамайдиган, тез-тез таътил оладиган бўлди. 1922 йилда касаллиги туфайли нафақага чиқади. Шундан сўнг, 1923-йилда Берлинга кетди. У ерда бироз даволаниб, адабий юмушлар билан шуғулланмоқчи бўлди. Лекин соғлиғининг кескин ёмонлашиб кетганлиги туфайли адиб Прагага қайтишга мажбур бўлди. Франц Кафка 1924 йилнинг 3 июлида Вена шаҳри атрофидаги Кирлинг санаториясида вафот этди.

Шуниси қизиқки, Франц Кафка ижодини муайян босқичларга бўлиб ўрганишининг, унинг қайси асари қачон ёзилиб қачон чоп этилганини аниқлаб, унинг маҳорати қандай ўсиб борганлигини аниқ тайин қилишнинг имкони йўқ. Франц Кафка ўзининг 41 йиллик қисқа умри давомида жаҳон адабиётига улкан ҳисса қўшишга улгурди, у "Niemand wird lesen, was ich heir schreibe", яъни "Менинг ёзганларимни ҳеч ким ўқимаса керак" деб ёзган эди. Адиб ҳаёти ва ижодини ўрганган адабиётшунослар «Франц Кафка кўпроқ ўзи учун ёзган» дейишади нима учундир. Шу бонс битганларини энг яқин кишиларига, шунда ҳам унчалик хушламай кўрсатар, тириклигида чоп этилган бир неча асарини эса, дўстларининг зўрловлари билан нашриётга топширган эди. Кўпинча, унинг ёзганлари столи тортмасида қоларди. У ўз асарларидан қониқмас, уларни чоп этишга шошилмас, ҳатто ўлимидан олдин дўсти Макс Бродга ўзининг чоп этилмаган асарларини ёқиб юборишни қаттиқ васият қилган эди. "Менда адабий қизиқишлар йўқ, меннинг ўзим адабиётдан иборатман" деганди Франц Кафка дўстларидан бирига ўз асарлари ҳақида: "Мен уларни яратган онларимнигина ҳурмат қиламан холос" - дерди. Шунинг учун ҳам дунё адибнинг адабий мероси миқёсидан унинг ўлимидан сўнггиша хабардор бўлди. Шунга қараганда, Франц Кафка асарларини шуҳрат орттириш ёки қалам ҳақи учун эмас, балки ёзмасликнинг иложини топмагани учунгина ёзган дейиш мумкин.

Адабиётшунослар Кафканинг биринчи асари "Бир кураш тарихи" ҳикояси бўлиб тахминан 1902-1903 йилларда ёзилган, сўнгги асари эса, адибнинг касали авж олган 1923 йилда яратилган "Қурилиш" ҳикояси деб ҳисоблашади. Бошқа ҳикояларининг қачон ёзилгани маълум эмас. Шуниси борки, ёзувчининг романлари яратилган йиллар аниқланган. Мутахассислар адибнинг биринчи романи "Америка" 1911-1916 йилларда, иккинчи романи "Жараён" 1915-1918 йилларда сўнгги романи "Қўрғон" 1921-1922 йилларда яратилганини айтишади. Ёзувчининг "Эврилиш" қиссаси, "Хукм", "Очлик устаси" сингари ҳикоялари, "Жазо колониясида", "Отамга хат" эссеси ҳозирда жаҳон адабиёти миқёсида жуда машҳурдир.



Франц Кафка асарларини ўқиб, инсон қисмати ва фожесини тасвирлаш учун адиб бу рангнинг ҳар хилларини ўйлаб топганини пайқаймиз. Франц Кафкани XX аср адабиётини елкасида кўтариб турган "Уч наҳангдан"дан биттаси дейишди. Шунинг учун ҳам ҳозирда унинг исми бутун дунёга машҳур, роман ва қиссалари кўп тилларга таржима қилинган. Қувонарлиси, сўнгги йилларда унинг бир нечта асарлари ўзбек тилига ҳам ўгирилди. Китобхонларимиз замонавий жаҳон адабиёти ривожига катта ҳисса қўшган улуғ ёзувчи ижодидан баҳра олиш имкониятига эга бўлишди. Жумладан Франц Кафканинг "Жараён" романи, "Отамга хат" Вафо

Файзуллоҳ, "Эврилиш" қиссаси Эркин Эрпазаров, "Миленага мактублар" Аҳмад Отабой ва туркум ҳикоялари Хуршид Дўстмуҳаммад, Мирзаали Акбаров, Пошали Усмои таржимасида нашр этилди.

Шуни айтиш керакки, ёзувчи сифатида Франц Кафка ҳеч бир адабий мактабга аъзо эмасди. У ҳеч қандай ёзувчини, ҳеч қайси жиҳатдан такрорламайди. Худди шунингдек, унинг адабий мактаби бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки бу мактабдан бўлиш учун Кафка каби ёзини талаб этилади. Кафка каби ёзиш учун эса Кафка каби яшаш, туйиш, таъсирланиш керак бўладикки, бунинг асло иложи йўқ. Чунки инсон тақдири бетакрор ва вариантсиздир. Кафканинг асарлари бетакрор ва ўхшашсиз инсонларнинг қайтарилмас ҳамда гаройиб ҳаёти тасвиридан иборат бўлгани учун ҳам қимматлидир.



# Xitoy devorining qurilishi

(Давоми. Боши олдинги сонда)

Деярли ҳар бир замондошимиз маълумоти бўйича қурувчи бўлган, ва пойдевор ҳақида маълумотга эга эди. Аммо бизнинг олим сира иккиланмас, аксинча, фақат буюк девор инсон тарихида янги Вавилон минораси учун мустаҳкам пойдевор бўлишини таъкидлар эди. Шундай қилиб олдин девор, кейин минора. Ёша даврда китоб қўлма-қўл бўлиб кетди, аммо мен ҳозиргача тушунмайман у миноранинг қурилишини қандай тасаввур қилди экан. Қандай қилиб бу девор ярим айлана бўлмай фақатгина тўрт қисм ёки ярим доира бўлиб миноранинг пойдеворига хизмат қилар эди? Эҳтимол бу фақат маъжозий маънода айтилгандир. Лекин бунда минглаб ҳаёту пешона терининг батамом асосий омили саналган деворнинг қандай алоқаси бор? Нима учун бу китобга миноранинг режалари бириктирилгани, ҳақиқатда жуда мужмал, шунингдек янги қурилишга алоқадор, яъни бутун халқнинг қудратини бириктиришга қаратилган, майда-чўйдасигача ишлаб чиқилган таклифлар ҳам тушунарсиз.

Аммо ўша кунларда бу китоб намуналардан бири эди, бошда эса буюк жумбоқ ҳукм сурар, эҳтимол айнан шу боис шунча одам кучини ўз ҳаракатини иложи борича бир мақсадга қаратишни хоҳлагандир. Инсон ўз вужуди билан учиб кетган чангга ўхшаб енгилтаклик билан, ҳеч қандай арқонга дош беролмайди, аммо ўзини бирор нарсага боғлаб қўйса, телбадай занжирни уза бошлайди, ўзини, деворни, заржирни, кишандан озод этишга уринади.

Балки девор бўлаклари кўтарилаётганда, балки қурилишга қарши бўлганларнинг фикрини ҳам бошлиқлар эътиборга олгандир? Бироқ биз, эҳтимол, мен кўпларнинг номидан айтаялман, фақат юқори бошқарувнинг буйруғини адо этардик, ўз-ўзимизни англاردик ва тушунардик, устига-устак бу бошқарувсиз ва мактабдаги билимсиз ва инсонга хос ақл-идроксиз бўйнимизга юкланган содда вазифалар орасидаги буюк тугалликни удда қилолмасдик. Уша тинчлик ҳукм сурган бошлиқларнинг қароргоҳида – ким ўтиргани – кимдан сўрамайин, тирик жонга маълум эмасди, бу хотиржамликда инсонга хос бутун фикрлару ниятлар айланган бўлса керак, қаршисида эса инсонга хос мақсадлар ва уларнинг рўёби юргандир. Шу лойиҳаларни чизган қўлларга деразадан илоҳий оламлардан ёғду тушар эди.

Шунинг учун кузатувчи шуни таъкидлаш керакки, раҳбарият шу қийинчиликлардан ўтиш учун жиддий ишга киришди, улар бутун мамлакатнинг қадамба-қадам қурилишида бўладиган қийинчиликлар эди. Бунда фақат битта хулоса юзага келаяпти, қурилиш атай қисмларга бўлиб яратилган. Бу вақтинчалик мажбурият, бироқ шунинг билан бирга мақсадга мувофиқ эди: Ва яна бошқа хулоса келиб чиқаяпти! Демак раҳбарият қандайдир номувофиқ мақсадга интилган. Гайритабиий хулоса! Тўғри бошқа томондан кўпгина омиллар уни оқлайди. Ҳозир менимча бу нарсаларни қўрқмай такрорлаш мумкин. Ёшанда бу аксарият учун хулқ-атворнинг сирли қоидаси бўлган, ҳатто энг яхшилар учун ҳам: бутун кучинг билан бошлиқнинг кўрсатмасини тушганига ҳаракат қил, аммо маълум бир чегарагача, ундан кейин эса ўйлашни тўхтат. Анчайин оқилона қоида кейинроқ тез-тез такрорланган қиёслолда ўзини акс эттирган: Улар сенга зарар етказиши мумкинлиги учун ўйлашдан тўхтатишинг керак эмас, чунки уларнинг зиёни борми-йўқми, аниқ таъкидлаб бўлмайди. Ҳозирги вазиятда эса бу сенга зарарми, фойдами айтиб бўлмайди. Бироқ баҳорда дарёлар билан нима юз берса, сен билан ҳам шу рўй беради. Унда сув кўтарилади, кейин янаям қудратлироқ бўлади ва узун соҳилларидаги қумни шиддат билан суғоради, ҳатто денгизга қуйилганда ҳам у бутун моҳиятини сақлаб қолади ва янаям тенгхуқуқли, унинг учун тиланган дарёга айланади. Шу чоққа қадар сен бошлиқларнинг ихтиёрига бўйсунуш фикрига эргашишинг мумкин. Кейин дарё қирғоқдан тошади, шакл ва чегараларни йўқотади, орқага қайтиши сусаяди, ўзининг вазифасига қарши чиқиб, мамлакат ичидаги кичик денгизларни барпо этишни бошлайди, ҳайдалган ерларни ювади, аммо нима бўлганда ҳам, бу ҳол узоқ давом этмайди ва ўз қирғоқларига қайтади, сўнг жазирама иссиқ келганда, гоят ачинарли тарзда қуриб қолади. Мана шунинг учун ҳам сен фикрга бошлиқларнинг фармойишига бўйсунгандек чуқур эргашмаслигинг керак.



Бироқ бундайин қиёс деворнинг қурилиш даврида истисно тарзда омадли бўлди, менинг ҳикоям учун эса фақат чегараланган аҳамиятга эга. Ахир мазкур илмий кузатувимнинг ҳақиқий тарихий хусусияти бор; Аллақачон тарқалаётган булутларда чақмоқ чақнамайди ва мен шу боис ҳам қисман қурилишнинг чуқур сабабларини излашга ҳақлиман. Фикрларим томонидан қўйилган чегаралар етарли даражада тор, ҳудудки, эгаллашга тўғри келиши мумкин бўлган, бироқ бутун бир чексизлик.

Буюк девор кимдан ҳимоя қилиши керак эди? Шимолий элатлардан. Мен ўзим хитойнинг жанубий-шарқ томониданман. Ҳеч қандай шимолий элат-

лар бизга хавф соломасди. Биз улар ҳақида қадимий китобларда ўқиганмиз, уларнинг табиатига хос шафқатсизлиги тинчлик ҳукм сураётган Дарахтларимиз сояси остида эркин тин олишга мажбур қилади. Рассомларимизнинг рост сўзловчи суратларида белгиланган бу худо урган башараларни кўришимиз мумкин: анграйиб қолган огизлар, чизиб қўйилган ўткир тишлар, қисик кўзлар ва ўгирланган ўлжани майдалаб, титиб юборишга тайёр жағ. Агарда фарзандларимизнинг хулқи ёмон бўлса, уларга шу расмларни кўрсатамиз, гўдаклар кўрққанидан йиғлаб бўйнимизга осилади. Аммо бу шимолий элатлар ҳақида бошқа ҳеч қандай маълумотта эга эмасмиз. Уларни биз ҳеч қачон кўрмаганмиз ва ўзимизнинг қишлоқда яшаб туриб асло дуч келмаймиз ҳаттоки улар ёввойи отларни миниб орқамиздан қувласа ҳам, чунки мамлакатимиз шунчалар кенг ва бепоёнки, бу мамлакат уларни олдимизга яқинлаштирмайди, ганимлар ҳавода эриб кетади.

Агар вазият айнан шундай бўлса, нима учун биз жонажон жойларимизни дарё ва кўприкларни, ота-онамизни, йиғлаётган хотинимизни, тарбия қилаётган фарзандларимизни олис шаҳарга бошқа мактабга элтиб тарк этамиз, бизнинг фикрларимиз эса олис шимолдаги деворга қаратилган? Нима учун? Бошлиқлардан сўра. Улар бизни билади. Уларга, шунча оғир ташвишни бўйнига илганларга биз ҳақимизда ҳамма нарса маълум, камтар ҳунаримиздан хабарлари бор, кулбада ўтириб бирга қандай дуо ўқишимизни кўриб туришибди, дуолар, бошлиқларга ёқадими ё йўқми, кечқурун оила бошлиғи оила аъзолари даврасида ўқийди. Агар бошлиқлар ҳақда фикр билдирсам, шуни айтишим шартки, фикримча, раҳбарият қадим замондан бор ва машҳур мандаринларга ўхшаб ҳаракат қилмайди, улар эрталаблари ажойиб туш кўриб фахрланади-ю, шу заҳотиёқ мажлис ташкиллаштиради, тез қарор қабул қилади ва шу қарорларни бажариш учун, кечқурун халқни дўмбира чалиб жойидан кўзгатади, майли гап бирон-бир худо шарафи ҳақида кетаётганда ҳам, агарда у кеча шу жанобларга меҳр-саховатли бўлган бўлса, эрталаб эса чироқлар ўчгач, улар шу халқни қоронғида қамчи билан савалайди. Тўғриси айтганда, бошлиқлар, қадимдан пайдо бўлган, деворни қуриш қарори ҳам азалдан. Ва бунда тасвирланганидай бутун айб бўйнига юкланган шимолий элатларнинг буткул алоқаси йўқ, деворни қурилсин, деб ўзича буйруқ берганига ишонган олийжаноб император ҳам дахлсиз. Аммо биз, унинг қурувчилари, бошқа нарса биламиз ва жим ўтирибмиз.

Ўша девор қурилиш пайтидан то шу кунгача халқларни тарихий жиҳатдан қиёслаш билан шугулланаман, чунки шундай саволлар борки, уларнинг сирли моҳиятини маълум маънода фақат шундай йўл билан аниқлаш лозим. Ва шуни билдимки, биз хитойликларда халқ ва давлат низомларининг айримлари мислсиз тиниқликка, бошқалари эса мислсиз ноаниқликка эга экан. Сўнгги изланишнинг асослари доим мени қизиқтирарди ҳозир ҳам, кейин ҳам, чунки деворнинг қурилишида бу бор жиҳат эди.

Бизда мавжуд энг ноаниқ саволлардан бири бу - императорликнинг ҳукмдорлиги. Албатта, Пекинда сарой жамиятида бу борада бир қанча аниқ-

лик бор, гарчанд у ҳақиқатдан кўра узоқ, гўё кўзга кўринаётгандай туюлса-да. Олийгоҳларда ишлаётган давлат ҳуқуқини ўқитаётган ўқитувчиларнинг тасдиқлашича, худди улар шу саволни чуқур билгандек, талабаларга ўз билимларини бериши мумкин. Аммо қанча бошланғич мактабга қараб пастта тушсангиз, олинган билимларни ва маълумотларни борлигига иккиланмай-миз. Ва аср бўйлаб олинган билимларни кам бўлса-да ўз ҳақлигини йўқотмаган, аммо бу тутун ва туманда аср бўйлаб тушунмайдиган бўлиб қолади.

Император ҳукмдорлигига келганда, халқдан сўраш керак фикримча, чунки уни ҳокимиятнинг асосий тиргаги сифатида кўради. Бу ерда, албатта, менинг қадрдон жойларим, фақат туғилиб ўсган жонажон жойларим ҳақида сўзлашим мумкин. Даладаги худолардан ташқари уларга хизмат қилишдан ташкил топса, бу хизмат бир йил давом этади. Бир йил эса ранг-баранг ва чиройли бўлиб ўтди. Бизнинг фикрларимиз императорга қаратилган, аммо ҳозиргисига эмас. Ёки, тўғрироғи, у ҳақда бирон нарса билганимизда ёхуд кўрганимизда эди, ҳозиргисига қаратилган бўларди. Нафсиламрини айтганда, у бизларда қизиқиш уйғотарди ва биз у ҳақида бирон нарса билишга ҳаракат қилардик. Аммо қанчалик ғалати туюлмасин, ҳеч нарса билолмадик. На кўп зиёратларда бўлган зиёратчилардан ва на яқину узоқ қишлоқлардан. Нафақат бизнинг кичик дарёчалардан, балки катта илоҳий дарёлардан сузувчи денгизчилардан ҳам. Жуда кўп миш-мишлар юрарди, аммо улар орасидан ростини топа олмадик.

Бизнинг мамлакатимиз шундай бепоёнки, ҳеч қандай эртақ уни эгаллаб ола олмайди, осмон эса аранг у четдан бу четга ета олади. Ҳаттоки Пекин бир нуқта - император саройи эса фақатгина нуқтачадир. Аммо император тушунчаси жуда улкан, у оламнинг қаватларидан ҳам баланд. Тирик император эса бизга ўхшаш оддий одамча, машварат ўтказадиган жойида ётибди. Улчалган бўлса ҳам жуда тор ва калта. Бизга ўхшаб у чўзилади. Чарчаганда эса нозик оғзи билан эснайди. Биз минг мил жанубда, қарийб Тибет осмонўпар тоғлари чегарасида яшасак, у ҳақда қандай билишимиз мумкин? Бундан ташқари ҳар қандай хабар бизгача етиб келса-да, кеч бўлар ва эскириб қоларди. Император атрофида ажойиб ва шубҳали сарой одамлари гиргиттон эди. Ёвузлик ва душманлик кийиниб олган хизматчилару дўстлар эди. Бу император ҳукмдорлигига қарама-қарши чиқади. Улар ҳар доим заҳарли найзалари билан тарозини палласидан императорни уриб туширишни хоҳлайдилар. Император ҳукмронлиги унинг тушунчаси сингари ўлмас, бироқ якка императорларни тахтдан туширадилар, ҳаттоки бутун сулола охир-оқибат йўқдан юз тутиб, кутилмаганда хариллаб жон беради. Бу кураш ва изтироблар ҳақида халқ ҳеч қачон ўз вақтида билмайди, ҳаддан ортиқ кечиккан бегоналардай, гўёки келгиндилардай, кўчани тўлдириб турган оддий одамлар олиб келган нарсаларни еб, олис олдинда, бозор майдо-нида уларнинг ҳукмдори қатл қилинаётгани ҳақида билмайди.

Шунақа афсоналар борки, у ерда халқнинг ҳақиқатдан беҳабарлиги очиқ-ойдин кўрсатилган. Сенга, унда айтилади, ночор хизматкор, императорнинг

ёрқин нурларидан энг олис бурчакка қочган митти соя, айнан сенга, император ўлим минбаридан туриб хабар юборди. У элчига олдига келиб тиз чўкишни буюрди-ю, қулогига янгиликни пичирлади. Императорга хабар белгиланганидай етиб бориши гоят муҳим эди шунинг учун хабарни қулогига қайтариб шивирлашни сўради. Император айтганини ростлигига ишониб бошини силкитди. Ва ҳамма гувоҳлар олдида унинг ўлими ҳақида хабар айтилди. Халал бераётган деворлар ўпирилди ва кенг баланд тепага чиқаётган зинапояларда эса давлатнинг машҳурлари қатор жой эгаллаган. Уларнинг кўз олдида император хабарчисини жўнатапти. Хабарчи шу заҳотиёқ йўлга тушаяпти. Бу жуда кучли, гайратли, чарчоқни билмаган инсон. Бир қўли ёки иккинчи қўли билан ҳаракат қилиб йигилганларнинг ичида ўзига йўл очаяпти. Унга қарши чиққанларга эса кўкрагидаги қуёш рамзини кўрсатаяпти ва осонгина олға интилаяпти. Аммо одам шундай кўпки охири кўринмайди. Унинг олдидаги кенг дала очилганда эди, хабарчига қўшилиб, сенам югуриб кетардинг ва эшигингни муштлаб урадиган зарбаларни эшитардинг. Аммо шунинг ўрнида у маъносиз кучини йўқотаяпти. У ҳали ҳам саройнинг ички қисмида йўл очиб юрибди. У уларни ҳеч қачон ёнга олмайди. Зинапоядан пастга тушса ҳам ҳеч нарсага эришмасди, кейин саройлардан ўтиш керак. Иккинчи саройдан ўтиш керак, ташқи саройдан ўтиш керак ва яна зинапоялардан ва эшиклар ва яна бир сарой. Шундай қилиб минг йиллар орасида. Агарда у охири дарвозадан чиқа олса, лекин бу ҳеч қачон ва ҳеч қачон содир бўлмайди. Унинг олдидан қароргоҳ чиқади, дунёнинг маркази у марказ одамлар билан лиқ тўлган, ундан ҳеч ким ўта олмайди, ҳаттоки аза хабарини олиб келаётган одам ҳам, сен эса ўз деразангни олдида ўтириб, янгиликни эшитаман десанг, оқшом тушади.


Ана шундай умидсизлик ва умид билан бизнинг халқимиз императорга қарайди. У ҳаттоки қайси император ҳукмронлик қилаётганликни билмайди, ҳаттоки қайси сулоладан эканлигига иккиланади. Мактабда уни тартиб билан ўқитишади, аммо умумий иккиланиш шунчалик улканки, ҳатто энг зўр ўқувчи ҳам унинг таъсирига тушиб қолади. Вафот этган императорлар эса бизнинг қишлоғимизда тахтга кўтарилади, кимки тирик бўлса, фақат қўшиқда, энди-энди мурожаатларда пайдо бўлди, шунда ҳам, руҳоний уни минбарда ўқиб берди. Қадимги тарихимизнинг жанглари қишлоғимизда фақат ҳозир жаранглаяпти ва ёноқлари қизарган қўшнинг шу хабар билан уйингга киради. Императорнинг ипак ёстиқлар устида боқилган хотинлари, олижаноб одоб-ахлоқ қоидаларидан айёрликка ўргатилган сарой аёнлари, ҳукмронлик иштиёқи билан ёнаётган очкўзликдан қалтираб, шаҳватпарастликка берилиб, яна ва яна ўзларининг ёвуз ишларини қилаяптилар. Қанча вақт ўтса-да, ўша замондан минг йил олдин бир қиролича эрининг қонини қултумлаб ичгани ҳақидаги хабар қишлоқда аюҳаннос солиб, қабул қилинади. Ўтиб кетган ҳукмдорларга халқнинг муносабати шундай, тириклар билан ўликлар аралаштириб юборилади. Агарда император амалдори тасодифан қишлоғимизга оёқ қўйса ва император номидан бирор нарса

талаб қилса, у солиқ рўйхатини текширади, мактабдаги дарсда иштирок этади. Рухонийдан ҳаётимиз ҳақида суриштиради ва тахтиравонга ўтиришдан олдин ташландиқ қишлоқ жамиятига узундан-узок насихатлар қилади. ёамма чехраларга табассум югуради. Одамлар эгилади ва кўз устидан ўгринча болаларига қараб қўяди.

Одамлар шундай ҳайрон қоладиларки, у ўлган ҳақида тирик одамдай гапирди. Бу император эса қадим-қадимда ўлган ва унинг сулоласи ҳам ўчган бўлади. Давлат одами бизнинг устимиздан кулаятти. Аммо биз уни хафа қилмаслик учун ҳеч нарса бўлмаган, деб ўтирибмиз. Биз фақат ҳозирги ҳукмдоримизга бўйсунамиз, қолгани ахир гуноҳ. Шошиб бораётган тахтиравонда гўёки ўз-ўзидан кўтарилган тобут ва ярим чириган ўлик ўрnidан тургандай, оёғини ерга уриб, қишлоқ аҳолисига ўз ҳукмини ўтказишга уринади.

Қоидасига кўра, давлат қўзғолонлари ва замонавий урушлар кўп инсонларни қизиқтирмайди. Шу ҳақида ёшлигимда бўлган бир воқеа эсимга келаяпти. Узокда жойлашган қўшни қишлоқда қўзғолон бошланди, сабаби эсимда йўқ, аммо гап уларда эмас. У ерда халқ нотинч, кечми-кундузми қўзғолон учун баҳона топилади. Бир куни қандайдир гадоё ўша қишлоқдан ўтиб отамнинг уйига қўзғолончиларнинг варақасини олиб келди. Қандайдир байрам бўлаётган эди, хоналар одамларга зич тўла эди, рухоний фахрий жойга ўтириб варақани ўқиётган эди. Нохосдан ҳамма кулишни бошлади. Варақани йиртишди, тиланчини эса уриб кўчага улоқтиришди, ҳамма кўчага югуриб чиқди. Нимага? Гап шундаки қўшни қишлоқнинг шеvasи бизнинг қишлоқ шеvasидан фарқ қилар эди. Бу нарса маълум ёзув шаклларида ҳам билинар эди, улар бизларга қадимги бўлиб туюларди. Рухоний варақани икки бетини ўқиб бўлмай туриб савол ҳал қилинди. Эски ишлар, олдин ҳам эшитилган, эски қасал. Агар ўша воқеани эсласам, тиланчида ҳозирги замоннинг шафқатсизлиги аниқ таъсир этгани кўриниб турарди, назаримда. Одамлар кулиб бошларини силкитишди ва эшитишни хоҳлашмади. Шу йўл билан бизда ҳаммаша тараққиётнинг овози шундай ўчирилади.

Агарда бизлар шундан хулоса чиқарганимизда, моҳиятда ҳеч қандай император йўқ ва биз ҳақиқатдан анча йироқ эдик. Мен яна ва яна такрорламайманки, эҳтимол, жанубий халқлардай императорга содиқ халқнинг ўзи йўқ, аммо шу содиқликнинг унга нафи тегмайди. Тўғри, қишлоққа киришда кичик калонна олдида илоҳий аждар турибди ва қадим замонлардан буён ўзининг оловли нафасини Пекин тарафга юбориб турибди. Аммо Пекиннинг ўзи одамларга бегона, ҳатто нариги дунёдаги ҳаётдан ҳам кўра. Наҳотки шунақа қишлоқ бўлса? Уйлари далаларни тўсиб, бир-бирига жипс-лаштириб қурилган, ёпилган ва улар кўз илғайдига қишлоқ тепаликларидан узунроқ чўзилган, бу бошпаналар орасида одамлар ростдан ҳам туну кун турнақатор бўлиб турадимиз? Бизга бундай шаҳарни тасаввур қилиш қийин. Худди бир Пекин ва императори бир бўлиб бирлашиб булутга ўхшаб қуёш нурида замонга қараб секин алмашади. Бундай ўйлар оқибатида номаълум



даражада ҳеч кимга бўйсунмаган эркин ҳаётдир. У асло ахлоқан бузуқ эмас, киндик қоним тукилган жойларимдаги каби соф маънавиятни дунё бўйлаб шунча кезсам ҳам, эҳтимол, ҳеч қаерда бундай маънавиятни кўрмаганман. Аммо бу шундай ҳаётки, ҳеч қандай замонавий қонунларга бўйсунмайди, фақатгина

қадим замондан қолган ёзув ва огоҳлантиришга бўйсунлади.

Мен умумийлаштиришни хоҳламайман ва ҳудудимиздаги ўн минглаб қишлоқлар шундай йўл тутади, деб тасдиқламайман, боз устига Хитойнинг беш юзта вилоятидаги қишлоқларининг ҳаммасида ҳам. Шахсий кузатишларим ва жуда кўп ўқиган китобларимга қараб шуни айтишим мумкинки, айниқса, девор қурилиши пайтида, инсонийликка хос маълумотлар бутун вилоят қалбини ўқишга имкон берганда, шу асосга таяниб, ишонч билан айта оламанки, император образи кўз олдимда менинг жонажон жойларимдаги асосий хусусиятлар билан намоён бўларди. Бу тушунчада яхшиликнинг характери беришни хоҳламайман, аксинча, бу ерда дунёдаги қадимги давлатни айбдор, деб биламан. Чунки у ҳозиргача, Ватанимизнинг узоқ чегараларигача хизмат қилиши учун император ҳокимиятига ойдинлик киритмаган. Бошқа томонда эса бунда халқнинг император ҳақида етарли даражада кучли бўлмаган ишончию жўн тасавури акс этади, у Пекин нурларида императорнинг йўқолиб қолган замонавий ва ҳаётий қиёфасини садоқатли кўксига босишни, бир марта бўлса-да, унинг меҳрини туйиш ва тафтида эриб кетишни истайди.

Хуллас, бу тушунчани яхши хислат, деб атаб бўлмайди. Ундан кўпроқ эса кўзимизга шу ташланадики, айнан шу кучсизлик халқимизнинг бирлашишига асосий омил бўлиб хизмат қилади. Ва яна қўрқмасдан янада жасоратлироқ хулоса қилишга ижозат берса, ҳамма гап айнан биз яшайдиган шу заминда. Агарда шу вазиятда таънани асослайдиган бўлсак, бу демак, нафақат виждонимизга, балки ундан ҳам муҳимроқ, бутун давлатнинг пойдеворига тажовуз қилишдир. Шу боис бу саволнинг изланишларига ҳозирча узоққа бормайман.

Немис тилидан Шаҳноза Қувонова таржимаси.



Француз  
детектив  
ёзувчиси 200дан  
ошиқ роман  
муаллифи

## Uch rembrandt

- "Друо" меҳмонхонасини биласизми? - сўради мендан Жозеф Леборнь.

- Ким у ерни билмас экан!

- Унда сизга бир воқеани сўзлаб берай ва шундан кейин "Друо" меҳмонхонаси кўз олдингизда бошқача қиёфада намоён бўлади. Кунлардан бир куни аукцион эълон қилинди ва у олдиндан катта сенсацияни ваъда қиларди. Гап ўн беш йил давомида ўзининг хужрасида Рембрандтнинг номаълум бўлган суратини сақлаган ва уни сотишга ҳамон қарор қилмаган қандайдир Валь фамилияли антиквар (антикий нарсалар коллекционери) ҳақида кетарди.

Уша сурат рассомнинг автопортрети эди. Унинг ўзгача нодир қийматини фақатгина ундаги имзо белгиламади, балки суратда битилган йил - 1669, бу рассом вафот этган сана эди.

Рембрандтнинг бошқа портретларида эса ўша йил мавжуд эмас.

Бир куни Валь бир қанча санъатшуносларни дурдона асарини томоша қилишга таклиф этади ва барча бир овоздан унинг асл нусха эканини тан олади. Бироқ скептиклар (ҳар нарсага шубҳа билан қаровчи шахс) орасида шивир-шивир кўпаяди:

"Бу ҳақда экспертлар нима деркин?"

Кутилмаганда кишини ҳаяжонга солувчи хабар тарқалди: шанба куни чошгоҳдан сўнг бинойидек кийинган қандайдир бир йигитча "Друо" меҳмонхонасининг галереясига қўлтиғида сурат қистирилган ҳолда кириб келган ва Вальнинг номидан меҳмонхона директорига суратни топширади ва эртадан бошлаб залда бебаҳо сурат қаерга қўйилса, ўша ерда изқувар навбатчилик қилишини айтади.

Суратнинг ўлчами олтмишга етмиш сантиметр, қора эмандан ишланган силлиқ ром ичида бўлган.

Йигитча кетишга улгурмаган бир пайтда жўнатмаларни манзилига элтиб юрган почтачи директорнинг ёнига келиб, худди ўша ўлчамдаги суратча келадиган тугунни беради ва шу заҳоти ғойиб бўлади.

Ниҳоят соат бешда "Друо" меҳмонхонасига Вальнинг ўзи ташриф буюради, кўзлари чақнаб саросимада қолган директорнинг олдида ўзи билан ола келган, шу қадар шов-шувга сабаб бўлган суратни очади.

Кейинги эпизодларни тасвирлашнинг имкони йўқ! Директорнинг кўз олдида энди битта Рембрандт эмас, балки бир хил ромдаги, мутлақо бири-бирига ўхшаш учта Рембрандт турарди, вазиятнинг бундай кескин ўзгаришидан сўнг ҳатто Вальнинг ўзи ҳам суратини бошқа икки суратдан ажратишга ожизлик қилади.

Зудлик билан бундан полицияни хабардор этишади. Биринчи ва иккинчи суратни олиб келган йигитча ҳамда почтачини қидириш ишлари бошланади, "Друо" суратлар галереясидаги кичик бир дунё алгов-далгов бўлиб кетганди.

Бахтга қарши ажойиб экспозициянинг ҳақиқийсини аниқлаш жараёни жуда мушкул ишга айланади, Рембрандтнинг эгаси ҳам надомат-ла суратларнинг қайси бири асл нусха эканлигини ажрата олмайди.

Уч кун мобайнида танқидчилар ва энг машхур антикварлар кўргазма залида қизгин тўпланиб туришди.

Баҳс-мунозаралар авжига чиқди. Бир-бири билан тортишаётганларга ёрдам бериш учун ҳар бир сурат ромига ёрлиқчалар ёпиштирилди: биринчи рақам, иккинчи рақам, учинчи рақам.

Кўпчилик биринчи рақамли суратни асл нусха дея қўллаб-қувватласа, бошқалари иккинчи рақамлисини ҳақиқий дея илгари сурадди; учинчи рақамдаги суратнинг эса ҳимоячилари бармоқ билан санарли эди.

Аукцион, шубҳасиз, номаълум муддатга ортга сурилганди. Тергов эса давом этарди.

Лекин на ёш йигитча, на почтачи топилди ...

Жозеф Леборнь жилмайиб, мен томонга рақамлари ёзиб қўйилган, имзоси туширилган ва катталаштирилган суратларни суриб қўйди.

- Экспретиза-чи?...- сўрадим мен. Леборнь хохолаб кулиб юборди:

- Қандай содалик! Сиз нима ҳеч қачон бунга ўхшаш ишга дуч келмагансизми?

Яқиндагина Германияда Ван Гогнинг сохта суратлари билан боғлиқ катта можаро юзага келди. Ишга ўн нафар экспертлар жалб этилди, бироқ уларнинг ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик бўлмаган. Кескин баҳслардан сўнг ҳар бир эксперт ўзининг фикр-мулоҳазаларини қолдиришган. Икки йил муқаддам эса Америкада бошқа фирибгарлик - Рафаэльни сохталаштиришга оид йирик жанжал ном чиқарди. Экспертлар суратнинг соҳиби ҳисобидан Лондон, Берлин, Париж ва Рим бўйлаб айланиб юришди. Америка Қўшма Штатлари нашрларининг очиқ эълон қилинган хабарларида эса, босиқлик билан таъкидлаган ҳолда ҳам экспертлар ҳақиқий мубоҳаса қилувчиларга айланиб кетишди, улар бу жараёнда бир-бирларини соябонлари билан калтаклашдан ҳам тойишмасди, дейилган.

- Рентген-чи?

- Бу яна катта можаро ва баҳсга сабаб бўларди. Аммо ушбу вазиятда эса учала суратдан ҳам бир хил натижа олинди.

- Сурат устида олиб борилган микроскоп таҳлиллари-чи?..

- Ҳеч қандай фойда бермади.

- Учала имзони синчиклаб ўрганиш-чи?

- Ўзингиз қаранг... ва хулоса яшашга уриниб кўринг.

- Суратни "Друо" галереясига етказиб беришгунларига қадар у қаерда бўлган?

- Қайси сурат?

- Шубҳасиз, Валь олиб келгани. Асл нухсаси.
- Суффрен авенюсидаги (АҚШ, Англия ва Францияда: икки чеккасига дарахтлар ўтқазилган катта кўча) Вальнинг квартирасида. Уни ҳатто деворга оширмаган, уй соҳибининг хонаси ёнидаги кичик бир ҳужрада қулфланган ҳолатда бўлган.
- У ерда узоқ вақт давомида ётганми?
- Ўн беш йил. Ўша вақтлар Валь ўзининг шоҳ асарини қандайдир провинциаль (пойтахтдан узоқдаги шаҳар)да ўтказилган аукциондан қидириб топган. Сурат қурум босган ва жуда ачинарли ҳолда бўлган, унинг сурат эканлигини базўр таниш мумкин эди, имзо деярли ўчиб кетганди. Аммо Вальда сезиш қобилияти кучли эди. У портретни реставрация қилди... Бироқ энг яқинларидан бўлак ҳеч бир зотга ўзининг топилмаси тўғрисида оғиз очмади. Саноқли одамларгина уни кўриш бахтига муяссар бўлди. Валь ҳар доим қайта-қайта такрорларди: "Қотган нонга куним қолса ҳам Рембрандтни сира сотмайман".
- Ўзи нима билан шугулланади Валь?
- Расмий равишда ҳеч нарса билан. Уни қарийб ҳар куни "Друо" меҳмонхонасида учратишингиз мумкин, лекин умуман олганда у бошқалардан сира фарқ қилмайди. Нимадир харид қилади, нимадир олиб сотади ...
- Ҳар ҳолда у ўзининг Рембрандти билан видолашишга кўнибди-да?
- У қизини эрга бермоқчи.
- У уйланганмиди?
- Хотини ўлган. Унинг ёлғиз қизи йигирма икки ёшда. Хотини эса қимматбаҳо тошлар савдоси бўйича даллол бўлган.
- Валь бадавлатми?
- Етарли даражада камтар яшайди. Икки хизматкор, арзон квартира. Унинг ҳақиқий бойлиги ўзи таъкидлаганидек - Рембрандт, ўзига қолса у билан видолашишни ҳеч хоҳламайди. Мана нима учун у тўлгонган ва гангиб қолган, мана нима учун у уч суратнинг қаршисида тик туриб, хонавайрон бўлганлигини тан олган ва ҳатто жонига қасд қилишгача борган.
- Қандай қилиб?
- Веронал (уйқу дори) қабул қилган, лекин заҳарланишнинг биринчи аломатидан сўнг қизи докторни чақирган ва уни вақтида қутқаришган.
- Демак, аукцион амалга ошмаган?
- Бўлиб ўтди. Фақат орадан уч ҳафта ўтгач. Унгача эса чексиз тортишувлар, оддий ва мураккаб экспертизалар ўтказилди, бир-биридан тубдан фарқ қиладиган хулосалар нашр этилди, мутахассислар бўлса ўзаро кучли мунозарага киришишди. Биринчи навбатда бўлажак кувёдан шубҳаланишди, модомики, у суратни кўриш учун рухсат қилинган бирдан-бир одам эди. Бироқ у бу галати ишларга ҳеч қандай алоқаси йўқлигини исботлади. Унинг айбсизлигини аниқлаш учун икки учта баҳоловчилар билан суриштирув олиб боришга ҳам тўғри келди.
- Хизматкорлар нима дейишяпти?
- Биттаси - кекса, ҳеч нарса билмайди, ўзининг ошхонасидан бошқа.

У барча саволларга қандайдир мужмал жавоб қайтараяпти, унинг жавобларидан шундай таассурот пайдо бўладики, у ақлдан озгандек. Иккинчи хизматкор - Люксембургдан келган ёш қизча. Тергов жараёнида аниқланишича, у олтинчи қаватдаги уйчадан қўним топган, суратнинг мавжудлиги борасида у ҳатто хабардор ҳам бўлмаган ва ҳеч қачон ҳеч кимни хўжайинининг квартирасига олиб келмаган.

- Иш нима билан якун топди?

- Аукцион - энг унутилмас ҳодисалардан бирига айланди. Ҳар ҳолда бўлиб ўтди. "Друо" меҳмонхонаси доимий ишқибозларининг барчаси гўёки жамулжам бўлди. Берлин ва Амстердамдан коллекционерлар ва рассомлик санъати ихлосмандлари ташриф буюришди.

Жажжи қисмларигача бир-бирига мос тушган учта портрет ёнма-ён илиб қўйилганидан ажиб манзара юзага келди. Валь эса адои тамом бўлди. У гоҳ бир, гоҳ бошқа галереяга ташриф буюрган кишилар гуруҳи ёнига яқинлашарди, бу ҳолат ўн бора такрорланди. Қайта ва қайта уларга бошига тушган мусибат ҳақида сўзлашдан чарчамасди.

"Мен хонавайрон бўлдим, - афсус чекарди Валь. - Босқинчилар бояқиш қизимнинг сепини ўғирлаб кетишди. Шунга қарамасдан сурат шу ерда... ҳа шу ерда, аммо мен ҳатто уни таний олмайман ҳам..."

- Хуллас харидорларни топдимми?

- Аукционда нархлар ҳаддан ташқари баланглаб кетди. Энг қизиги ва ажабланарлиси, аукционга учта батамом бир нусхадаги суратлар қўйилганди. Улардан иккитаси эса ҳеч қандай қийматта эга эмас, аукцион ҳам шунга монанд тарзда тезкор лотереяга ўхшарди. Биринчи рақамли суратнинг нархи кам бўлмаган сумма - икки юз минг франкка баҳоланди. Суратни сотиб олишни истаган оламоннинг ичида йирик америкалик коллекционернинг агенти ҳам қатнашаётгани кўпчиликнинг ҳайратига сазовор бўлди. Айни вақтда мана шу ҳодиса барчани шошилтириб қўйди.

Иккинчи рақамли суратнинг баҳоси уч юз минг франкка етди. Сотилган иккала суратнинг харидори ҳам бир одам яъни америкалик эканлигидан ҳеч ким шубҳаланмади, шак-шубҳасиз, у учала суратни ҳам қўлга киритмоқчи эди. Шу тариқа у асл нусхага ҳам эгалик қиларди. Аммо бу унга қимматга тушди. "Друо" меҳмонхонасида нозик таъб кишиларга жой йўқ. Аукционнинг боришини қизгинлик билан кузатаётганлар шу нарсани англаб етишдики, америкалик ҳар қанча катта миқдордаги пулни тўлаб бўлса-да, учинчи суратга ҳам эга чиқмоқчи эди. Аслида фақат иккита суратни сотиб олиш бу бемаънилик бўларди. Ҳар қандай нархга бўлса ҳам учала суратни сотиб олиш лозим. Эҳтирослар тобора энг юқори нуқтасига чиқа бошлади. Учинчи суратнинг баҳоси бора-бора тўрт юз минг франкка етди, кейин эса ярим миллионга, бошни гангитадиган даражада ошиб бораётган нарх-навога америкаликнинг оғзидан чиққан етти юз минг франкдан сўнг чек қўйилди ва учинчи сурат ҳам унга насиб этди.

Шўрлик терлаб кетди. У бир хил учта суратни сотиб олди, улардан биттаси асл нусха, холос. Буларнинг бари америкалик агентга бир миллион икки юз минг франкка тушди.

- Охир-оқибатда суриштирув қандай якун топди, учаласидан қайси бири асл нусха экан?

- Йўқ, албатта! Эндиликда учала сурат ҳам бадавлат америкаликнинг галереясида чирой очганча илиниб туради.

- Демак бу ишда ўзгача сир-синоат мавжуд ва текширилмай қолиб кетган?

- Ҳамма учун, фақатгина иккита одамдан бошқа.

- Ким улар ахир?

- Фирибгарликнинг муаллифи ва... мен.

- Сиз бу суратларни кўргандингизми?

- Йўқ. Мен қўлингизда тутиб турган фотосуратларнинг муаллифиман, холос ...

- Шундай қилиб, улардан қайси бири асл нусха экан? - Яна бир бор сурат остидаги имзоларга кўз ташлаб сўрадим мен.

- Асл нусхаси йўқ, - жавоб берди Леборнь. - Учала портрет ҳам - қалбаки.

Ҳайратдан оғзим очилиб қолди, Леборнь бўлса гапида давом этди:

- Бахтга эришишни орзу қилган инсонни тасаввур қилиб кўринг. Антиквар умумий маънода шундай шахс эдики, у ўткир чангалли қуш бўлмасида, аммо бир интилиш билан миллионларни эгалламоқчи бўларди. Кунлардан бир куни у сохтакорликдан чўчимасдан, Рембрандтга тегишли дея бирваракайига мутлақо ўхшаш учта бир хил асарни ясади. Дастлаб у суратларни ҳеч кимга кўрсатмайди, фақатгина у ҳақидаги гап-сўзлар билан чегараланади. Аммо у автопортретлардан бирини айрим яқин кишиларига ўз хонасида, шунда ҳам гира-шира қоронғиликда кўрсатади. Шу тариқа Рембрандтнинг сотилмайдиган ноёб ижод маҳсули бўлган сурат ҳақида афсона туғилади. Валь рассомчилик санъати ихлосмандларининг ҳеч бирига суратини ҳатто бир бора боқишга рухсат бермагани ва у ҳеч қачон ҳеч кимга сотилмаслиги борасидаги қатъий қарор каби жиҳатлар Рембрандт автопортрети тўғрисидаги гап-сўзлар ўрлаб кетишига замин яратди.

Вақт кетарди. Тинимсиз югур-югурлар манбаига айланган сурат ҳаёт мазмунига айланди. Шу кундан бошлаб у ҳамманинг оғзида!

Кутилмаганда Валь суратни сотиш борасида ўзининг ҳал қилувчи қарорини эълон қилмоқда. Гўёки у қизини эрга бераётгани учун унинг сепига пул керак эмиш. Бироқ у ингради. Унинг қалби ўлганди.

Тиллога тенг дақиқалар ўтиб кетарди! Агарда экспертлар номаълум суратга қараб тўйишмаса, сохтакорликни аниқлашармиди? Лекин Валь саросимага тушмади. Негаки унинг ихтиёрида яна иккита сурат мавжуд эди, шунингдек у экспертлар "Бу сурат асл нусхами?" дея сўрамай қўйишига муваффақ бўлганди. Аксинча улар: "Ҳақиқатдан ҳам суратлардан қайси бири Рембрандтнинг қаламига мансуб?" деб қизиқишарди.

Жанг бошланиб кетди. Ўзи инсониятнинг табиати шунақа. Рақиблар муқаррар равишда бир-бирларига ташланишлари керакдек гўё. Улар биринчи, иккинчи ва учинчи рақамли суратни ўзларича ҳимоя қилишар, бешафқат ёқалашарди.

Рус тилидан Азизбек НОРОВ таржимаси.

# ТАУНИН ҚО'ШИГ'И...

Shayx Najmiddin Kubro hayotidan tarixiy

ROMAN-DRAMA

Биринчи Саҳна

Хоразм салтанати пойтахти Урганч қалъасидаги бозор  
майдончаси. Одамлар тўпланган.

Али - Ҳалойиқ! Шўримиз қуриди ҳамшаҳарларим! (нарироқдаги арава устига чиқади) Яжуж-маъжуж бостириб келди, Урганч ҳисори қамалда!

Гулсанам - (Алига) Амаки, ваҳима қилманг! Бунча қўрқоқ бўлмасангиз-а! Кўзингиз ила ёғийни кўрдингизми?

Али - (янада баланд, ваҳимали овозда) Кўрмадим, локин кўрғонларнинг сўзларича, аларнинг кўзлари нақ пешонасида эрмиш. Даррандалар назари киби кўзлари мардуми оловланиб, огзидин ўт пуркаб, учрогон не борки куйдириб, кулга айлантирар эрмиш.

Овозлар - Ё Парвардирогор-а! Ўзинг паноҳингда асрагил бизларни!

Овозлар - Эвоҳ, Тангрим, ёзугимиз недур бизларнинг, ёзугимиз!

Қаюм - Девларнинг кўзлари битта бўлади.

Али - Инсми-жинсми яккаш Оллоҳимга аён, алаҳусус аларнинг қаҳрла сермаган қиличлари беш-олти газ чўзилар эмиш.

Овозлар - Астағфуруллоҳ! Астағфуруллоҳ! Эмду ҳолимизга маймунлар йиғлар!

Гулсанам - (Алини итариб, арава устидан тушириб юборадида, ўрнига ўзи чиқади) Ҳалойиқ! Ҳалойиқ! (ҳамма жим бўлади) Қалъамиз қамалда! Сувимиз, қорин тўйдирмоққа нонимиз йўқ (овозини кўтариб) Лаин Хоразмшоҳ Муҳаммад бизу-сиз, авомларни ўз холимизга ташлаб чивиндек жонини қутқармоқ илинжида Ажуза қиёфасинда қочди.

Қаюм - Эгасизни ит талайди, Султон Хоразмшоҳ йўқ, хирмонимиз ҳосилидин лашкарлари ила аларнинг отларин боқмоқга ботмонлаб арпа-бугдой олгон саркардалар қани, қай гўрга кириб кетдилар?

Гулсанам - (Қаюмга) Ори-ори рост! Қай кунларга қолдика! Онамен, болам оч! Боз устига Қалъамиз қамалда. Қай йўсинда кун кечирмоқни ўйлайдурмен? Ҳисоримизни қўшқўлаб ёғийга топширмоқ ниятим йўқ!

Али - Эшитдингларми Бухоройи Шарифга мўгуллар босқин қилибдур. Шундоқ катта шаҳарга ўт қуйиб, қизлару-аёлларни, ёшү-қарини қиличдин ўтказибдур.

Қаюм - (Ваҳимали овозда) Ана ҳалойиқ тамом бўлибмиз! Бул қалъада бошимизни бириктирайдигон, юр ёғийла курашайлик дейдигон кимса бормикин-а!?

Аёллар овози - Вой-дод уйимиз куйиб қолдией! Вой дод! Вой дод! (барчаси ер муштлайдилар) Ёш болаларимиз - қизларимиз бор... Энди нима қиламиз-а!

Талатўп бошланади. Кимдир туртиниб чап томонга, иккинчиси бошқа бир тарафга югуради. Шу орада кимларнингдир оҳ-войи, "Уйим куйди... Мўғулни туққан оналарга лаънат" деган овозлар, ноалар эшитилади.

Қаюм - Мўғуллар бизни итдек сўйиб ташлаб, сўнгра билфонларин қилғайлар.

Қосим полвон - (кириб) Бас! Бас деяпман! (атрофга қараниб) Ким ваҳима қилиб бўқираяпти?

Гулсанам - Полвон амаки вақтида келдингиз, (Алини кўрсатиб) Бул кўрқоқ ёғийни кўрибдур. Бошларида икки мугузи бор, ярми одам, ёртиси шер келбатлик маҳлуқлар эмиш.

Қосим полвон - (Алининг кекирдагидан бўғиб) Нимага ваҳима қилиб, одамларни кўрқитмоқдасен! (қиличини қинидан суғуриб) Воввос бўлгон тилингни кесиб, каллангни чопиб ташлармен.

Али - (Ҳирқираб) Менга ёғий...ни кўргон...лар айтишди.

Илёс - Ҳалойиқ, Аҳли Ҳисор ана (хурсанд овозда) Шайхимиз Нажмиддин Кубро ҳазратлари келмоқдалар.

Гулсанам - Қани, қани? (қувнаб) Шайх Ҳазратларини бул ёнга чорланг!

Қосим полвон - (Алининг кекирдагини бўшатиб) Тилингни тийиб юр!

Али - (кекирдагини уқалаб) Хўп, ...локин.

Шайх Нажмиддин Кубро киради. Илёс, Гулсанам, Қосим полвон ва бошқалар умид-илинж билан унга тикилишади. Али ваҳима билан атрофга олазарак боқади.

Гулсанам -Ассалому алайкум Ёшулли Ҳазратлари!

Кубро - Валайкум ассалом моҳипайкар қизим, (ҳаммага бир-бир кўз югуртиргач) Ташвишлисизлар?

Қаюм - Кубро ҳазратлари! Пайкалларимизда бугдой-арпаларимиз гарқ пишган... ўриб, хирмон қилайдигонмиз, аммо рискү-насибамизни ёғий бирлан отлари ейдурми?

Қосим полвон - Шайх Кубро Ҳазратлари, Ҳисоримиз деворлари тагинда ёғий навкарлари қилич ўйнатиб, найза иргитмоқдалар. Манжаниқларидин отгон оловларидин кулбаларимиз ёнмоқда! Қамалдаги аҳли қалъа ваҳимада! Хоразмшоҳ саркарда Жалололдинни ўзи бирлан олиб кетди, Шер юрак Темур Маликни Хўжанд қалъаси ҳимоясига жўнатибдур. Бул музофатда қора кетмону, ҳунар ила кун кўрайдигонларни ҳимоя қилайдургон кимса қолмаган.

Кубро - Ҳа, юртошларим ташвишли замон бўлди. Мен ҳам шул хусусинда қайгурмоқдамен.

Али - (таъзим қилиб) Шайх Ҳазратлари, (этагини ўпиб) эгилган бошни қилич кесмайдур. Чингизхонни нон-туз ила қалъа дарвазаларин пешкаш очгон ҳолда кутиб олмоқ маъқулдур.



Кубро тўни барини силтаб, йигиштириб олиб Алига газаб билан қарайди.  
Кубро - Али фикрингга қўшилмасмен! (тўпланганларга қараб) "Фаҳири" миз  
Бухорода Чингизхон қандай хунрезлик қилгани барчангизга аёндур.

Гулсанам - Бузургвор Шайх ҳазратлари малол бўлмаса Бухородаги  
Мўтулларнинг қонхўрлиги ҳақида сўзлаб берсангиз?

Овозлар - Айтинг, ҳақиқатни эшитайлик!

Атрофдан одамлар оқими келиб уларга қўшила бошлайди.

Кубро - Султонсиз, саркардаларсиз қолгон аҳли Бухоро Чингизхон  
қўшинига қарши жанг қилгон, кўплаб фидойилар тенгсиз жангларда ҳалок  
бўлгоч, ёғий шаҳар қалъасига бостириб кириб ёшу-қарини қалъадин  
ташқарига ҳайдаб чиқариб, шаҳарга ўт қуйгон.

Гулсанам - Қизлар, ёш болалару-кексаларга раҳм-шафқат қилишгондур.

Кубро - Пулдорлар, бой-бадавлат кишиларгина хорвор-хорвор тиллалари  
эвазига ўз бошларин сотиб олгонлар. (сукут) Қалъа ичиндаги шер юрак  
фидойилар курашни давом эттиришгон.

Қосим полвон - Азаматлар, она туфрогин ҳимоя қилайдигонлар бор  
эканку!

Кубро - Чингизхон зафар кучгач очликдин силласи қуригон, мағлублик  
аламидин кўнгли чўккан Бухоро аҳлини бир жойга йигиб, аларнинг кўз  
олдиларинда сулувдин сулув хотинлару-моҳваш қизларни зўрлай бошлогонлар.

Илёс - Астағфуруллоҳ! Шайтони лаиннинг малайлари.

Овозлар - Ана кўргулик, бизлар нима қиламиза!

Гулсанам - Шарму-ҳаёсизларни туққан оналари дўзахда чирисинларда.

Кубро - Зўрланаётгон қизу-аёлларнинг дод-войи, оҳу-фарёдига чидай  
олмогон "Фаҳрият" имоми Рукниддин ҳассаси бирлан ёғийларни ура  
бошлайди. Анга ўғли Исомиддин, қози Садриддинлар қўшилишади. Газабга  
мингон оломон гаюрларга ташланиб қўлларига илашган нарса ила жангга  
киришгонлар.

Гулсанам - Ана, ана... (чапак чалиб) Довюрақлар бор экан-ку!

Қаюм - Элбурутдин суюнмағил, қуролсизнинг қўлидин нимаёқ келарди.

Кубро - Сўнгра қуролсиз аҳли Бухорони ёғий навқарлари қиличдин  
ўтказишгон. (ҳамма сукутда) Бўлгон воқеа шу!

Али - Уф! Яхшиси Қипчоқ даштлари узра қочамиз.

Гулсанам - (Алига) Сен битта хотинингни ёнингга олиб қочайдурсен,  
Менчи, мен қайга борурмен! Эрим ёғий ила курашда ўлдирилди. Аёл бошим  
ила қипчоқдин риск-насиба ахтарурманми?

Қосим полвон - Аёлларимизни бева, болаларимизни етим қилмаслик  
йўлин ахтармоқ керак, боз устига ейдигон озуқамиз ҳаминқадар қолгон...

Гулсанам - Шайх Кубро Ҳазратлари бул мушкулотнинг иложин топмоқ  
керак.

Ҳар ким ўзича гапира бошлайди. Гала-говур бошланади. Кимлардир  
писиниб кетмоқ пайига тушади. Нажмиддин Кубро араванинг устига чиқади.

Кубро - Эшитинглар! Бир куни офати Вабо касаллиги йўлида кетиб

бораётгон оннда олдиндн Азроил алайхус-салом чиқиб қолибдур, "Қани қиргинбарот Вабо боз қай бир қишлоқдаги бани одамларнинг жонини менга пешкаш қилиш илинжидасен" дебди. Қиргинбарот Вабо хасталиги қўли бирлан баланд тоғ томонга ишора қилиб "Азроил алайхус-салом! Ана шгул овулдин Оллоҳим бандаларин орасинда беш юз инсоннинг жонини олишга иккимиз келишиб олсак" дебдур. Орадин чамаси бир ойлар ўтгоч боз Азроил алайхус-салом бирлан офати Вабо учрашиб қолибдур.

Илѐсга - (ѐнидаги Алига) Пишиллама, эшитишга халақит бермоқдасен.

Али - Узингчи, ўзинг хўкиз мисол пишқираяпсанку!

Қаюм - (иккаласига) Жим бўлларинг.

Кубро - (бир зум тин олгач) Азроил алайхус-салом "Қиргинбарот Вабо дастингдин беш юз эмас, ондинда кўпроқ инсон жон таслим этди-ку!" дебдур. Шунда Вабо хасталиги мулзам ҳолда "Мен беш юз бани инсонни хасталик комига тортдим, локин номимни эшитиб ваҳимага тушгон минг киши юрагида пайдо бўлгон қўрқувдин жон таслим этдида" дебдур.

Гулсанам - Вой-вуй... минг одам ваҳимага йўлиқиб ўлиб қўйибдими-я!

Қаюм - Қўрққанга қўш кўринур деб шуни айтур.

Али - Ваҳима-я, ваҳима! (одамларга юзланиб, баланд овозда) Шайх Ҳазратлари жонли гап қилдилар ваҳима, кўнгилга оралагон гулгула кўп ёмондур!

Кубро - Қўрқув, гулгула ваҳима бирлашса вабодин ёмон... боз даҳшатлироқ!

Кўча бошидан Нажмиддин Кубронинг ўгли Рўзмат ҳаллослаб, қора терга тушганича югуриб кела бошлайди. Ҳамма унга саросима билан қарашади.

Рўзмат - (Куброга) Падари бузрукворим! Ҳозиргина кўзи қисик, бешта қурооланган кўса одамлар уйимизга бостириб кириб, неварангиз Сабонинг бошига қоп кийгазиб олиб кетишди.

Гулсанам - Вой ўлмасам қиз болани-я!

Қосим полвон - (қиличини чиқариб) Азозил\* у лаинни югурдаклари кимлар экан?

Рўзмат - Гаюрнинг Саркори Шайх Нажмиддин Кубро Ҳазратлари қалъадин чиқиб кетсин, йўқса неварасин тирик кўрмағай деди.

Кубро - Эвоҳ! (ўйчан) Қурооланган одамларми?

Рўзмат - Ҳа-ҳа. Темирдин совут, ўқ-ёй, найзалар бирлан қурооланишгон.

Қосим полвон - Мўгул навкарларимикина?

Кубро шаҳд билан аравадан тушади. Сўнгра ўйчан тўхтаб қолади.

Али - Кубро ҳазратлари, булар ёғий мўгул ҳоқони Чингизхоннинг навкарлари бўлса керак, айтганин бажаринг, йўқса...

Қосим полвон - (Алининг ёқасидан олиб) Чингизнинг навкарлари эканлигин қайдин билурсен?

Али - (Қосим полвоннинг қўлидан холос бўлишга тиришиб) Қўйвор! Қўйвор деяпмен! (Қосим полвон уни қўйворади) Бугунги кунимизда ёғийимиз Мўгулларку, алар эканлиги кўр кўзгаям аён.

Қосим полвон - Номард Чингиз, қоқ юрагингга ханжар санчур!

Гулсанам - Шайх Ҳазратлари! Неварангиз Сабонинг ўн гулидин бир

гули очилмагон гунча. Ёгий талабгор бўлса бора қолинг. Бизлар бир кунимизни кўрармиз!

Рўзмат - Падари бузруквор, қизим...ни қутқазинг, йўқса адоий тамоммен!

Чироқ ўчиб, парда тушади.

### ИККИНЧИ САҲНА

Чингизхоннинг ўтови. Олтиндан ишланган тахт юқорида кўрк бериб турибди. Уртадаги хонтахта устида ноз-неъматларга тўла дастурхон. Тахт ёнида олтин дастали қилич ва найза тик, қадаб қуйилган. Икки ёнда қўриқчи навкарлар, Чингизхон одам боши чаноғидан ясалган қадаҳда шароб ичмоқда.

Маҳмуд Ялавоч - (кириб, таъзим қилади) Ассалому алайкум Соҳибқирони муаззам Ҳоқоним!

Чингизхон - Валайкум, Ҳуфияларинг фармони олийимни адо этишдимму?

Маҳмуд Ялавоч - (яна таъзим қилади) Бир огиз каломингиз бошим устига Ҳоқоним, Шайх Нажмиддин Кубронинг суюкли набираси ҳузурингиздадур.

Чингизхон - Олиб кир.

Маҳмуд Ялавоч - Ҳозир!

Утов эшигига бориб ташқарида турган кимгадир имо қилади, бироз ўттач бошига қоп кийгизилган Сабони Навкар олиб киради. Маҳмуд Ялавоч Сабонинг бошидан қопни сидириб олади. Навкар чиқади.

- Мана ўн бешлик Ҳилол ҳуснин тортиб олгон Сабо қиз Соҳибқирони муаззам Ҳоқоним амрингизга мунтазирдур.

Сабо - (кўзини уқалаб) Мен қаердамен?

Маҳмуд Ялавоч - (югуриб бориб Сабони елкасидан пастга эгади, аммо қиз эгилмайди) Таъзим..., лутф ила таъзим бажо эт.

Сабо - Фу! (бурнини жийириб) Тулки терисиден қалпоқ кийган шул кўса Чингизхонми?

Маҳмуд Ялавоч - (Сабонниг қулогига пичирлаб) Тилинкта эрк берма қизалоқ, кесилиб кетмасин.

Сабо - (Чингизхон тарафга туфлаб) Биткўзку! Боз устига кепатаси наmunча ёқимсиз?

Маҳмуд Ялавоч - (Сабонинг огзини қўли билан ёпиб) Тентакмисен! Довдир қиз! Боз такрор айтурмен рўпарангда Соҳибқирони муаззам Ҳоқонимиз Чингизхон турибдур, бошингни эгиб, ерга теккунча таъзим қил.

Сабо - Яккаш Тангримга таъзим ила сажда қилурмен!

Чингизхон - (қўлидаги бўш чаноқни узатади, навкар югургилаб келиб шароб қуяди) Кубронинг невараси кел, сен бирла майхўрлик қилмоқ истармен! (ўрнидан туриб келадида, қўлидаги чаноқни Сабонинг лабига туттади) Қани ич, шайхнинг арзандаси!

Сабо ичишни истамай лабини олиб қочади. Чингизхон қизнинг сочидан ушлаб ўзига тортади. Қиз унинг қўлидан қутулишга ҳаракат қилади. Кучи етмагач, зарб билан Чингизхоннинг тиззасига тепади. Ҳоқон тиззалаб ўтириб қолади. Икки қўриқчи навкар югургилаб келиб Сабонинг қўлини қайиришади.

Чингизхон - (Навкарларга) Қўйворларинг! (мазахла кулиб) Шайх

Ҳазратларининг невараси ... Чўл биясидек асов.

Маҳмуд Ялавоч - (кулиб) Ҳи-ҳи-ҳи! Ҳоқоним қизчани минги қилмоқ илкинғиздадур.

Чингизхон - (чаноқни Сабонинг лабига олиб бориб) Ич! (Сабонинг сочидан маҳкамроқ ушлаб) Ич, ич! Манжалақи! Ажинамни уйғота кўрма, йўқса...

Сабо - Биз, Мусулмонларга шароб макруҳдур. Бир қултум ҳам тановул қила олмасмен.

Чингизхон - (Маҳмуд Ялавочга) Шунақами?

Маҳмуд Ялавоч - Ожиза тўғри сўзлади. Қуръони шарифда шароб макруҳ, Ислолда тоат ибодат қилғувчиларга бул гуноҳи азим.

Чингизхон - (кезинади) Майли ичма, локин бобонг Куброға нома ёзгил.

Сабо - Қуш тили мисол номанинг мазмуни қай йўсида бўлсин?

Чингизхон - Урганч қалъасин дарвозаларин ланг очтирсин! Аёллар, ёш болалар боз устига кексаларга омонлиқ берурмен!

Сабо - Ёза олмасмен!

Чингизхон - Нечун?

Сабо - Пийри комил, Шайх Ҳазратлари бўлгон улуг бобомға ёш бошим ила нома битиб, оқил ўргата олмасмен?

Чингизхон - Ёшу улугларни иззат қилурмисен?

Сабо - Албатта, ёшлигимдин шундоқ тарбият олгонмен.

Чингизхон - Унда мени яъни ёши улуг инсонни нега тепдинг?

Сабо - Тепмадим, ўзимни ёвуздин ҳимоя қилдим. Боз устига юртимни босиб олишга келгон талончи, босқинчидурсен!

Чингизхон - Ёвуз, талончи дедингму? (кўксига муштлаб) Мени... Мени-я!

Қўлидаги чаноқ суягини Сабонинг юзига иргитади, чаноқ қадаҳ Сабога тегмай ёнидан ўтиб кетади, қизнинг юзига шароб сачрайди. Навкар югуриб бориб чаноқ суягини ердан олиб тозалайди, ичига шароб солиб, дастурхонга қўяди.

Сабо - Боз устига қонхўр, баттолсен!

Чингизхон - Бул юртнинг йигитларидин кўра қизлари дилидагин тўғри баён этурлар. (газаб билан кезиниб) Даҳрий?

Маҳмуд Ялавоч - (таъзим қилиб) Қулоғим сизда Соҳибқирони муаззам Хоқоним!

Чингизхон - (Сабони пешонасига газаб билан нуқиб) Тилиндин айтиб, нома битдиргил, сўнгра мактубни Шайхга етказиш чорасини кўргил.

Сабо - Бобом Шайх Нажмиддин Кубро Ҳазратларига мактуб ёзмасмен.

Маҳмуд Ялавоч - Сабо... уйлаб сўзла...

Чингизхон этиги қўнжидан қамчин чиқариб Сабони зарб билан уради.

Чингизхон - Мактуб ёзмайдурмисен?

Сабо - Нима деб битай?

Чингизхон - Урганч икки ойдин буён қамалда. Зафарли жангларда тоблангон навкарларим тошдин қурилган не-не мустаҳкам қалъаларни бир

зарб ила кун паякун қилишгондур.

Сабо - Қалъамиз мустаҳкам, боз устига жавоби оддий-ку.

Чингизхон - Оддий жавоб... во ажабо! Қани айтақол?

Сабо Юртдошларим киндик қонлари томғон туфроқни эъзозлашади, кўзларига суртишади, севишади!

Чингизхон - Фақат шулми?

Сабо - Риск-насиба ато этгон заминга иззат-икромлари қалбларига ботиний урнашгондур.

Чингизхон - (жойида тўхтаб қолади) Ҳақ гапни сўйладинг Қизалоқ! Қанийди, ҳар бир навкарим худди сен киби аждодлари ҳоки қуйилгон қишлоқларин қалбларидин ардоқласалар! Ўзгалар, Ёгийлар тулпорлари туёқлари тагинда ота-боболари ҳоки поймол бўлмасликларин ҳимоя этиб жонларин фидо этишларин истардим!

Сабо - Навкарларингизнинг киндик қонлари томган қишлоқлари йўқми?

Чингизхон - Бор... Туғилишганлар... аммо... (Сабонинг олдига келиб) аларни менинг ясогим ушлаб турибдур. Ясогим-а! Ҳа-ҳа! Ясогимдин қўрқурлар!

Сабо - Ясогинг недур?

Чингизхон - Ясогимми оддий: Бир навкарим сабабсиз ёгий қиличи тигидин жон таслим этса, муҳорабада они ёнида бўлгон навкарларимдин ўнтасин, ўнта навкарим ўлдирилса юзтасин жазога тортурмен!

Сабо - Сени кўкларга кўтаргон, Ҳоқонлиг тахтига ўтказгон Навкарларингта меҳрсиз экансен!

Маҳмуд Ялавоч ўзини тута олмай кулиб юборади. Чингизхон Сабони юзига шапалоқлаб уради.

Чингизхон - Қонхўрлигим, баттолигим рост қизалоқ! (дастурхон устидан бош чаногидан ясалган қадаҳни қўлига олади) Қаҳрлик бўлсамда ўз навкарларимга меҳрим бошқача. Босиб олгон шаҳру, қишлоқларни талашга рухсат этгаймен. Хотин-қизларини зўрлатиб... сўнгра аларни қул қилиб ўзларига бўлиб бергаймен!

Сабо - Итдин ҳам баттарин экансен.

Маҳмуд Ялавоч - (қўрқиб) Сабо... Сабожон. Тилингни тий!

Чингизхон - Мени итта менгзадингму?

Чингизхон ерга қадалган найзадан бирини олиб, зарб билан Сабони мўлжалаб иргитади, Сабо эгилиб қолади. Найза унга тегмасдан ёнидан учиб ўтиб, ўтов кигизига қадалади.

Чингизхон - Чаққонсен. Ўлимдин қутулиб қолдинг. Эмду сени қай йўсинда жазоласам...

Маҳмуд Ялавоч - Соҳибқирони муаззам Ҳоқоним қизалоқ ёш. Айтар сўзин тарозига қўймасдин бебошлик қилмоқда. Боз устига қизча Шайх Нажмиддин Кубро Ҳазратларин тарбиясин олгонда.

Чингизхон - (Сабога) Шундоқму?

Сабо - Ори-ори рост. Аввало бобомдин сўнгра китоблардин таълим олганмен.

Давоми кейинги сонда.

# Sen meni Sindirding!

Устозлар ҳақида сўз кетса, бошимдан ўтган ажабтовур воқеа хаёлимда ногоҳ гавдаланади.

Ўшанда талаба эдик. Амалиётга чиқдик. Шаҳарнинг энг зўр мактабига. Методистимиз домла Сулаймонов бошчилигида бир ойлик амалиётда иш ўрганиш учун мактаб ўқитувчиларининг дарсларига кирамиз. Ўқитувчилик осон касбдай туюлади. Қандайдир бир беписандлик билан боқамиз устозларга.

Орадан йигирма кунлар ўтиб домла Сулаймонов навбатдаги дарсдан сўнг бошқа талабаларга жавоб бериб мени "гап бор" деб олиб қолди:

- Эртага бизнинг гуруҳга комиссия келар экан. Дарс ўтиш керак. Ичимизда жони бори ўзинг. Қандай? Духинг етадимми?

- Нима қилиш керак устоз?

- Дарс ўтишинг керак. Конспект, иш планни қандай тайёрлаш керак, қандай дарс ўтишинг керак, ҳаммасини ўзим ўргатаман. Юрагинг урадимми?

- Синдираман устоз. Дарс ўтиш ҳам гап бўптими?

- Сал "серёзний" роқ бўл. Дарсга университетдан декан, кафедра мудирини, мактаб директори, яна ўқитувчилар, гуруҳимиз болалари ҳам киришади. Энг ёмони "Гитлер". Бошқалари билан келишса бўлади.

- Э, нимасини ўйлайсиз, устоз. Еттинчи синфдалигимдаёқ кичкина синфларга ўқитувчи келмай қолса, ўзим дарс ўтардим.

Сулаймоновнинг хавотирли юзидан бутунлай булут тарқаб, кўзларидан ваҳима йўқолди.

- Бу жиддий масала. Сен ўйлаганчалик эмас.

- Синдираман дедимми синдираман. Сиз хотиржам бўлинг устоз.

Устознинг юзига табассум югурди. Мен билан фахрланишини айтиб, ўша пайтларда машҳур бўлган чойхоналардан бирига олиб бориб, роса меҳмон қилди.

- Энди бундай, - деди устоз гугурт чўпи билан тишларини ковларкан. - Кечга уйга борасан. Қандай дарс ўтишинг, ўзингни дарсда қандай тутишингни ўргатаман.

Кечқурун устознинг уйида "учение урока"ни "тренировка" қилдик. Мен эшикни очиб ичкарига кираман. Устоз ўқувчидай ўрнидан туради. Мен виқор билан "Здравствуйте" дейман. Устоз жавоб қайтаради. "Разговорная пятиминутка"га ўтаман. "Ребята, сейчас какое время года?" Устоз қўл кўтаради. "Нука, отвечай" дейман. Устоз "Учитель, сейчас весна" дейди.

Ўртага саво  
та шлайман  
"Чем отли-  
чается весна от  
других времен  
года?". Устоз  
жавоб беради:  
"Весной много  
дождей бывает,  
дни постепенно  
потеплеют".  
"Ещё что?"  
дейман устозга  
қатғий боқиб.  
" Природа  
оживляет"



дейди устоз мўлтираб. Кейин "домашнее задание"ни сўрашга ўтаман. Уша куни устозни ўн марта ўтиргизиб, ўн марта тургиздим. Ўзимам бундан маза қилдим.

- Аъло! - дейди устоз ўзида йўқ қувониб. - Эртагаям шундай дарс ўтаоласанми?

- Синдираман!

- Дарвоқе, уст-бошинг ҳам худди циркдаги масхарабозларникига ўхшайди. Бу масалани ҳам ҳал қиламиз.

Эртасига устознинг укасини менга мос қоп-қора, яп-янги костюмини эгнимга илиб, устознинг галстугини бўйнимга осиб мактабга бордим. Гуруҳдошларим бир овоздан "вуй" деворишди. Ҳали дарс ўтишимни кўрсанглар вой деворасанлар деб қўйдим ичимда. Мактабга бирин-кетин ўқувчи-ю ўқитувчилар йигила бошлашди. Бир пайт йўлақда деканимиз Коробкин, кафедра мудиримиз Кочкорева, яна "Гитлер" лақаби билан машҳур замдеканимизга кўзим тушдию, оёгимга беихтиёр қалтироқ кириб, бўғзимга нимадир тиқилди. Аксига олиб дарсим биринчи соатда. Астагина қуённинг расмини солай десам, устоз Сулаймонов ёнимда "телохранитель"дай ҳушёр турипти.

Қўнгироқ чалинди. Ҳамма ўқувчилар қий-чув кўтариб синфга отилишди. Уларнинг орқасидан "аралаш контингент" ҳам мен дарс ўтадиган синфга киришди. Синф журналини қўлтиқлаб қалтираганча эшиқдан мўралаб кирдим. Ҳамма ўрнидан турди:

- Здравствуйте! - дедим қалтираганча.

- Здравствуйте! - аралаш овоз хонани тутди.

Стулга ўтирганимда қалтироқ беҳос кучайиб оёгимдан қўлларимга ўтди. Синф журналини варақлайману "Русский язык" деган саҳифаси қани

топилса.

- Кто дежурный? - деб мингирладим. Ҳеч ким эшитмади чоги ҳеч ким турмади. Миям гувиллаб, қулоқларим шангилай бошлади. Бир вақт тўтрига қарасам қўмондондан буйруқ кутаётган аскарлардек ҳамма менга қараб турипти. Сулаймонов менга ниманидир ўргатмоқчидай имо қила бошлади. Фойдаси йўқ дегандай ерга қарадим. Охири хаёлимни жамлаб, биринчи партада ўтирган ўқувчига:

- Манави темани чиқиб ўқи, - дедим ўзбекчалаб.

Қизчаям шуни кутиб тургандай шариллатиб мен ўтмоқчи бўлган янги мавзуни ўқий бошлади. Зимдан бошқаларга боқдим. Сулаймонов энди мендан бутунлай умидини узиб ташқаридаги дарахтларга қўниб турган қушларга қараб турган экан. Назаримда, қанийди шу тобда мен ҳам қушга айланиб қолсаму, деразадан "пиррр" этиб учиб кетиб шу галвалардан қутулсам, деб орзу қиларди.

Билагимдаги соатни чиқариб столга қўйдим. Эндигина ўн минут ўтибди. Эҳҳе, яна ўттиз минут... Ёнимдаги овоз ўчди. Саволомуз қарасам:

- Уқиб бўлдим, устоз, - деди қизгина. Вазият мураккаб. Энди нима қилсам?

Бу саволлардан бошим қизиб, пешонамдан тер қуйилди.

Ҳамма шармисорликни бўйинга олиб эълон қилдим.

- Яна ким чиқиб ўқийди?

- Мен, мен, мен устоз, - деган овоз синфхонани тутди.

- Сен чиқиб ўқи - дедим синфдошларидан новчароқ болага ишора қилиб.

- Фақат шошмасдан секинроқ ўқи.

Мавзуни еттинчи ўқувчига ўқитаётганимда қўнгироқнинг аянчли овози жаранглади. "Менинг баҳом неччи, устоз?" деган саволларни эшитмагандай, синф журналиям столда қолдириб қочишга тушдим. Танаффус бўлгани учун коридор лиқ тўла. Эндигина мактабнинг остонасига етаман деганимда чап билагимдан биров қаттиқ қисиб тўхтатди:

- Сен дарсни эмас, мени синдирдинг! - Устоз Сулаймонов ёнимда қақшаб турарди. - Сенга ишониб шарманда бўлдим. Энди қаёққа қочмоқчисан, ярамас!? Дарснинг муҳокамаси бўлади. Қилмишларингга жавоб бер энди.

Мактаб залига йигилдик. Бошимни кўтаролмайман. Замдеканимиз сўраб қолди:

- Шу пайтгача бирон соат дарс ўтганмисан?

- Йўқ, домла, - дедим мингирлаб.

- Ўртоқлар! - деди замдекан. - Бу болада айб йўқ. Бу ҳали талаба бўлса. Ушбу синфдаги одамлар менинг дарсимга кирганида мен ҳам шу дарс савиясига яқин дарс ўтар эдим.

Сўзга чиққанлар мен ўтган дарсни иложи борича хаспўшлаб фикр билдириб, устоз Сулаймоновни роса сулайтиришди. "Синдириш" деганлари шу бўлса керакда.



*Umida bilan suqilgan tayoq  
bir kun berar meva-yu yaproq!  
Gyte*



**Сабрина УМАРОВА,**  
**Абдулла Орипов номидаги ихтисос-**  
**лаштирилган мактаби-интернати-**  
**нинг 7-синф ўқувчиси**

**Tilak**

*Дунёларни кезгим келар,  
Осмондан ой узгим келар.  
Ўзгал ўзгал мисраларни,  
Ҳар лаҳзада ёзим келар.*

*Шоирликка ҳавасим бор,  
Дилимда ти қурган баҳор.  
Ватан, онамни қуйласам,  
Ёмиш бўлиб ёғар ашвор.*

*Бир кун албат ушалувди,  
Орзуларимнинг барчаси.  
Бўлсам дейман Ватанимнинг,  
Брун тоғин ва эртаси.*

**Tinchlik**

*Тинчлик барқарор бўлсин,  
Юртим улуғвор бўлсин.  
Одамларни бахтиёр,  
Осмон бугубор бўлсин.*

*Соёлар оқсин дарёга,  
Қулар тўлсин зиёга.  
Тинчлигим қўролмаган,  
Сиямасин кени дунёга.*

**Inson**

*Яхшилик ва ёмонлик,  
Шарк этмайдн дунёни.  
Ларзага солар юзга,  
Бутун жумла-жаҳонни.*

*Инсон баъзан бу туйғу,  
Қаршиснда бош эгар.  
Қонилида яшар чуғу,  
Баъзан қўздан ёш тўқар,*

*Қимдир ёмонлик қули,  
Қим яхшилик шайдоси.  
Қимнинг оиқдир қули,  
Қимнинг бисёр хатоси.*

*Шоки ҳаёт эканман,  
Яхшилик менла яшар.  
Чулки инсониятга,  
Яхшиликлар ярашар.*



## Qish manzaralari

Дарахларда олтин ранг,  
Апроқлар шижирлайди.  
Шижиратдан, ҳали жанг,  
"Қим" қўшини қўйлайди.

Дераҳам ойнасиз,  
Қимдир сураш имзиди.  
Алз бобо таш ізид,  
Қор қиздан сазом диди.

Дарах ботинда қариз,  
Қановларни хурпайган.  
"Қор-қор" демас бекориз  
Қор бобо аҳлини поклар.

Қўйларда одамлар,  
Пайпоқ, палто кирибди.  
Чана шоршан боталар,  
Ялматакни соғинибди.

## Оқзи

Бутулар ботинда қўлда тавандоз,  
Қади болларини кезди хилларим.  
Мисли бу баҳор ҳам қиландок парда,  
Мотринини бағрида порлоқ қўзларим.

Қўлда соғинлардан ёқанда анир,  
Бағшини дарахларини ялтанган ҳар он.  
Матаққаш либоси ботиндодок оғир,  
Майсалар қилмайиб шўфарди ҳайрон.



Паризода АМИРОВА,  
Қарши шаҳридаги  
15-мактабнинг 6-синф  
ўқувчиси.

## Yangi yil

Қор дар папа-папа,  
Болалар қилар маъза.  
Бир-бирини қўйлашар,  
Чана уғиб ялғашар.

Қор халқасини қўйлашар,  
Қор бобо кириб калди.  
Қор қизласи онинда,  
Совалар аниб калди.

Яни ани айёминимиз,  
Дўстлар, муборақ бўлсин!  
Яни анида яни бағш,  
Омад оғизга ёр бўлсин.

Севинч ОМОНОВА,  
Абдулла Орипов номидаги  
ихтисослаштирилган  
мактаб- интернатининг  
8-синф ўқувчиси.

Қўбонлар соғин оқларди хал,  
Синов урмонинда сузианда шўшу.  
Чоёқлар қўқлама бағарди сабал,  
Оламин кафшинда шўшанда қўшу.

Илҳомлар қалбиде изианда бағш,  
Мени оғ нуфларни бўларди сарош.  
Отпоқ орзуларим мисли қонини,  
Ўнда шондо кезар фалакдан оғ.

## МУАЛЛИФЛАРИМИЗ:

- Зафар Рўзиев, Қашқадарё вилояти ҳокими. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.
- Акмал Саидов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари кўмитаси раиси, ЎзРФА академиги.
- Убайдулла Уватов, Имом Термизий халқаро илмий тадқиқот маркази директори, тарих фанлари доктори, профессор.
- Поён Равшанов, Қарши давлат университети профессори.
- Иргаш Даминов, Республика Маънавият ва маърифат маркази бўлим бошлиғи.
- Назар Эшонқул, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. Ўзбекистон телерадиокомпаниясида фаолият кўрсатади.
- Қаҳрамон Ражабов, ЎзРФА Тарих институти бўлим мудирини, тарих фанлари доктори.
- Абдуматлуб Номозов, Халқ таълими аълочиси.
- Соҳиба Очилова, Шаҳрисабз шаҳар Амир Темур номидаги моддий маданият тарихи музейининг катта илмий ходими.
- Хўжамурод Жабборов, Қарши давлат университети «Ўзбек тилшунослиғи» кафедраси доценти, филология фанлари доктори.
- Эшпўлат Жабборов, Қарши давлат университети «Ўзбек тилшунослиғи» кафедраси доценти, филология фанлари номзоди.
- Фахриддин Раҳмонов, Қарши давлат университети «Жаҳон тарихи» кафедраси доценти.
- Қилич Абдинабиев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.
- Азиз Равшанов, Қарши ДУ қошидаги 2-академик лицейи катта ўқитувчиси.
- Руслан Омонов, Низомий номидаги ТошДПУ «Ҳарбий фанлар» кафедраси катта ўқитувчиси.
- Шерали Панжиев, «Муҳандис-иқтисодчи» газетаси бош муҳаррири.
- Шаҳноза Қувонова, Қарши давлат университети «Немис тили ва адабиёти» кафедраси катта ўқитувчиси.
- Норбой Қаҳҳоров, Иқтисод фанлари номзоди.
- Азизбек Норов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими етакчи мутахассиси.
- Асилбек Хўжаёров, Қарши ДУ ижтимоий фанлар факультети «Тарих» йўналиши 3-курс талабаси.
- Гўзал Рамазонова, Қарши давлат университети, Хорижий тиллар факультети 2-курс талабаси.



# Adabiy-badiiy, ilmiy, ijtimoiy-ma'rifiy jurnal



## ОБУНА-2019

Журналимизга 2019 йил учун обуна давом этмоқда.

Обуна барча почта ва матбуот тарқатувчи бўлимларда қабул қилинмоқда.

Журналнинг бир йиллик обуна баҳоси - 136000 сўм. Обуна индекси: 4069

